

ISSN 2181-8738

# ВОДАЙНОМА

АПРЕЛ-ИЮНЬ  
2022 ЙИЛ  
№2 (25)

Хазрати Усмон Куръонини Тошкентта олиб келиш  
комиссия альзолари: чапдан ўнгта раис Ризоуддин  
Фахриддин, Кашибоф Таржимонов, Захириддин Альдам  
Косим, Шамеиддин хожи Нуридинхўжа ўғли.

Тошкентдаги Хазрати Имом  
мажмууда сакланаётган  
**Усмон Куръони**



# МУНДАРИЖА

## «ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал  
2022 йил №2 (25)

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий  
экспедиция жамоат фонди

**Ҳамкоримиз:** Андижон давлат университети

**Бош мұхаррір:**  
Рустамбек Шамсұтдинов

**Бош мұхаррір ўринбосари:**  
Абдулла Шаропов

**Таҳрір ҳайъаты:**  
Акрамжон Юлдашев – б.ф.д., профессор  
Абдулла Расупов – т.ф.д., профессор  
Жамшид Жүразода – т.ф.д., профессор  
Кудияров Алишер – т.ф.н., доцент  
Мамбет Қойгелдиев – т.ф.д., ақадемик  
Мұхаммаджон Алижохин – т.ф.н., доцент  
Мирсадик Исхоков – т.ф.д., профессор  
Наим Каримов – ф.ф.д., ақадемик  
Нурмонжон Рағулов – т.ф.д., профессор  
Улугбек Абдуллаев – т.ф.д., профессор  
Әргаш Үсупов – т.ф.н., доцент  
Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

**Масъул котиб:**  
Шухрат Қаҳхоров

**Техник мұхаррір:**  
Азизбек Маҳкамов

Ўзбекистон Матбут ва ахборот агентлиги  
томонидан 2018 йил 5 июня № 0975 рақам  
билин рўйхатга олинган.

**Нашр индекси:** 170112

**Нашр учун масъул:** Р.Т.Шамсұтдинов

**Таҳририят манзили:** 170100, Андижон шаҳри  
Университет кӯчаси 129-йи.

**Телефон:** (99890) 253-26-32

**Факс:** (99874) 223-83-52.

**Почта:** vodiynoma@mail.ru

Босишига руҳсат этилди: 23.12.2021 й  
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Босма тобоби: 13,5  
Оффсет босма. Оффсет қоғози. Адади: 400 дона.

Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 3

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-  
мулоҳазалар таҳририят нұктай назарига мос  
кеңмаслиги мумкин. Көлтирилган факт ва  
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф  
жавобгар ҳисобланади.

Мүқова дизайнінің ва оригинал макет  
«Akademnashr NMM» МЧЖ томонидан тайёrlанган.

«Akademnashr» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўғалли ота  
кӯчаси 5-йи.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартағы  
239/5-сонли қарори билан Тарих фанлари бўйича  
илмий журнallар рўйхатига киритилган.

## БОШ МУХАРРИР МИНБАРИ

Ҳазрати Усмон Қуръонининг Тошкентта олиб келиниши тарихидан ..... 2

## ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

**Р.Т.Шамсұтдинов, Ш.Ходжиеv**

Самарқанддаги Мирзо Улугбек мадрасаси минорасини  
сақлаб қолишга доир ..... 19

**Ж.Иминов**

Бокудаги I съезд ҳақида Россия ва Туркистон матбуоти ..... 25

## ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ МЕРОСИДАН

**А.Маҳкамов**

Элчи Абдураҳим Юсуғзода фаолиятига доир ҳужжат ва материаллар .... 33

**Р.Т.Шамсұтдинов, Ш.Қаҳхоров**

Чўлпон таҳриридан ўтган шеър: «Газет чиқди, йўлдошлар!» ..... 37

## ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

**С.Боймирзаев**

Ўзбекистон тарихи давлат музейида фонд ишининг  
ташкилий масалалари ..... 45

## «КАТТА ТЕРРОР» ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

**Р.Шамситдинов**

Таниқли жадидчи Мажит Қодировнинг фаолияти ҳақида  
ҳужжат ва материаллар ..... 53

## ТАЪЛИМ ВА ИЛМ ФИДОЙИЛАРИ ТАРИХИДАН

**Р.Т.Шамсұтдинов, Д.Хомидов**

Туркистон муфтийиси Захириддин Аълам – қатағон қурбони ..... 68

**Умид Бекмуҳаммад**

Академик Зиё Бунёдов – ўзбек ва озарбайжон дўстлиги тимсоли ..... 86

**О.Ш.Канимкулов**

Фарғона водийиси тарихи ва археологиясини ўрганишда ақадемик  
Яҳё Ғуломовнинг ўрни ..... 93

## ТАҢҚИД ВА ТАҚРИЗ

**К.Н.Балтабаева**


Политические репрессии среди казахов на территории республик  
Средней Азии в 20 – 50-е годы XX века (в свете новых  
архивных источников). ..... 98

**Баҳодир Раҳмонов, Бегали Мўминов**

«Сайёҳ» – эзгулик садоси ..... 110



# ҲАЗРАТИ УСМОН ҚУРЪОНИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛТИРИЛИШИ ТАРИХИДАН



Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуида сақланадиган Усмон Қуръони


Ушбу масала бўйича биринчи бор андижонлик тараққийпарвар, исломшунос, диний идораларда масъул вазифаларда фаолият кўрсатган, 1937 – 1938 йиллардаги «Катта қиргин» вақтида қатагон қилиниб, ЎзССР НКВДси учлиги томонидан отувга ҳукм этилган Заҳириддин Аълам Қосимов машгул бўлган. Ҳазрати Усмон Қуръонининг Тошкентга келтирилиши тафсилоти унинг «Туркистон» газетасининг 1923 йил 14 февраль, 20 июнь сонларида чоп этилган мақолаларида берилган. Бу вақтда у Тошкентда диний вақф мудири бўлган. Заҳириддин Аълам Уфадан Қуръони каримни Тошкентга олиб келиш комиссиясининг фаол аъзоси эди. Усмон Қуръонининг Тошкентга келтирилиши тарихининг айрим қирралари Шайх Исмоил Махдум шайх Охунд Наманганий 1971 йилда нашр этилган «Усмон Мусҳафи тарихи» китобида, А.Э.Шмидтнинг «Биография, научная переписка, избранные труды, библиография» китобида, шу муаллиф ҳақидаги «Некоторые малоизвестные эпизоды из биографии А.Э.Шмидта», Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими, профессор Ҳамид Зиёевнинг «Ҳидоят» журналининг 2005 йил 5-сонида эълон қилинган мақоласи, шу институтнинг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Р.Н.Шигабудиновнинг «А.Э.Шмидт и Коран Османа: возвращение мусульманской святыни в контексте политики, науки и религии» номли мақоласида баҳоли қудрат ёритилган. Биз ана шу манбалар ва бошқа архив ҳужжатларига асосланиб Ҳазрати Усмон Қуръонининг Тошкентга келтирилишига оид айрим ҳолатлар ҳақида фикр юритишни лозим билдик.



*Буюк Амир Темур Сурия ва Ироққа қилган ҳарбий юриши чогида исломнинг мўътабар китоби – Усмон Қуръонини Самарқандга келтирган. Бу муқаддас манба узоқ йиллар давомида Самарқанд шаҳрининг четидаги машҳур Хўжа Аҳрор Валий масжидида сақланган.*

1868 йили чор Россиясининг «жаҳонгир» генерали фон Кауфман Қуръони каримни Петербургга жўнатган ва у октябрь тўнтариишига қадар подшо кутубхонасида сақланган. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг ўша йилнинг майида Москвада Бутунrossия мусулмонларининг биринчи съезди бўлиб ўтган, унда Туркистондаги жадидчилик ҳаракатида катта нуфузга эга бўлган, Андижонда рус ва ўзбек тилида газета чиқаришда фаол қатнашган Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ҳам шитирок этган. Съезд миллий шўро марказий органини тузган. Ўнинг таркибига Туркистондан Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ва Шодиаҳмедов киритилган.

империя сиёсатини рад этишини эълон қилди, мустамлака ва қарам ҳалқлар билан муносабатларни тенгҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат асосида қуриш истаги билдирилди. Бу тарихий ҳужжатлар сабиқ Россия империяси, Шарқ мамлакатлари мусулмон аҳолисига катта таъсир кўрсатди. Мусулмонлар Бутунrossия қурултоининг ўз таълим тизимини, диний ва ҳарбий муассасаларни яратиш тўғрисидаги талабини рад этган Муваққат ҳукуматнинг иккиланишлиари мусулмонларни газаблантирганди. 1917 йил декабрь ойида Петроградда бўлиб ўтган мусулмонлар қурултойида халифа Усмон Қуръони (бир пайтлар чор ҳокимияти томонидан мусодара қилинган) мусулмонларга қайтарилиши, Оренбургдаги Карвонсарой масжиди ва Қозондаги Суюмбике минораси ҳамда Кавказ ва Ўрта Осиёдаги бошқа шунга ўхшаш инишоотларнинг тикланиши мусулмонларда ижобий таассурот қолдириди.<sup>1</sup> Резолюцияда шундай дейилади: «Хо-



Санкт-Петербургдаги Невский проспекти ва Садовая кўчаси бурчагида жойлашган Россия миллий кутубхонаси (сабиқ Империя кутубхонаси). Шу жойда 1868 йилдан 1917 йил декабригача Ҳазрати Усмон Қуръони сақланган.

*В.И.Ленин ва И.В.Сталин имзолари қўйилган 1917 йил 2 (15) ноябрдаги Россия ҳалқлари ҳуқуқлари декларациясида ва Ҳалқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 20 ноябр (3 декабр) даги «Россия ва Шарқнинг барча меҳнаткаш мусулмонларига» мурожаатида Совет ҳукумати Чор ва Муваққат ҳукуматлар олиб борган*

зирда давлат ҳалқ кутубхонасида бутун мусулмон оламининг илоҳий, битмас-туганмас табаррук ёдгорлиги – Усмон Қуръони сақланмоқда. Мусулмонларнинг муқаддас ёдгорлиги мусулмонларнинг ўз қўлида бўлишини бутун

<sup>1</sup> Густерин П.В. Политика Советского государства на мусульманском Востоке в 1917 – 1921 гг. // Вопросы истории. 2010. №1. – С.92 – 100.



Самарқанддаги Ҳожа Аҳрор Валий масжидида Ҳазрати Усмон Қуръони сақланган

Россия мусулмонлари истайди. Россия барча мусулмонларнинг энг яхши орзу-умидлари рўёбга чиқишидан келиб чиқиб Петроград миллий округи ўлка мусулмонлари съезди якдиллик билан қарор қилди: 1. Барча мусулмонларнинг мулки – Муқаддас Усмон Қуръони зудлик билан мусулмонлар тасарруфида бўлиши керак. 2. Ҳазрати Усмон Қуръони ўлка съезди Ички Россия ва Сибирь мусулмон миллий парламенти томонидан Уфа шаҳрига топширилиши керак. 3. Ушбу қарорни ижро этиши съезд раисига, Бутунrossия мусулмонлари ҳарбий шўроси раиси ўринбосари Усмон Гидаятович Токумбетовга ҳамда Миллий парламент аъзоси Керим Мухамедович Сайдогга топширилсин. 4 декабрда Халқ Комиссарлари Совети Усмон Қуръонини мусулмонларга қайтариб бериш учун розилик берди.<sup>1</sup>

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети томонидан 1917 йил 9 декабрда Бутунrossия мусулмонлари съездига «Муқаддас Усмон Қуръонини топшириш тўғрисида» хабар эълон қилинган. Петроград округи ўлка мусулмонларидан Халқ Комиссарлари Советига Россия мусулмонлари-

нинг барчаси илтимосларини ижро этиши мақсадида ҳозирда Давлат оммавий кутубхонасидағи Муқаддас Усмон Қуръонини мусулмонлар ихтиёрига бериш илтимос қилинган.

Съезднинг бу қарорини ижро этиши съезд раиси Бутунrossия мусулмонлари ҳарбий шўроси раиси ўртоқ Усмон Гидаятович Тоқумбетовга ва миллий парламент аъзоси Керим Мухамедович Сайдовга топширилсин.

Халқ Комиссарлари Совети зудлик билан Муқаддас Усмон Қуръонини ўша мусулмонлар съездига топширишига қарор қилган. Ҳужжат Халқ Комиссарлари Совети раиси В.Ульянов (Ленин), Совет ишлари бошқарувчиси Бончъ-Бруевич, котиб Н.Горбуновлар томонидан имзоланган.

1917 йил 14 декабрда Петроград миллий округи ўлка мусулмонлари съездига Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлигига мурожаат қилиб исломдини ва мусулмонларнинг муқаддас ёдгорлиги – Қуръони каримни Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари миллий парламентига қайтариб беришни сўраган. РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.И.Ленин 1917 йил 19 декабрда Усмон Қуръонини Петроград миллий округи ўлка мусулмонлар съездига бериш ҳақида қарор қабул қилган. 1918 йил бошларида Ҳазрати Усмон

<sup>1</sup> Исҳоков С.М. Общественно-политическая жизнь петроградских и московских мусульман // Петербургский исторический журнал. 2014. №1. – С.121 – 125.



Куръони Бутунrossия мусулмонлари советига берилган ва Уфага олиб келингган.

Бу ҳақда Туркистонда чиқаётган «Хуррият» газетасининг 1918 йил 8 мартағы 77-сонида қуидаги ахборот берилган:



### Ҳазрати Усмон Мұсҳафи

«Ярим асрдан бери Петербург музей хонасинда сақланмоқда бўлган Ҳазрати Усмон Мұсҳафи шарифи 19 январда улуғ бир аскарий ҳайъат ила Уфага келтирилди. Ҳайъат бошинда Петербург мўътабаротиндан Амин Афанди Мақсудов бор эди. Бу Мұсҳафи шариф мусулмон аскарлари миллий идора тарафиндан сайланган ҳайъат ва бошқа мўътабарони исломия тарафиндан тантанали суратда қарши олинди. Мұсҳафи шарифни диния назоратина топширмоқ маросими ҳам ниҳоятда тантанали суратда ижро этилиб, таъсирли нутқлар сўйланди.

(Матнда узилиш бор) Самарқанддан олинуб, Петербургқа юборилган эди. Бу кунда бир неча зотларнинг ташаббуси билан янадан ўз қўлилизмизга олинди. Ҳозир бизнинг кўз олдимизда бу Мұсҳафи шарифнинг қайда сақламоқ масъаласи турадир. Ҳар бир ишға ўзининг маълум (?) бир таёғин тутиб келган туркистонлик қардошлар, шояд, бу тўғрида ҳам жанжал чиқармай қолмаслар. Шу хусусда кичик бўлса ҳам ўртаға биргина қавмият низоси тушмай қолмас. Жумладан, бири ўзим аввалги тарихий ерин ёқлаб: «Мутлақо Самарқандға қайтарилурға керак», – деб қайтарғучилардан бўлсан-да, лекин Туркистондаги ҳозирги ҳаётнинг боришини ўйлаб Уфада диния назоратинда сақланиб турмоқ тарафини тақвия қиласман, чунки мундай буюк асарларнинг душмани кўп бўлғонидек, ўғурловчиси ҳам кўп бўлур. Шунинг учун бўлса

керак, бу кунда бу Мұсҳафи шариф ўртада аскарлар қарамогинда сақланмақдадир.

Ушбу кунда бу Мұсҳафи шарифни туркистонликлар тарафиндан талаб этилиши, манимча, маъқул эмасдир. Чунки ҳозир Туркистонда мундай қийматли асарни сақламоқ учун миллий музей хонамиз йўқ. Туркистон ўзига келиб, ҳаёт табиий йўлиға тушса, Туркистонда миллий музей хоналар очилса, ул чоғда биз талаб этмаган тақдирда ҳам, иншааллоҳ, Идилбўйи мусулмонлари Мұсҳафи шарифни бизга топшурурлар. Мунға ҳеч бир шак йўқ». **Мирмуҳсин Шермуҳаммедов.<sup>1</sup>**

«Туркистон» газетасининг 1923 йил 14 февраль сонида Ҳазрати Усмон Қуръонини Самарқандга олиб келиши ва уни сақлаш учун Шердор мадрасасининг ичидаги бир бино солинишга бўлган ҳаракат ҳақида мақола эълон қилингган.

«Туркистон» газетаси Ҳазрати Усмон Қуръонини Уфадан Тошкентга келтириши ҳақида мана бу хабарни берган эди:

### Ҳазрат Усмон Қуръонини келтириш учун

Русия ислом уламоларининг Уфада тўпланғон қурултойининг қарорига биноан Уфадағи Ҳазрати Усмон Қуръонини Туркистонга келтириш учун 19 нчи июнда Тошканд Маҳкамай шаръияси Заҳириддин Аълам бошлиқ бир ҳайъат юборди.

<sup>1</sup> Мирмуҳсин Шермуҳаммедов (1895 – 1929) – ёзувчи ва журналист, «Турон», «Иштирокион», «Қизил байройқи», «Туркистон», «Хуррият» газеталарида фаолият кўрсатган, «Бефарзанд Очилдибий» романни муаллифи. Мирмуҳсин Шермуҳаммедов 1920 йил 1 – 8 сентябрь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтган Шарқ ҳалқларининг биринчи съездига вакил этиб сайланган. Москвадаги РГСПИ – РИСТДА архиви 544-фонд, 2-рўйхат, 8-ишда ўрта Осиёдан борган вакиллар рўйхати келтирилган. Тартиб рақами бўйича 368-Мунавварқори Абдурашидхонов, 371-Солих Махсум Аслинхўжаев, 374-Усмонхўжа Мусахўжаев, 375-Нурмуҳаммад Холмуҳаммедов, 376-Ҳикматулла Мағзумов, 377-Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, 378-Тошпўлатбек Норбўтабеков, 380-Мансурхон Ризаев, 381-Салимхон Тиллахонов, 382-Абдулла Ёкубов, 386-Собир Исломовлар қайд этилган. Қаранг: Шамсутдинов Р. Қатағон қилингандар юртошларни хотирлаб. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – Б.44; Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг «Шўролар ҳокимияти ҳам миллий масалалар» номли мақоласи «Туркистон» газетасида чоп этилган. 1929 йил 14 августда «Қизил Ўзбекистон» газетасида Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг 1920 йил Бокуда бўлган Шарқ ҳалқларининг қурултойида вакил бўлиб қатнашгани ҳақида» мақоласи ҳам эълон қилингандар. Бизнингча, Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг босиб ўтган ҳаёт йўлини ва унинг ўзбек журналистикасига кўшган ҳиссасини алоҳида тадқиқ этиш шу куннинг долзарб вазифаларидандир.



## تاشкент шаҳри

Ҳазрат Усмон Қуръонини Тошкентга олиб келиштириш  
нусхаси.

Дөвсөн Аслам Ҳолмаларининг ғада  
қиси плаған қоролтаянгача қарорига  
хонаған, ғадағи Ҳазрат Усмон  
қоранни турғаста - ге қолмас, ғо-  
чон 19 ғожи аеноңдега Ташкентда мактаба  
мөднүйи шердүүсү Зөхир Әбдүлжан Өмүрзек  
башлык бир 55-мөнөт ғо барди.

«Туркистон», 1923 йил 20 июнь,  
146-сон, 3-бет

1923 йил 10 июнда Туркистон АССР Марказий  
Ижроия Комитети раиси ўринбосари Недир-  
бой Айтаков Москва шаҳри Неглинная кўчаси  
8-йда жойлашган Ўрта Осиё комстариснинг  
Туркистондаги ваколатхонасига 175-сонли  
телеграмма йўллаган. Унда Туркистон АССР Мар-  
казий Ижроия Комитети раиси Иномжон Хи-  
диралиевнинг 6 июнда Усмон Қуръонини қабул  
қилиб олиш учун Туркистон Республикасининг  
жуда обрўли вакиллари юборилмоқда деган ха-



Ҳазрати Усмон Қуръонини Тошкентга олиб келиш комиссия  
аъзолари. Чапдан ўнгга: раис Ризоуддин Фахриддин,  
Кашшоф Таржимонов, Зоҳириддин Қосим, Шамсиддин ҳожи  
Нуридинхўжа ўғли

бари йўлланган. Ундан холоса шуки, Ҳазрати  
Усмон Қуръони Туркистонга келтирилишига  
Туркистон давлатининг раҳбари Иномжон Хи-  
диралиев бевосита раҳнамолик қилган.

1923 йили Туркистон Республикаси (Тошкент  
ва Жиззах уламоларининг мурожаатлари) ил-  
тимосига кўра совет ҳокимияти Қуръонни Тош-  
кентга юборишига қарор қиласди. 1923 йил июни-  
да Уфада мусулмон руҳонийларининг қурултойи  
ўтказилган, унинг қарорларидан бирни муқаддас  
Усмон Қуръонини Туркистон Республикаси та-  
лаби бўйича Туркистоннинг мусулмонларига  
беришига қарор қилиниши бўлган. Россия Феде-  
ратијаси давлат архиви (РФДА)да, Россия иж-  
тимоий, сиёсий ташкилотлар давлат архиви  
(РИСТДА)да Ҳазрати Усмон Қуръонини Туркис-  
тонга қайтариб олиб келиши жараёнини акс эт-  
тирувчи бир туркум ҳужжат ва материаллар  
сақланмоқда. Уларни бирма-бир келтиришини  
лозим билди.

Туркистон ўлкаси мусулмон делегатлари-  
нинг Қуръоннинг Туркистон Республикасига  
берилиши тўғрисида Миллатлар иши халқ коми-  
ссарлигига йўллаган аризаси. Миллатлар  
иши халқ комиссарлигига. Туркистон ўлкаси  
Сирдарё область мусулмонлар ишлари бошқар-  
маси делегатларидан

### Ариза

Чор самодержавияси ҳукмронлиги даврида  
мазлум Туркистон ўлкасидаги кўплаб ноёб қад-  
риятлар тақиқ остига олинган эди. Муқаддас  
Қуръоннинг ҳукумат томонидан Петроградга  
олиб кетилиши халқ кўз ўнгидаги ҳокимиятнинг  
энг катта айби деб аталиши ҳеч қандай хато  
эмас эди. Мазлум халқларга тўла эркинлик бер-  
ган буюк рус инқилоби бу Қуръонни Уфадаги  
Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари марказий  
диний ишлари бўлимига топшириш имкониятини  
берди. Шу соҳада совет ҳокимияти  
тантанали равишда қабул қиласди резолюция  
асосида Бутунrossия мусулмон руҳонийлари-  
нинг Ички Россия ва Сибирь қурултойи жорий  
йилнинг 14 июндаги йиғилишида муқаддас Ус-  
мон Қуръонини қайтариш тўғрисидаги масалани  
ҳал этиб, уни яқдиллик билан Туркистон  
маркази ҳисобланган Тошкентдаги Маҳкамай



шаръияга бериш ҳақидаги қарори қабул қилинди.

Туркистон Маҳкамайи шаръияси бу ҳақдаги телеграммани олиб, бизни зудлик билан Қуръони каримни қабул қилишга юборди ва уни юборгандар номига марказий ҳукуматдан миннатдорчилик ва ҳурмат билдиришни буюрди.

Туркистон мусулмонларининг эътиборини совет ҳокимиятига янада кўпроқ жалб қилиш, аксилиңқилобчиларга ҳалоқатли зарба бериш мақсадида Қуръонни олиб келиш маросимини янада тантанали равишда ўтказиш, Қизил Армия ҳимояси остидаги маҳсус аралаш комиссия ҳамроҳлигига алоҳида вагонда ташиш ва иложи бўлса яқинлашиб келаётган мусулмонлар байрами вақтида Қуръонни топшириш мақсадга мувофиқдир, шунингдек, мусулмонлар Тошкентдаги Маҳкамайи шаръияга Қуръони каримни кўчириш ва сақлаш тўғрисидаги Бутунrossия мусулмон руҳонийлари қурултойининг қарорини интиқлик билан кутмоқдалар. **Имзолар:** 1) Заҳириддин Қосим; 2) Шамсиддин ҳожи Нуриддин хўжা ўғли. Аслига тўғри. Комиссия секретари M.P.[имзо]<sup>1</sup>

Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси Иномжон Хидиралиевнинг қарорига мувофиқ ижроқўм раиси ўринбосари Султон Хўжаев, таниқли шарқшунос, Ўрта Осиё тарихи ва маданиятининг иирик тадқиқотчиси А.Э.Шимидт Қуръонни қабул қилиб олиш учун Москвага юборилган.

Асли андижонлик бўлган Заҳириддин Қосим Аълам 1922 йилдан ўзбек тилида араб имлосида чиққан «Туркистон» номли газетанинг 1923 йил февраль – июнь сонларида Ҳазрати Усмон Қуръонининг Уфадан Туркистонга келтирилиши ҳақида маълумот берган. «Туркистон» газетасининг 1923 йил 20 июндаги сонида Ҳазрати Усмон Қуръонини келтириш учун Тошкент Маҳкамайи шаръияси раҳбари Заҳириддин Аълам бошлиқ ҳайъат Уфага юборилгани қайд этилган. Ҳазрати Усмон (р.а.) Қуръонини Самарқандга олиб келиш, уни сақлаш учун Шердор мадрасасининг ичida бир бино солинаётгани қайд этилган.

## Мусулмонлар марказий диний бошқармасининг 1923 йил 24 июндаги қарори

10 июнь куни Уфада очилган мусулмон руҳонийларининг қурултойида Тошкентдаги Туркистон мусулмонлари диний бошқармаси ва Москвадаги Туркистон ҳукумати вакиллари, шунингдек, Туркистон диний бошқармаси делегати томонидан тақдим этилган тақдимнома муносабати билан Россия ва Сибирь диний бошқарув конгресси марказий ҳукуматининг шу йил 14 июндаги йиғилишида қабул қилинган қарорини эътиборга олган ҳолда юқорида қайд этилган Қуръонни Туркистон мусулмонлари диний бошқармасига беришга қарор қилди. Бу қарорни амалга ошириш Марказий мусулмонлар диний бошқармаси зимасига юклатилди.

### Қарор қилинди:

1. Қуръонни топшириш бўйича съезд қарорини бажариш юзасидан барча чораларни кўриш зарур. 2. Съездни ўтказиш учун марказий ҳукумат томонидан вакил қилинган Абдулла Гисматуллинга ҳамда Туркистон ҳукуматига қуйидагилар маълум қилинсин: а) Қуръонни алоҳида вагонда қўриқчи ҳамроҳлигига жўнатиш; б) марказий ҳокимият томонидан тайинланган масъул шахс назорати остида Қуръонни Уфадан белгиланган манзилга олиб бориш; в) Марказий диний бошқармага Усмон Қуръонини топшириш учун уни қабул қиласидан Туркистон делегациясига марказий ҳокимиятнинг расмий розилиги зарур; г) Мусулмонлар диний бошқармаси Қуръонни уч кишидан иборат маҳсус комиссия билан бирга олиб боришни маъқул деб ҳисоблади; д) Қуръонни олиб келиш ва йўлда кузатиш учун барча харажатлар Туркистон ҳукумати томонидан тўланиши керак.
3. Қуръони каримни манзилгача кузатиб бориш учун комиссия таркибига Мусулмонлар диний бошқармаси раиси тавсия этган номзодлар – Ризоуддин Фахруддинов (раис) ва астраханлик муҳтасиб Абдураҳмон Умарни, шу билан бирга, уларга ҳамроҳлик қилиш учун раиснинг ихтиёрига кўра бир шахсни олиш имконияти яратилсин. Мазкур қарорнинг нусхаси А.Гисматуллин

<sup>1</sup>РФДА, 1318-фонд, 1-рўйхат, 1547-иш, 1 – 2-вараклар.



ва Абдураҳмон Умарга берилсин. Раис /имзо/ Нусхаси тўғри: /имзо/ Аслига тўғри /имзо/<sup>1</sup>

**Марказий мусулмонлар диний  
идорасининг Қуръонни Уфадан Тошкентга  
келтириш ва комиссия аъзоларига  
26/VII-23 санасидаги шаҳодатнома хати  
ва Миллатлар иши халқ комиссарлигига  
ёзилган мактуби**

Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари  
марказий диний бошқармаси  
26/VII 1923 йил № 3938 Уфа шаҳри. Миллатлар  
иши халқ комиссарлигига

Марказ қарорининг нусхаси шу билан бирга юборилсин. Мусулмонлар диний идорасининг жорий йил 24 июндаги қарори 2-банди ижроси ва ўртоқ зиммасига қандай вазифани юклаш маъқул бўлиши тўғрисида тегишли буйруқ беришни сўрайди. Гисматуллин Абдулла. Илова: 24/VI-23-санадаги қарори нусхаси. 1 нусхада. Мусулмонлар диний бошқармасининг аъзоси: Таржиманов. Котиб [имзо]

**Маҳкамаи шаръиянинг  
Сирдарё облассы бошқармаси**

1923 йил 17 – 23 июль №66. Нусхадан таржима.

**Шаҳодатнома**

Ушбу Заҳириддин Қосимиға шунинг учун берилдики, Маҳкамаи шаръия кенгашининг Тошкентдаги 17 июндаги қарорига мувофиқ у Бутунrossия мусулмонлари қурутойининг Усмон Қуръони ҳақида ва Қуръонни Туркистондаги Маҳкамаи шаръияга олиб келиш чораларини кўриш ҳақидаги қарорларини бажариш учун туркистонлик вакиллар билан бирга Уфага юборилади.

Муваққат раис: (Мулла Абдулҳофизхон), Котиб: Илёс Ҳожи. Мен таржиманинг тўғрилигини тасдиқлайман. Миллатлар иши халқ комиссарлиги таркибида Мусулмонлар орасида

<sup>1</sup> ГАРФ – Государственный архив Российской Федерации (Россия Федерацияси Давлат архиви – РФДА), 1318-фонд, 1-рўйхат, 1547-иш, 6-варақ.

турли диний йўналишлар оқимларни ўрганиш комиссияси котиби Маҳкамаи шаръия Сирдарё области бошқармаси.

1923 йил 17 июль

№67. Нусхадан таржима.

**Шаҳодатнома**

Ушбу Шамсиддин Нуриддин Ҳожи ўғлига берилдики, у Маҳкамаи шаръия кенгашининг 17 июлдаги Усмон Қуръонини Туркистонга олиб келиш чора-тадбирларини кўриш ҳақидаги қарорини бажариш учун Туркистон Марказий Ижроия Комитети вакиллари билан бирга Уфага юборилмоқда.

Муваққат раис. Котиб. Мен таржиманинг тўғрилигини тасдиқлайман.

**Қуръонни Уфадан Тошкентга олиб кетиш  
масаласи бўйича Миллатлар иши халқ  
комиссарлигининг йигилиши**

**Миллатлар иши халқ комиссарлигига** «Усмон Қуръонини юбориши тўғрисидаги масалалар мұхокамаси» бўйича йигилиши 30/VII-23

Иштирок этдилар: Клингер, Гисматуллин, Заҳириддин Қосим Аълам<sup>2</sup>, Мұхаммадхўжа Норхўжаев<sup>3</sup>, Шамсиддинҳожи Хўжаев, Кашшоғ Таржимонов<sup>4</sup>, Султон Хўжаев. Раис – ўртоқ

<sup>2</sup> Заҳириддин Қосим Аълам (1867 – 1937) – Андижон шаҳрида зиёли оиласида туғилган. Эски усулдаги мактаб ва мадрасада таҳсил олган, ислом ҳуқуқшуноси, узвони авлам. Туркистон мұхториятини күллаб-куватлаган. 1923 – 1936 йилларда Туркистон, Ўзбекистон диний назоратида ходим лавозимида ишлаган. 1923 йилда Уфа шаҳридан Усмон Мұсҳануғина олиб келишдиги делегацияга бош бўлган. 1936 йилда аксилиқи-лобчиликда айбланиб қамоққа олинган, 1937 йилда олий жазога ҳукм килинган. «Нашри маориф»нинг раҳбарларидан бири, Чўлпоннинг Фоиқа исмли синглисисининг эсдалигига шундай ёзилган: «Тошкентда акам кўпроқ Заҳириддин Аъламнинг уйларида бўлар, отамиз вафотидан кейин у киши билан жуда яқинлашиб қолган. Заҳириддин Аълам асли Андижондан бўлиб, 20-йилларда Тошкентга бориб қолган. Бизга узоқроқ қариндош, аниқроғи, амакимиз Абдураҳмон ҳожи аёлининг тогаси бўлган». Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – B.187. Заҳириддин Аълам ҳақиқатан ҳам андижонлик эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлардан айримларини көлтирамиз. «Қизил байроқ» газетаси 1922 йил 6 июль сонида Андижоний Заҳиридин муаллифлигига мақола эълон қилинган: «Андижоний Заҳириддин Маҳкамаи шаръиялар (Фарғонадаги Маҳкамаи шаръияларни танқид)»; 1922 йил 20 июль сонида «Андижоний Заҳириддин» номи билан «Ёндашмок керак» (Уламолар билан ёшлар ўртасидаги муносабат масаласи)» мақолоси берилган.

<sup>3</sup> Мұхаммадхўжа Норхўжаев – таникли педагог, бир неча йиллар мобайнида САГУда дарс берган, 1930 йилда вафот этган.

<sup>4</sup> Кашшоғ Таржимонов (1877 – 1943) – уламо, мударрис, Туркистон мусулмонлари диний бошқармаси қозилар суди ўринбосари.



Зоҳиридин Қосим Аълам

Клингер, Котиб – ўртоқ Гисматуллин. **Тингланди:** Бутунrossия Марказий Ижроия Комитетининг 25/VIII-23 санасидаги Маҳмакаи шаръия тимсолида Тошкентдаги Туркистон мусулмонларига Усмон Куръони топширилиши ҳақидаги қарорини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида ўртоқ Гисматуллининг маърузаси.

### Қарор қилинди:

1) Бутунrossия Марказий Ижроия Комитетининг 25 июль 23 йилдаги қарорини амалга ошириш учун ҳозирда Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари Марказий диний бошқармасида сақланаётган Усмон Куръонини Тошкентдаги Маҳкамайи шаръия тимсолида Туркистон мусулмонларига топшириш учун муфтийлар таркибидан Ризоуддин Фахруддинов Муҳтасиб<sup>1</sup>, Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари марказий диний идорасидан Абдураҳмон Умаров, фуқаро Захиридин Қосим Аълам, муфтий Муҳаммадхўжа Норхўжаев, Тошкентдаги Маҳкамайи шаръиядан фуқаро Шамсуддин ҳожи Хўжаев, Туркистон Марказий Ижроия Комитети аъзоси ўртоқ Султон Хўжаев ва Миллатлар иши халқ комиссарлиги ваколатли ходими Гисматуллинлардан иборат комиссия тузилди.

2) Комиссия раиси – муфтий Ризоуддин Фахруддинов. Раис ўринбосари – Захиридин Қосим Аълам, комиссия котиби – Абдураҳмон Умаров<sup>2</sup>.

3) Куръонни олиб кетиш йўлида Тошкентдаги Маҳкамайи шаръияга топширилмагунча у ҳеч кимга кўрсатилмаслиги керак. Куръон ҳамиша

<sup>1</sup> Ризоуддин Фахридинов (1859 – 1936) – маърифатпарвар олим, тарихчи, уламо.

<sup>2</sup> Абдураҳмон Умаров (1867 – 1933) – татар маърифатчиларидан, нашиётиччи, журналист, олим, 1926 йил Маккай мукаррамадаги Бутундунё ислом конгрессида совет делегацияси котиби сифатида иштирок этган, Туркистондан Абдувоҳид Қориев ҳам бу анжуманда катнашган. Улар яқин дўст бўлишган. 1930 йили советларга қарши тарбибот олиб борганиликда айланниб Архангельск облости Малая Карелия қишлоғига сургун қилинган, шу жойда 1933 йил мартада вафот этган, 1989 йил майда реабилитация қилинган.

муфтий Ризоуддин Фахруддинов ва Заҳиридин Қосим Аъламнинг ёнида бўлсин, соқчилар вагоннинг иккала учида ҳам бўлиши керак. Уфа шаҳридаги Марказий диний бошқармадан Куръони карим олинган ва Тошкент шаҳридаги Маҳкамайи шаръияга қўйилганда тузилган далолатномалар комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланиши ҳамда комиссиянинг барча аъзолари мандатларининг нусхалари илова қилиниши лозим. Далолатномалар 4 нусхада тузилади: бири Уфа шаҳридаги марказий диний бошқарма учун, иккинчиси Тошкентдаги Маҳкамайи шаръия учун, учинчиси Миллатлар иши халқ комиссарлиги учун ва тўртинчиси юқорида тилга олинган Қуръон илгари сақланган Петроград шаҳридаги давлат кутубхонаси учун. Раис Клингер. Котиб Гисматуллин. Норхўжаев (Муҳаммадхўжа Нархўжаев), Заҳиридин (Заҳиридин). Қ. Таржиманов<sup>3</sup>



Ризоуддин Фахруддинов (1859 – 1936)

### Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети Президиуми мажлисининг Туркистон мусулмонларига Куръонни бериш тўғрисидаги баённомасидан кўчирма

1923-07-25

*Нусхалари ўртоқ Гисматуллинга,  
Миллатлар иши халқ комиссарлигига*

Бутунrossия Советлар Марказий Ижроия Комитети Президиуми мажлисининг 1923 йил 25 июлдаги 39-сонли баённомасидан кўчирма. Эшитилди: Куръоннинг Туркистон мусулмонларига топширилиши ҳақида. Қарор қилинди: Чор ҳукумати томонидан Туркистондан олиб кетилган, ҳозирда Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари марказий диний бошқармасида сақланаётган Қуръон Тошкентдаги Маҳкамайи шаръия вакили бўлган Туркистон мусулмонларига топширилсин. Ушбу қарорнинг ижроси

<sup>3</sup> РФДА, 1318-фонд, 1-рўйхат, 1547-иш, 15-варақ.



Миллатлар иши халқ комиссарлигига топширилсин. Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети котиби (Енукидзе). Аслига тўғри [имзо] 28/VIII-23<sup>1</sup>

**Куръон билан келган делегация ҳақида  
Марказий Комитетга телеграммалар**

**Москва РКП (б) МК Рудзутакка**

Туркистон музейлари ва қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Турккомстарис) ташабbusi билан Туркистон Марказий Ижроия Комитети томонидан тасдиқланган, Туркистон Республикаси баъзи ходимларининг розилиги билан Туркистон МИК маблағлари орқали туркистонликлар томонидан Усмон Қуръонининг жойлаштириш учун музейга қайтарилиши Маҳкамай шаръия муллалари таъсирини кучайтиришга ёрдам бериши ва Қуръондан фойдаланиш орқали советларга қарши ишларда фойдаланиш учун маблағ олишдек мақсадга эга бўлиши мумкин. Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг Миллатлар иши халқ комиссарлигининг Қуръонни Маҳкамай шаръия руҳонийларига топшириш тўғрисидаги қарори – бу муллаларнинг ҳийла-найрангларидан қочиш учун ҳеч нарса сабаб бўлмаган хатодир. Қуръон совет ҳокимиyатига Қуръон ёрдамида аҳоли ўргасида диндорликни кучайтиришга раҳбарлик қиласди. Сиздан Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг Миллатлар иши халқ комиссарлигининг бир пайтлар хусусий шахсларга сотилган Қуръонни руҳонийларга топшириш ҳақидаги қарорини бекор қилиш чораларини кўришинизни сўраймиз. Қуръон ҳозирда Эски шаҳар масжиди музейида. Уни Туркистон музейида сақлашда қолдиришни лозим деб биламиз. 777/c 13/VIII-23

Ўрта Осиё бюроси (Любимов), Туркистон Компартияси Марказий Комитети (Светлов) имзо.<sup>2</sup>

**ТЕЛЕГРАФ**

Тошкент. Ўрта Осиё бюроси Любимовга. 14/VIII-23. Москвадан. Телеграмма рақами 74904. Тақдим этиш вақти: соат 13.21. Чернов томони-

<sup>1</sup>РФДА, 1318-фонд, 1-рўйхат, 1547-иш, 13-варақ.

<sup>2</sup>РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 37-иш, 16-, 17-, 33-, 34-варақлар.

дан қабул қилинган Рудзутакнинг кўрсатмаси билан шуни маълум қиласманки, Тошкентга келтирилган Қуръон 2970-сонли музейга эмас, балки Туркистон мусулмонларига топширилсин. *Марказий Комитет котибининг ўринбосари А.Глаголев. Ишга туширилсин* [имзо] 14/VIII

**«Маҳкамай шаръия» раёсати  
ийғилишининг Уфа шаҳридан Қуръонни  
келтириш бўйича комиссия тузиш  
тўғрисидаги баённомасидан кўчирма**

1923-08-14

Маҳкамай шаръия раёсатининг 1923 йил 14 августдаги фавқулодда мажлисининг Казиев ва айrim аъзолар иштирокидаги зо-сонли баённомасидан кўчирма. Иштирок этдилар: Абдул-Хофиз Маҳдум, Мулла Сиддиқ Охун, Мулла Солиҳ Маҳдум Захирiddин, Мулла Пир Муҳаммад Аълам қози, Гулом қози, Абдраҳмон Хожа қози, Зиёуддин қози, Мулла Галимхон қози. Аъзолар: Мулла Солиҳ қори ва мулла Абдулқодир Мударрис, ташқаридан: Жалолиддинхон, Мунавварқори, Мурод Хожа эшон Аъзамхон, Тўра Абдулмаликхон.

Раис – Абдул-Хофиз Маҳдум. Котиб – Абдул-Малик Хон.

Эшитилди: 1) Қуръонни қабул қилиш комиссиясини сайлаш; 2) Комиссия аъзоларининг сони; 3) Комиссия аъзоси ким бўлади?

**Қарор қилинди:**

1) Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг 1923 йил 25 июлдаги қарори ижросини таъминлаш ва Уфада ўtkazilgan Бутунроссия мусулмон руҳонийлари қурултойининг Қуръонни Туркистон мусулмонларига бериш тўғрисидаги қарори асосида Тошкентдаги Маҳкамай шаръияга топшириш бўйича комиссия сайлашга қарор қилинди; 2) Маҳкамай шаръия аъзоларидан ва амалдордан 4 киши танланди: Мунавварқори марказий вақф бошқармасидан ва Тошкент шаҳар вақф бўлими Мурод Хўжа эшондан; 3) Овоз бериш йўли билан сайланганлар: 1) Мулла Гулом Қози; 2) Мулла Гуломхон Қози; 3) Мулла Иброҳиммон Хўжа Қози; 4) Мулла Абдул-Хофизхон Маҳдум. Нусха асл нусха билан ҳақиқийдир. Маҳкамай шаръия Абдул-Малик



Хоннинг котиби. Нусхадан таржимани тасдиқлайман. *Миллатлар иши халқ комиссарлиги қошидаги Турли хил диний йўналишларни ўрганиш бўйича комиссия котиби [имзо].<sup>1</sup>*

**Усмон Қуръони ҳақида Марказий  
Комитетнинг Москвадан Тошкентга  
телеграммаси**

**ТЕЛЕГРАММА**

РКП (б) МКнинг Ўрта Осиё бюросига  
Нусхаси: РКП (б) Марказий Комитетига

Марказий Комитет Бутунrossия Марказий Ижроия Комитетининг Қуръонни Туркистон мусулмонлари диний бошқармасига топшириш тўғрисидаги қарорини бажариш, Қуръон хавфсизлигини кафолатлаш чораларини кўришни таклиф қиласди. Шунингдек, Усмон Қуръонини зиёрат қилишни хоҳловчиларни билвосита ёки тўғридан-тўғри пул тўлаш шаклида руҳонийлар томонидан товламачиликка йўл қўйилмасин. Шошилинч равишда телеграф орқали ижро этилсин.

Ар 3268/с Марказий Комитет котиби <<Муҳр: РКП Котибияти бюроси. Рудзутак 21 /VIII/23 Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви (РИСТДА) РГАСПИ, 17-фонд, 33-рўйхат, 282-иш, 123-варақ.

**Усмон Қуръони бўйича Бутунrossия  
Марказий Ижроия Комитети мажлиси  
баённомасидан кўчирма**

<<Муҳр: МК РКП Котибияти бюроси.  
Сана 16/VIII 23 №8375/c>>

Миллатлар иши халқ комиссарлиги Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети Президиумининг 1923 йил 25 июлдаги йигилиши 39-сонли баённомасидан.

**Қуръонни Туркистон мусулмонлари  
иҳтиёрига бериш тўғрисида**

Чор ҳукумати томонидан Туркистондан олиб келинган, ҳозирда Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари марказий диний бошқармасида сақланётган Қуръон Тошкентдаги Туркистон мусулмонлари Маҳкамай шаръиясига бериб

<sup>1</sup>РФДА, 1318-фонд, 1-рўйхат, 1547-иш, 17-варақ.

юборилсин. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш Миллатлар иши халқ комиссарлигига топширилсин. 6727-сон VIII-23 йил. Кўчирма тўғри.

Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети котиби учун /имзо/ Аслига тўғри (имзо) <<Муҳр: Миллатлар халқ комиссарлиги>><sup>2</sup>

**Қуръон ҳақида Москвадан Тошкентга  
телеграмма**

1923-08-13

2970/c , 13 VIII 23, Телеграмма, Тошкент,  
Ўрта Осиё бюроси, Любимовга

Рудзутакнинг фармойиши бўйича хабар қиласман. Тошкентта келган Қуръонни музейга эмас, Туркистон мусулмонларига топшириш керак.

Марказий Комитет котибининг ёрдамчиси Глаг

**Клингернинг<sup>3</sup> Усмон Қуръонининг  
Тошкентта қайтарилгани ҳақида  
Рудзутакка<sup>4</sup> ёзган мактуби РСФСР  
Миллатлар иши халқ комиссарлиги**

1923 йил 21 август

№128/с Тел. №2-76-38 Шошилинч. РКП (б)  
Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси котиби  
ўртоқ Рудзутакка

Сана 21/8-23 Ҳурматли ўртоқ.



Ян Эрнестович Рудзутак  
(1887 – 1938)

Сиз билан икки марта Усмон Қуръони ҳақида оғзаки гаплашганимиздаги саволга қайтадиган бўлсам, эътиборингизни қўйидаги ҳолатларга қаратишни ўз бурчим деб биламан:

1. Чор ҳукумати томонидан Туркистондан Петербургга олиб келинган Усмоний Қуръони

<sup>2</sup>РГАСПИ, ф.17, оп.33, д.282, л.120.

<sup>3</sup>Клингер Густав Каспарович (1876 – 1943) – 1924 йил майдан 1931 йил январигача Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетида миллатлар бўлими мудири бўлиб ҳизмат қилган.

<sup>4</sup> Ян Эрнестович Рудзутак – ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси котиби, 1938 йил 29 июлда отилган. 1955 йили реабилитация қилинган.



карим Октябрь инқилобидан кейин Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 9 декабрдағи фармони билан Ўлка мусулмонлари съезди ихтиёрига ўтказилди. У эса Россия ва Сибирь мусулмонлари марказий диний бошқармасида сақлаш учун Уфа шахрига топширилди. 2. Жорий йилнинг июнь ойида ўтказилган мусулмон руҳонийлари ва мусулмон уламолари вакилларининг Бутунrossия съезди Маҳкамай шаръия (Туркистан диний бошқармаси) тасаруфида Қуръонни Туркистан мусулмонларига топшириш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди. 3. Шунга кўра Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети Президиуми Миллатлар иши халқ комиссарлигининг таклифига биноан ўтган ойнинг 25-санасида мусулмонлар қурултойининг ушбу қарорини санкциялаб, Қуръоннинг Тошкент шахрида бўлишилигига рухсат берди. 4. Айни пайтда Тошкентга Қуръон етиб келди, у ерда телеграмманинг илова қилинган нусхасидан кўриниб турибдики, Туркистан Марказий Ижроия Комитети<sup>1</sup> Қуръонни Маҳкамай шаръияга топширишга кутилмагандан тўсиқлар қўйган, ваҳоланки, бу масала унинг ваколатли вакили ўртоқ Исеев билан шахсан бу ерда келишилган эди. Бутунrossия Марказий Ижроия Комитетининг қарорини қайта кўриб чиқиш учун ҳеч қандай асос кўрмай ва Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети Президиуми қарори билан тасдиқланган ҳамда нафақат Россияда, балки хорижий мусулмон мамлакатларида ҳам кенг ёйилган 1917 йилдаги Халқ Комиссарлари Советининг инқилобий актини бекор қилиш мусулмонлар орасида нохуш таассуротлар келтириб чиқаради. Энг муҳими, инглизларнинг хорижий мусулмон мамлакатларида олиб бораётган сиёсатига улар орасида олиб бораётган ишимизни анча мураккабластиради ва СССРдаги сиёсатимизни қўллаб-куватлаш учун мусулмон руҳонийларининг энг илғор қисмидан фойдаланиш имкониятидан

<sup>1</sup> Иномжон Хидириалиев 1922 йил 8 октябрда Туркистан АССР Марказий Ижроия Комитети раиси этиб сайланган. Туркистан АССР советларининг XII съездиде ҳисобот маъруза қилган, съездда у Марказий Ижроия Комитети раислигидан озод этилиб, Москвага Туркистан АССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг СССР ҳукуматидаги мұхтор вакили этиб тайинланган. Қаранг: Шамсұтдинов Р. Таникли давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидириалиев ҳаётига қизғилар. – Тошкент: Akademnashr, 2022. – Б.124 – 125.

бизни маҳрум қиласи. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети Президиуми жорий йил 25 июлдаги қарорининг Туркистан Марказий Ижроия Комитети томонидан қатъий ижро қилиниши учун Сиздан зарур чоралар кўришингизни сўрайман. Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети Президиуми жорий йилнинг 25 июлидаги қарорининг Туркистан Марказий Ижроия Комитети томонидан аниқ бажарилиши учун тегишли чоралар кўришингизни сўрайман. Яна қилиш лозим бўлган нарса – Бутунrossия Ижроия Комитетига қўшимча равища қарор қабул қилишни таклиф этиш:

1. Туркистан руҳонийларида тўғридан-тўғри ва билвосита Қуръонни тавоғ қилиш ва унга хурмат бажо келтиришни истаган мусулмонлардан ҳеч қандай тўлов олмаслик талаб этилсин. 2. Тошкент шахрида Қуръон хавфсизлигини кафолатлаш бўйича тегишли чоралар кўрилсин. Бу масала бизнинг ташқи сиёсатимизга таалуқли экани шубҳасиз экан ва мен ўртоқ Чичериннинг<sup>2</sup> фикрини билишни лозим деб биламан.

Коммунистик саломлар билан миллатлар халқ комиссари ўринбосари Клингер<sup>3</sup>

### Чичериннинг Рудзутакка Усмон Қуръони ҳақида мактуби

Совет Социалистик Республикалари  
Иттифоқи ташқи ишлар халқ комиссари

1923 йил 21 август

№919/с Москва, Кузнецкий Мост 5/15. Тел. №

5-21 ўртоқ Рудзутакка

РКП (б) Марказий Комитети секретариат бюроси: сана 21/8-23 йил. Қабул қилинди

№8691/с Нусхаси ўртоқ Клингерга

Хурматли ўртоқ.

Ўрт. Клингер Ташқи ишлар халқ комиссарлиги эътиборига машҳур мүқаддас Усмоний Қуръони Мусулмон руҳонийлари ва мусулмон черковлари вакиллари Бутунrossия съездининг бир овоздан қабул қилинган қарорига мувофиқ ва шу қарор асосида Тошкентта юборилганини,

<sup>2</sup> Чичерин Георгий Васильевич (1872 – 1936) – РСФСР ва СССРнинг биринчи ташқи ишлар халқ комиссари (1918 – 1930).

<sup>3</sup> РИСТДА, 17-фонд, 33-рўйхат, 282-иш, 114-варақ.



Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети Президиуми қарори асосида ҳозирда уни Туркистон Мусулмонлари диний бошқармаси ихтиёрига ўтказиб бўлмаслиги, бунинг сабаби Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети Президиумининг қарорига зид ҳолда Туркистон МИКнинг қаршилиги эканлигини ҳавола этди. Миллатлар иши халқ комиссарлиги ушбу тарихий ёдгорликни Туркистон мусулмонлари ихтиёрига бериш тўғрисидаги юқорида қайд этилган қарорнинг бекор қилиниши мусулмонларда ўта нохуш таасурот қолдиришини ҳамда мусулмонларнинг илғор қисмидан бизнинг сиёсатимизни ва Британиянинг антисовет ташвиқотига қарши курашида фойдаланишимизни қийинлаштиришини таъкидлаган. Ўз навбатида, мен Миллатлар иши халқ комиссарлигининг нуқтаи назарига тўлиқ қўшиламан ва бундай қимматли тарихий ислом ёдгорлигининг Ўрта Осиё мусулмон аҳолисига қайтарилиши сиёсий зарурат билан боғлиқ деб ҳисоблайман. Ўртоқлик саломлари билан [имзо] / Чичерин /<sup>1</sup>

**РКП (б) МК Рудзутакка.** Москва. Сизнинг Нр 3268/с Бутунrossия Марказий Ижроия Комитетининг қарорига биноан Қуръонни олиб келган делегация уни Тошкентнинг Маҳкамай шаръясига топширди. Туркистон Марказий Ижроия Комитети билан Маҳкамай шаръия шартномасига мувофиқ Қуръон Тошкент Эски шаҳаридаги музейда сақланади. Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети қарори билан сизнинг кўрсатмаларингиз бажарилди, Қуръон диний ёдгорлик сифатида аҳолига тақдим этилиши учун шароитлар яратилди, айни пайтда, зиёрат учун ҳар қандай тўловлар бўлиши мумкинлиги рад этилди. № 848 23/VIII-23

РКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси раиси ўринбосари / Любимов<sup>2</sup>

### ТОШКЕНТГА ТЕЛЕГРАФ

НКПР<sup>3</sup> 2-Манзил. Тошкент

РКП (б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси. Нусхаси Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига соат 23 да қабул

килинган. Марказий Комитет Бутунrossия Марказий Ижроия Комитетининг Қуръонни Туркистон диний бошқармасига топшириш тўғрисидаги қарорини Қуръон хавфсизлигини кафолатлаш чораларини кўриш орқали бажаришни таклиф қиласди. Шунингдек, у Усмон Қуръонига таъзим қилишни истаганлар учун билвосита тўлов шаклида руҳонийларнинг товламачиликларига йўл қўймайди. Ижросини шошилинч телеграф қилиб жўнатинг НР 3268/с Марказий Комитет котиби Я.Рудзутак<sup>4</sup> Вх 1140 25/VIII-23 Ишга[имзо]

### Туркистон Республикаси Москвадаги ваколатхонасининг Миллатлар иши халқ комиссарлигига Қуръонни Уфадан

#### Тошкентга қайтариш учун хизмат сафарига жўнатиш ҳақидаги хати

<<Хошияларда: «Ўртоқ Брезанов Ўртоқ Сапронов 23/VIII [имзо]» «Хизмат сафарига ўртоқ Гисматулин 27/VIII [имзо]» «д № 5»>>

<<Марка: «Миллатлар иши халқ комиссарлиги» 20 «/ 192. Кириш. №6582»>> Т.С.С.Р. Р.С.Ф.С.Р. Миллатлар иши халқ комиссарлиги ҳузуридаги Туркистон Совет Социалистик Республикасининг мухтор вакили.

«19»/VIII 1923 йил № 3785 Москва.

### Миллатлар иши халқ комиссарлигига

Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети ваколатхонасидан ўртоқ Гисматулинни Уфадан Усмон Қуръонини Туркистон Республикасига қайтариш учун комиссияда хизмат қилиш учун сафарга юбориш сўралсан. Комиссия Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети, Диний бошқарма мусулмонлари вакиллари ва Миллатлар иши халқ комиссарлиги вакили таркибида ташкил этилсан. Сафар харажатлари Туркистон Республикаси ваколатхонаси томонидан тўлиқ қопланади. Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети вакили: Исеев / Исеев / Иш бошқарувчи: Юмакаев / Юмакаев /<sup>5</sup>

<sup>1</sup> РИСТДА, 17-фонд, 33-рўйхат, 282-иш, 122-варақ.

<sup>2</sup> РФДА, 1318-фонд, 1-рўйхат, 1547-иш, 6-варақ.

<sup>3</sup> Туркистон Республикаси Халқ маорифи комиссарлиги.

<sup>4</sup> РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 37-иш, 16-, 17-, 33-, 34-варақлар.

<sup>5</sup> РФДА, 1318-фонд, 1-рўйхат, 229-иш, 41-варақ.

## Уфадан Қуръон келгани ҳақида Тошкентдан Сталинга телеграмма

Тошкентдан. Зудлик билан. Москва Миллат-лар иши халқ комиссарлыгы үртоқ Сталинга, нусхаси үртоқ Клингерга

Куръон Тошкентга етказилди. Ўрта Осиё бюроси Куръонни Самарқанд музейига топширишга қарор қилди, бу Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети қарорига тўғри келмайди. Шошилинч менга нима қилишимни телеграф орқали айтинг. Талаб бўйича Туркистон МИК Гисматуллин <<М.Х.: Асл телеграмманинг имло ва тиниш белгилари сақланиб қолган.>> ўртоқ Смолников! Тарихий қадриятга ҳамроҳлик қилиши учун қўриқчиларингизнинг энг яхисини берганингиз учун сизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.<sup>1</sup>

## Тошкентдан Москвага Қуръон ҳақида телеграмма

1923-08-10

Москва. Миллатлар иши халқ комиссарлигига. Нусха. Тошкент темир йўлидан 468 106 10/8 21.50 ЛИТ Ф. Москва, Бутунrossия Марказий Ижроия Комитетига нусха

Мусулмон руҳонийларининг Иккинчи Бутунрессия қурултои Қуръонни музейга берил-маслигига, Миллатлар иши халқ комиссарлиги номидан марказий ҳукуматнинг кафолати билангина Тошкентдаги Маҳкамаи шаръияга ўтказишга розилик берди. Миллатлар иши халқ комиссарлиги Бутунрессия Марказий Ижроия Комитетининг 190-сонли қарорига биноан Усмон Қуръонини Тошкентдаги Маҳкамаи шаръияга ўтказиш учун тезкор поезд билан вагонда Тошкентга олиб келинди. Туркия Қуръонни Самарқанд музейига топширишни таклиф қилмоқда. Ким марказий ҳукумат баёноти ва қарорига зид иш қилиб, Тошкент аҳолисини ташвишга солса, мусулмон оламида ҳам тузатиб бўлмас таассурут қолдиради. Умумрессия Марказий Ижроия Комитетининг 25 июлдаги қарорини сўраймиз, марказий бошқарув муфтийси ва кўчириш комиссияси раиси Фахрутдинов котиби Мухтасиб Умеровнинг буйруқларини кутамиз Эски Тошкент, Тиллашайховнинг уйига.

<sup>1</sup> РФДА, 1318-фонд, 1-рүйхат, 1547-иш, 18 – 19-варақлар.



پنجمین جوپیتر (پلیتک) - پلیتک	کارخانه	بل ۱۵ فروردین ۱۳۲۳
پلیتک	کارخانه	بل ۱۵ فروردین ۱۳۲۳
پلیتک	کارخانه	بل ۱۵ فروردین ۱۳۲۳
پلیتک	کارخانه	بل ۱۵ فروردین ۱۳۲۳
پلیتک	کارخانه	بل ۱۵ فروردین ۱۳۲۳

کیتەلەگەن بە حارىزما نۇقادا بولىغان  
جەزۋەت، عوسمان قورآننى قابىتا  
دان سەمەر قىسىدەكەن ئىك كىلىش  
نۇچون، سەمەرە، تىتمۇ راھات ئىمەرى  
سۈمىي باڭلىقى توپتاق توپتا بايدىك  
جەدرە كەتى يېلىدە تۈركىستان مەرى  
كەزى نىخراقومىي تەسىدىق قىبا،  
مۇكۇر قوراننى لاقلاماڭ نۇچون  
شىرىداڭ مەددەھىسىنك تىچىيەدە بىن  
لەناسالساڭ جىبىن،  
بىنَا نۇچون ئۆتون باھلىي بىلەن  
٨٠ مىڭ سوم نېيە قىلتغان

## تۈركىيە ئىستانادى ساڭقىنى - اۋلاش اشتەرى

«Туркестон» газетаси, 1923 йил 14 февраль,  
64-сон, 3-бет.

## Ҳазрати Усмон Қуръони

Бир вақтда Самарқанддан олиб кетилган ва ҳозирда Уфада бўлған Ҳазрати Усмон Куръонини қайтадан Самарқандга олиб келиш учун Самарқанд музофот ижроқўми бошлиғи ўртоқ Устабоевнинг ҳаракати билан Туркистон Марказий Ижроқўми тасдиқ қилиб мазкур Куръонни сақламоқ учун Шердор мадрасасининг ичида бир бино солмоқчидир. Бино учун олтин баҳоси билан 80 минг сўм смета қилинған.

<sup>2</sup> РИСТДА, 17-фонд, 33-рүйхат, 282-иш, 126-варац.

«Туркистан» газетаси, 1923 йил 1 июнь, 138-сон

## Билдириш:

Ушбу йили 1 июнда Тошкент Маҳкамаси шаръ-иасининг масжиди жомеда бир йиллик ҳисобо-ти ва янги сайлови бўладир. Мазкур мажлисга бутун диния ходимлари даъват қилинадир. 10 июнда Уфа шаҳрида Русия мусулмон уламола-рининг қурултойи бўлиб, машхур Ҳазрати Ус-мон Қуръони кўфияни келтириш масаласи қа-ралади. Мазкур қурултойга муфтий Мухаммад хўжа сайланди. **М. Қори.**

تاشکە نتلە

عازم عوام قورآنی کیلترش

روزه اسلام عوالم‌الارینکه نو قادا  
نو پل انگان قور و لاتیونله قهوار بیده  
جهنگان، نو قادا غی حازرهت عوسمان  
غور آمنی تورکستان‌سکه گلترش کو.  
چون ۱۷ یعنی آیه‌وند تاشکند «حکم»  
مدانی شوراهیه سی ز هیره، هر دین نه هلم  
با شلق بر هدشت یو باره د.

«Туркистан» газетаси, 1923 йил 20 июнь, 146-сон, 3-бет.

Ҳазрати Усмон Қуръонини келтириш учун:  
Русия ислом уломоларининг Уфада тўплан-  
ған қурултойининг қарорига биноан Уфадаги  
Ҳазрати Усмон Қуръонини келтириш учун 19  
июнда Тошканд Маҳкамаси шаръияси Заҳирид-  
дин Аълам бошлиқ бир ҳайъат юборди.

بر لە شەكىر، بۇ تۈن دۇنيا بۇ فەردىلەزى

حضرت عثیار قرآنی ۔

مهندکلو. ۵۴. بوتون روسيه مد  
ركهه اجر اقومى: يورون زامانلاردا  
روسيه يادىشاهلار حوكومەتى تامانىدەن  
روسييگە آلب كەنلىكەن خضرت عثمان  
قر آئىمى يەندەن توو كىستان موسولىما  
نلارغا قاپتار ووب بىر شىگە قىرار بېرىشكەن.

«Дархон» газетаси, 1923 йил 1 август, чоршанба, 11-сон, 3-бет.

Ҳазрати Усмон Қуръони

Масков, №25. Бутун Русия Марказ Ижроқүми: Бурун замонларда Русия подшоҳлар ҳукумати томонидан Русияга олиб кетилган Ҳазрати Усмон Куръонини янадан Туркистон мусулмонларига кайтариб беришга қарор берган.

دانخان

حضرت محمد شاہ قریب ائمہ قواعد میں سا۔

حضرت عثمان ق آئینو تو  
کستانگه کوچوروب ایں ئاشن  
مەرىقىنى حومەت بويىگە ئىشە  
وەلەن لەكەن.

«Дархон» газетаси, 1923 йил 22 август, 16-сон,  
4-бет.

«Туркистон» газетаси 1924 йил 8 сентябрь сонида «Ўртоқ Жексон билан мусоҳаба» номли мақолада Тошкент вақф бўлими раҳбари Заҳиридин Аълам ва Ҳожи Зуфарий, маориф бўлимидан Алиевларнинг АҚШдан келган меҳмон Жексон билан сұҳбати берилган. Заҳиридин Аълам Туркистон руҳоний уламолари тўғрисида батафсил маълумот берган. Меҳмоннинг саволларидан бирига Заҳиридин Аълам

шундай жавоб қылган: «Туркистан ислом бош уламолари инқиlobни күпдан куттан эдилар. Ислом уламолари ижтимоий инқиlobга бошқалардан күра ботирроқ яқынлашадырлар. Чунки исломда «Хоч, ақоними салоса» каби хурофт ақидалар йүкөдір». Иккінчидан, иқтисодиёт-да ислом асосий каммунага қобили татбиқидір. Етти йиілгі инқиlobда Туркистан уламоларини сүл томонға ақыл қылғанлари күпдір. Бу далил



آنینه چقارغاندا) بوق دیسه موکبین.  
وزمناڭ عىلىمى ياعى جوده كەمەغۇل،  
ئەرىخى نەبىسى بلەن قىلاق خوجا-  
لغى بولاملارىنى يەندە يو كىسىلەش فىكىرى  
باردر. وزە قويغان نەرسە (ابىكسىپا-  
لات) امۇناث بر بولەگى 23 نېتىيە  
مىزكەنەدە بولغان كور گۈزە- ويستو  
كە دەن آلغان، بر بولەگى باختا قوم،  
سېلىماش، تۈزۈك شولك، سو خو-  
جانغى كىبى ئىدارەلەر تامانيدان بى-  
رلەكەن. مۇدىرناث ئەيتىشىكە كور،  
تىز كوتلەردە كەبىرسە تېقىف اشلەرىكە  
تىكشلى يەنە بر بواحەمەنە ئولكەنلى  
اور گەنەش بورچەگى آچىسا كېرەك،  
عومۇمن ئەينكەنلە، مۇزە ايىكى  
شەھەر خەلقى اوچون جودە موهم بر  
اورون تۈنلەر. اېبىنداشى وھ اورتا  
مەكتەبلەر اوچون كىرەكلى ھەر بر  
مەعلومانى يېرە آلادر. بىراق، تور-  
كستاندا ياشايىتىرغان حىيوانلەر جودە  
آذ كورىنەدر. ئەڭھەر مۇزەناث ھەم  
پاشلىقى وھ پولىناث آزاڭن تەتىبارغا  
آلماسا بىر كەمەجلەكىنى كور ساتلەمسا ھەم  
بولادر. مۇزەدە يار نەرسەلەر كە ئىستىي  
اوونا آسيا آساري عەتىقە قومىتەسى  
ئاشكىيتىزڭ ئىسىكى شەھەرىدە بىر ھە-  
زخانە آچماق تۈچۈن 1924 نېتىيە  
يالىن بوبىان حەمرە كەت قىلب كېلىر  
ايىدى. بۇ مۇزمۇخانە زىيەلەيت 1926 نېتىيە  
يالىن بونچى يانوار يىدا رسمى سوردەتە  
آجلىدى. جىلى تۈزىكە خوب باب بواسا  
ھەم بىر آز تارداق. مۇزەناث يانىدا  
تەرىپىقى تەبىعى، مەيدە كالسب اشلىرى  
(кустарпое отدهенве) قىلاق  
خوجالىقى، سوغارش اشلىرى كېمىي  
برىزىچە شوعەلەرى بار. قىلاق خو-  
جالىقى يولىمەنڭ پاختاجىلىق، اىيە كچەلەك،  
تەرىپچەلەك، باخچىلىق، چاراچىلىق شو-  
عبدەپەلەرى ئەشكىيل قىلىنغانىدۇلۇك  
تەرىپىقى تەبىعىنىڭ ھەم حىيوانات،  
نەباتات، مەعەدەنەپەت بولماچەلەرى بار.  
مۇزەناث آساري عەتىقە قىسىكە ئەمە  
مەيمىت بىرمە كەنلەر. بوناڭ تۈرپىكە  
اتقۇغرافىيىا ياغىغا دەققەت قىلىنماقچى  
ئىتكەن. آپىرم بىر تۈپىدە مەشۇر وور  
عوسمان قور آنلى مۇھەلەزب آينە اېچىدە  
قۇملۇغان. شەرقىناث ئىسىكى ئەسلىجەلە-  
رپەن ھەم بىر آز قويغان. بەھالى  
(ئەۋەپ پەپەپ) قەرسەلەر (عوسمان قور-

«Зарафшон» газетаси, 1926 йил 22 апрель, 353-сон, 2-бет.



ва тарбия билан сойиқдир. Бул хусусда Амриқо уламолариға арабча очиқ мактуб ёзиб берсам керак. Ҳам сиз орқали анча байналмилалга Туркистон сўл уламоларининг саломларини етказиб айтаман. Ким учинчи байналмилал ислом уламолариға, бошқа дин руҳонийлари билан бир назарда қарамасдан, исломнинг ижтимоий инқилобга ошно бўлмоғидан умидвор бўлсин. Ҳар ерда маҳкум бўлған мусулмонларнинг инқилобга яқинлашиб кўзларини оча бошлиғанлари бунга далиллар».

Заҳириддин Аълам Жексонга Ҳазрати Усмон Қуръонини кўрсатиб, бу илоҳий китоб тўғрисида айрим маълумотларни изҳор этганидан сўнг меҳмон ўзи ёзиб турган бир асари учун Қуръон суратини олиб беришни илтимос қилган. Меҳмоннинг бу илтимоси қондирилган.

### Ҳазрати Усмон Қуръони тўғрисинда

Ҳазрати Усмон Мусҳафи Қуръонини Уфадан Туркистонга қўчириб олиб келиш сарфини ҳумуматимиз бўйнига олишига қарор берилган.

### Тошкент музейси

Ўрта Осиё осори атиқа қўмитаси Тошкентнинг Эски шаҳаридаги музейхона очмоқ учун 1924 йилдан бўён ҳаракат қилиб келар эди. Бу музейхона ниҳоят 1926 йилнинг 1 январида расмий суратда очилди. Жойи ўзига хўб бол бўлса ҳам, бироз торроқ. Музейнинг ёнида тарихи табиий, майдо косиб ишлари (кустарное отделение), қишлоқ ҳўжалиги, сугориш ишлари каби бир неча шуъбалари бор. Қишлоқ ҳўжалиги бўлимнинг пахтачилик, ипакчилик, аричилик, боғчилик, чорвачилик шуъбачалари ташкил қилинганидек, тарихи табиийнинг ҳам ҳайвонот, наботот, маъданиёт бўлимчалари бор. Музейнинг осори атиқалари қисмiga аҳамият бермаганлар. Бунинг ўрнига этнография ёғига диққат қилинмоқчи экан. Айрим бир уйда машҳур **Усмон Қуръони** муҳрланиб ойна ичида қўйилған. Шарқнинг эски аслиҳаларидан ҳам бир оз қўйилғон. Баҳоли (Ценный) нарсалар (**Усмон Қуръонини** чиқарғандаги) йўқ деса мумкин. Музейнинг илмий ёғи жуда кам бағал, тарихи табиий билан қишлоқ ҳўжалиғи бўлимларини да юксалтиш фикри бордир.

Музей қўйилғон нарса (экспонат)ларнинг бир бўллаги 1923 йилда Москвада бўған кўргазмавиставқадан олинған, бир бўллаги пахтакўм, селмаш, ўзбекшёлк, сув ҳўжалиғи каби идоралар томонидан берилған. Мудирнинг айтишига кўра, тез кунларда капиратив ишларига тегишли яна бир бўлим ҳамда ўлкани ўрганиш бурчаги очилса керак. Умуман айтганда, музей Эски шаҳар ҳалқи учун жуда муҳим бир ўрин тутади. Ибтидоий ва ўрта мактаблар учун керакли ҳар бир маълумотни бера оладир. Бироқ Туркистонда яшайтурғон ҳайвонлар жуда оз кўринадир. Агар музейнинг ҳали ёшлиғи ва пулнинг озлиғи эътиборға олинса, бу камчилигини кўрсатилмаса ҳам бўладир. Музейда бор нарсаларга истилоҳ тузмоқ учун музей ёнида айрим бир ҳайъат уюштириётгусидир. Ҳозирда ўрта ҳисоб билан ҳар кун зоо киши келиб турадир. Бу сон кун сайн кўпайиб турибдир. Кирмак учун мактаб болалари, қизил аскар, миллиция ҳамда ерли хотинлар пулсиз бўлиб, катталар учун 20 тийин, болалар учун 10 тийин олинадир. Оз вақт ичида Эски шаҳарда шундай музей бўлғанлигини оврўпалиқ ўртоқтар кўриб ҳайрон бўлалар. Агар жой топулур эса, ҳалқа турли мавзуларда муҳозара-лекциялар ўқилғусидир. Бир боғ олиб, шунда ҳар бир нарсани амалий кўрсатиш фикри ҳам бор экан. Агар Зироат камиссарлиги билан ўзбек селсаюз қилғон вадалари вафо қилиб ижроқўм ва маҳаллий ҳўжалиқ идоралари бир оз эътибор билан қарасалар, музейни Ўзбекистонда намуна музейи бўлишига шубҳа йўқ.

### Тумин.

«Туркистон» газетаси, 1924 йил 8 сентябрь, 347-сон.

### Ўртоқ Жексон билан мусоҳаба<sup>1</sup>

28 августда Тошкент вақф бўлимига ўртоқ Жексон ёнида таржимони ва ҳам икки «мупир» ташкилот аъзолари билан келдилар. Меҳмонлари маориф бўлимида Алиев, вақфдан Заҳириддин Аълам ва Ҳожи Зуфарийлар қарши олдилар.

Ўртоқ Жексон вақфнинг нима эканини сўради. Ҳожи Зуфарий вақфнинг илгариги ҳоли ва

<sup>1</sup> Суҳбатлашиш.



ҳозирда маданий маориф бойлиғи бўлғанлиғини сўзлади.

Ўртоқ Жексон вақфнинг нима эканин тушишгандан кейин унинг ўзгаришдан илгариги ҳолиға қанча таъсирланган бўлса, ҳозирги ҳолидан хурсанд бўлғанини билдириди. Эзилган эл учун билим юртларини қандай аҳамиятга молик эканлигини сўзлаб, вақф бўлимига яна мактабни кўпайтиришни қайд этди.

Маориф ишлари тўғрисида ўтроқ Алиев, Туркистон руҳоний уламолари тўғрисинда Захириддин Аълам билан сўзлашиб кенг маълумот олгандан кейин Жексон: «Ислом дунёсини биз, Амриқо аҳолилари, жуда севамиз, чунки биз мусулмон дунёсидан ҳеч вақт зарар кўрмадик. Мен Амриқо мусулмонлари томонидан сизга салом айтаман ҳам Туркистоннинг сўл фикрлик уламоларидан ўз фикрларини ёзиб эзилган қардошлари учун инқилобий раҳбар бўлишларини сўрайман», – деди.

Захириддин Аълам айтди: «Туркистон ислом бош уламолари инқилобни кўпдан кутган эдилар. Ислом уламолари ижтимоий инқилобга бошқалардан кўра ботирроқ яқинлашадилар. Чунки исломда «Хоч, ақоними салоса» каби хурофот ақидалар йўқдир». Иккинчидан, иқтисодиётда ислом асосий каммунага қобили татбиқдир.

Етти йилги инқилобда Туркистон уламоларини сўл томонга ақл қилғанлари кўпдир. Бу далил ва тарбия билан сойиқдир.

Бул хусусда Амриқо уламолариға арабча очиқ мактуб ёзиб берсам керак. Ҳам сиз орқали анча байналмилалга Туркистон сўл уламоларининг саломларини етказиб айтаман. Ким учинчи байналмилал ислом уламолариға, бошқа дин руҳонийлари билан бир назарда қарамасдан, исломнинг ижтимоий инқилобга ошно бўлмоғидан умидвор бўлсин.

Ҳар ерда маҳкум бўлған мусулмонларнинг инқилобга яқинлашиб кўзларини оча бошлаганлари бунга далилдир. Ўртоқ Жексон миллий жумҳуриятларга бўлиш масъаласида тўхтаб: «Ўзбек миллитининг ярим миллионча кустар ишчилари бор. Албатта, фабрикалар уларни эзиз ташлабдир. Ҳамда ҳунар ва деҳқончилик ишларида ҳам янги усул билан ишлашга кўчиш керак. Туркистон мусулмонларининг янгиликни тездан қабул қилишлариға ишонаман», – деди.

Ўртоқ Жексонга Мусҳаби Усмон кўрсатилди. Қуръон тўғрисида Захириддин Аълам маълумот берди.

Ёзиб турған бир асари учун Қуръон суратини олиб беришни сўради. Ўртоқ Мажид Қодирий қабул этди, ундан сўнг маориф уйига бориб, миллий мусиқа эшлитиб қайтиб кетдилар.



# САМАРҚАНДДАГИ МИРЗО УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ МИНОРАСИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШГА ДОИР

Р.Т.Шамсутдинов



Иномжон Хидирилиев

Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети раиси Иномжон Хидирилиев 1891 йили Фарғона области Поп райони Исковорот қишлоғида туғилган, 1919 йилдан партия аъзоси, 1923 йил 28 августдан 1925 йил 21 ноябргача СССР Ҳарбий Революцион Совет аъзоси, 1924 йили Туркистон АССРнинг СССР ҳукуматидаги доимий вакили, Ўзбекистон ССР Революцион комитети аъзоси, 1924 йилдан 1925 йил декабригача Ўзбекистон ССР ер-сув ишлари халқ комиссари, 1926 йил июнидан 1928 йил декабригача СССР Қишлоқ хўжалиги марказий банки бошқармаси аъзоси, 1929 йил 31 декабрида Москвадаги «Национал» меҳмонхонасида сирли равишда ўлдирилган.

Бу инсон Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси лавозимида ишлаган даврида Самарқанддаги Улуғбек мадрасасини сақлаб қолишидек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган. Иномжон Хидирилиев Туркистондаги таниқли ўзбек ва рус археологлари ва тарихчилари В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин ва бошқаларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб Россия Халқ Комиссарлари Совети раиси В.И.Ленинга шахсан хат билан мурожаат эта олган ва масалани ижобий ҳал этишга мушарраф бўлган. Унинг фаолияти тарихи ҳақида 2022 йили «Таниқли давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидирилиев ҳаётига чизгилар» номли китоб нашр

этилди. Бироқ унинг серқирига фаолиятига оид хужжат ва материалларнинг айримлари китобга киритилмай қолган эди. Унинг тарихий, маданий, диний меросимизни сақлаб қолишидаги хизматларини акс эттирувчи янгидан-янги хужжатлар илмий истеъмолга киритилмоқда. Бу ўринда Иномжон Хидирилевнинг 1922 йил 21 октябрда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.И.Ленин номига йўлланган мусулмон ёдгорликларини таъмирлаш тўғрисидаги мана бу телеграммасини келтирамиз<sup>1</sup>:



Академик Василий  
Владимирович Бартольд

## Хидириевнинг Мусулмон ёдгорликларини таъмирлаш бўйича Халқ Комиссарлари Советига телеграммаси

Хошияларда: «Ўртоқ. Максимовскийга 23/X» «Эх. 10058 жорий йилнинг 23/10.» «махфий» Кирувчи 10539 1922 йил 23/10 кун.» «4 Котибият» «Бошфантга. Шошилинч холоса учун 23/X 22 БМ»>>

### №05392 нусхаси

Москва Халқ Комиссарлари Советига Тошкентдан 3836 61 18 13 55  
21/X.куни соат 13.23 да қабул қилинган

<sup>1</sup> Россия Федерацияси Давлат архивидаги А2306-фонди, 1-рўйхати, 1644-сонли ишнинг 15-, 16-, 17-, 19-, 23-, 24-варажларида сақланмоқда.



## ТЕЛЕГРАММА

Нұсхалари з адрес Москва Халқ Комиссарлари Совети Халқ маориғи комиссарлығи ва Туркестон ваколатхонасига юборилади.

Түрк Республикаси мусулмон оммасига мусулмон архитектурасининг нобуд бўлган тарихий ёдгорликларини тиклашга кўрсатган ёрдами ва бу каби шошилинч ишларни амалга ошириш учун маҳаллий маблағлар топиш бўйича барча чора-тадбирларни кўргани учун миннадорчилик билдиради, ТурЦИК қуидагиларни таъкидлашни зарур деб ҳисоблади: Улуғбекнинг қулақ тушган минорасини мустаҳкамлаш учун маблағ етарли бўлмаяпти, шунинг учун биз бу эҳтиёж учун моддий ёрдам сўраймиз. № 529

Туркестон Марказий Ижроия Комитети раиси Хидириалиев.

Нұсхалари ўртоқлар Луначарский, Сокольниковларга юборилган, маъruzани тасдиқлаш учун Ўртоқ Каменевга юборилган. Москва, Кремль 21/X-22». <sup>1</sup>

**Мусулмон ёдгорликларини таъмираш учун маблағ ажратиш тўғрисидаги  
Халқ Комиссарлари Совети мажлиси  
баённомасидан кўчирма**

ВК а 22187/9/IX.Махфий.

Халқ Комиссарлари Советининг  
8 – 22 сентябрдаги 28-сонли мажлиси  
баённомасидан кўчирма

Тингланди: 7. 100 000 руб. ажратиш ҳақида  
Туркестон Республикасидаги қадимий меъморий ёдгорликларни таъмираш учун (Степанов ва Палетич).

Қарор қилинди: 7. а) Туркестон Республикасидаги қадимий ёдгорликларни таъмираш учун ҳар чорак бюджетдан ажратиладиган барча маблағларни сентябрь ойи учун тўлиқ миқдорда ажратиш Наркомфинга юклатилсин;

б) Келажақда намозхоналар, черковлар, масжидлар, миноралар ва ҳоказоларни таъмирашни зарур деб билиш. Диндорлар ва черков маблағлари ҳисобидан ёки маҳаллий жам-

ғармалар ҳисобидан, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам бу мақсадда давлатдан маҳсус маблағ ажратмасдан амалга ошириш.

Котиб учун О. Блох. Тўғри: котиб Соколова  
1922 йил декабрь

**РСФСР Халқ маориғи комиссарлығи  
Академик марказ.**

**Илмий ва илмий-бадиий муассасалар бош бошқармаси Музейлар бўлими**

**18 декабрь 1922 йил №7941/9189**

Бошфан Халқ маориғи комиссарлығи Сармарқанддаги Улуғбек минорасини сақлаб қолиши ишларига ёрдам кўрсатиш масаласида қуидагилар кўрсатилади:

Бунга илова қилинган Бошфан музей бўлими меморандумига кўра, зарур маблағлар тахминан 500 000 рубль олтинни ташкил қиласди. Бундай катта миқдорни фақат маҳсус тартибда, Халқ маориғи комиссарлигининг умумий сметасини юкламасидан сўраш ва Давлат режа комиссияси қарори билан жорий йил ҳодисалари такрорланмаслиги учун қатъий равишида қайд этилиши мумкин. Жорий йилнинг 23 ноябрь шунга ўхшаш маблағлар бутун иш режасини бузган ҳолда Халқ маориғи комиссарлиги бош сметасидан Музей бўлимининг маҳсус кредитига ўтказилди.

Фақат энг қатъий кафолатлар мавжуд бўлгандинга Бошфан юқорида кўрсатилган маблағларни сўраш учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу масалани қўзгатишини Халқ Комиссарлари Советининг жорий йил 8 сентябрдаги қарори билан бирлаштириш керак, чунки бу унинг олдинги ва кейинги қарорларига зид келади ва ибодатхоналар, черковлар, масжидлар, миноралар ва бошқаларни таъмирашда давлат маблағлари ажратилишини рад этади.

Бошфан шуни таъкидлаши керакки, юқорида айтиб ўтилган минора, шунингдек, бошқа кўплаб меъморчилик асарлари ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат диний бино сифатида қаралиши мумкин эмас, балки биринчи даражали маданий ва тарихий ёдгорлик сифатида ҳар томонлама ҳимоя қилиш таъминланиши ке-

<sup>1</sup>Ўша архив.



рак. Бундан ташқари, уни қўллаб-қувватлашдан бош тортиш Шарқ халқарида жуда ёмон таассурот қолдиради ва сиёсий жиҳатдан бундай ҳолатга йўл қўйиб бўлмайди.

Халқ Комиссарлари Советининг шу йил 8 сентябрдаги жуда ноаниқ баён қилинган қарорига келсақ, уни кўриб чиқиш учун маҳсус илтимоснома киритилади.

**Илова:** Улуғбек минорасини тўғрилаш лойиҳаси бўйича меморандум.

Бошфан мудири: Гливенко

Музей ишлари бўйича бўлими мудири: Троцкая

Илмий котиб [имзо]

**Самарқанддаги Улуғбек  
мадрасасининг (1420) қулаб тушаётган  
минорасини тўғрилаш ишлари  
бўйича меморандум**

Қадимги Ўрта Осиё маданиятининг энг ажойиб тараққиёт даври ёдгорликлари асосан Самарқандда жамланган – булар XIV – XVII асрларда қурилган бинолардир. Ҳозиргача мусулмон дунёси улардаги энг юксак тарихий зиёратгоҳини ҳурмат қиласиди ва уларнинг ҳолатини диққат билан кузатиб боради.

Атрофдаги Регистон – Самарқанднинг марказий майдони орасида энг бой кошиналар билан безатилган қадимий бинолар Амир Темурнинг авлоди томонидан 1420 йил атрофида қурилган Улуғбек мадрасасининг хавфли ҳолати билан ажралиб туради.

Шимоли-ғарбий бурчагида жойлашган иккита минорадан бири (олдинги 4 та минорадан қолган) тахминан 8 йил олдин юқори бўйлаб нормал ҳолатдан 1,8 метр узоклашган.

Маҳаллий санъат ва қадимийлик ёдгорликларини муҳофаза қилиш комиссияси томонидан вақтингчалик чора-тадбирлар қурилган ҳолда минорани ёғоч лангар қозиқлари ортидан пўлат арқонлар билан маҳкамлаш натижасида унинг қулашининг олдини олишга муваффақ бўлинган. Бироқ вайронагарчилик сабаблари бартараф этилмаган. Ўтган йиллар давомида плинтус қулаб тушди ва минора таянчи жуда заифлашди. Ёғоч лангарлар чириган, унинг эгилиши давом этмоқда.

1921 йилнинг кузида Бошмузей томонидан профессор А.В.Кузнецов зудлик билан Самарқандга юборилади. Унинг иши маҳаллий ҳокимият органлари билан яқин алоқада давом этди ва тўғрилашнинг мумкин бўлган усуслари ҳақидаги барча тўпланган материаллар ва тахминлар Бошмузейга хабар қилинди ва Давлат биноларининг бош қўмитаси Техник-иктисодий кенгаши мутахассислари коллегиясига илмий-техник экспертиза учун тақдим этилди. Лойиҳани ишлаб чиқиши қатъий илмий асосга соладиган охирги тузатишлар киритилди; минорани кўтариш учун кема домкратлари ва унинг дастлабки ҳолатига айлантириш учун кўпприк баланслагичлари ўрнатилди.

Профессор Кузнецов томонидан ишлаб чиқилган ишлар лойиҳаси Давлат биноларининг бош қўмитаси томонидан тасдиқланган.

Бироқ 1922 йил бошида кредитларнинг етишмаслиги кейинги ишларни бироз кечиктирди, аммо Халқ Комиссарлари Совети томонидан ажратилган аванс тўлови туфайли 1922 йилги қурилиш мавсумида тўғрилаш бўйича жуда кўп ишларни бажаришга вақт топиш умидида 1922 йил март ойида лойиҳани батафсил ишлаб чиқиши бошланди.

Икки нафар маслаҳатчи профессор (В.Т.У.) Н.К.Лахтин ва А.Ф. Лолеитларнинг доимий иштирокида Халқ маорифи комиссарлиги Бошфан музей иши, санъат ва антик давр ёдгорликларини муҳофаза қилиш бошқармаси реставратор-меъмор мутахассисларининг бир катор илмий учрашувлари, лойиҳа чизмалари, смета ва чизилган ишларнинг техник шартлари профессор Кузнецов томонидан кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Минорани кўтариш ва айлантириш учун мурakkab металл жиҳозлар алоҳида қурилмаларга бўлинган:

- 1) айланиш жараёнида бутун тузилмани олиб юрадиган металл стул;
- 2) 400 тонналик кема домкратлари ва кўпприк баланслагичлари;
- 3) горизонтал куч қўллаш ва минора ҳаракатини бошқариш учун баландлиги 10 сажен бўлган металл учбурчак йўл ўтказгич.



1922 йил май ойининг бошида энг яхши техник ташкилотларни жалб қилган асарлар ишлаб чиқариш учун аукцион-танлов мұваффақиятли ўтказилди.

- 1) «Мосмет» давлат заводи мұхандис-конструктор В.Г.Шухов;
- 2) Коломна заводи билан алоқада бўлган мұхандис М.Э.Кнорренинг техник идораси;
- 3) Инженер В.Ф.Якобининг қурилиш идораси ўз заводи билан.

Рақобатчиларнинг таклифларини илмий, техник ва иқтисодий баҳолаш натижасида «Мосмет» заводининг таклифи илгари сурildи, унинг баҳоси 1922 йил банкнотларида 38 500 000 рублни ташкил этди.



Завод вакили, жаҳонга машҳур илмий мұтахассис, мұхандис В.Г.Шухов профессор Кузнецов лойиҳасидаги вазифаларни бажариш билан бирга миноранинг қимматбаҳо майолика қопламасини ҳимоя қилиш мақсадида лойиҳага сезиларли амалий таклифлар киритди. Бу таклифлар Бошфан реставрация бўлими томонидан алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Жаҳон ёдгорлигини тиқлаш учун яратилган бундай қулай шароитлар жорий йилнинг июль ойи ўрталарида юзага келган молиявий аҳвол туфайли тубдан издан чиқди ва барча ишлар тўхтатилди. 1922 йил мавсуми учун Халқ Комиссарлари Советининг 1922 йил 16 февралдаги қарорлари асосида Халқ маорифи комиссарлиги томонидан (821-сон) минорадан ташқари барча

бешта объектни таъмирлаш бўйича реал иш олиб бориш зарурлиги тўғрисида, Самарқанд қадимий меъморчилигининг энг муҳим ёдгорликлари ҳолати бўйича жиддий моддий ёрдам кўрсатишга муҳтожлик бор. Бор-йўғи тахминан ўша пайтдаги курс бўйича 100 000 рубль – 1922 йил банкнотларида тахминан 7 500 000 рубль ажратилди; бу миқдор энг муҳим ишларни бажариш учун ҳам етарли эмас.

Минорадан ташқари ишлар учун маҳаллий Самарқанд комиссияси томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобларнинг умумий қиймати 178 000 олтин рубль музей ишлари бўлими томонидан з баравардан ортиқ камайтирилди, шунда ҳам бу ишлар 1922 йил банкнотларида 5 000 000 рубль талаб қиласи (тахминан 50 квадрат метр таъмирлаш учун 500 000 квадрат сажанец (1 саженең = 2,13 метр – таҳририят) томларини таъмирлаш учун 4 000 000 рубль), шунинг учун минорани тўғрилаш учун 2 500 000 рублдан ортиқ бўлмаган маблағ ажратилиши мумкин.

Шубҳасиз, бу маблағ билан жиддий иш бошлаб бўлмайди, музей ишлари бўлими эса минорани сақлаш қолиш учун ҳар қандай жағобгарликдан халос бўлиб, яқин келажақда вақтингчалик истеҳкомлар (ёғоч таянчларни ўрнатиш, чириган ёғоч лангарларни алмаштириш ва ҳ.к.) билан чекланишига тўғри келади. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Самарқандда мунтазам тақрорланиб турадиган зилзилалар



Улуғбек мадрасаси. 1923 йил




миноранинг ҳозирги ҳолатида тезда нобуд бўлишини муқаррар қиласди.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда Бошфан Ҳалқ маорифи комиссарлигининг Музей иши ва санъат ёдгорликлари ва қадимий ёдгорликларни мухофаза қилиш бўлими ўзининг давлат вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда ажойиб меъморий ёдгорликни сақлаб қолишдан хавотирланиб ҳамда Минорани қайта тиклашнинг сиёсий аҳамиятини баҳолаган ҳолда совет ҳукуматига иш учун зарур бўлган тахминан 500 000 олтин рубль миқдорида маблағни ўз ихтиёрида қолдириш тўғрисида илтимоснома юборади.

*1922 йил август. <<Муҳр: «VI реставрация бўлими <<Тўғри: котиб'*

2014 йил 12 майда Anxor.uz веб сайтида Слава Задорожныйнинг «Пиза Средней Азии или как спасли минарета» (Ўрта Осиёнинг Пиза минораси ёки минора қандай сақлаб қолинган) номли кичик мақоласи эълон қилинган



В.Л.Вяткин

эди. Самарқанд шаҳридаги Улуғбек мадрасаси, Тиллақори мадрасаси ва Шердор мадрасаси жойлашган майдонда китоб дўконларида хизмат қилаётган китобдор, муқовадорлардан айримлари археолог В.Л.Вяткинга мурожаат этиб Мирзо Улуғбек қурдирган мадрасанинг минораларидан бири асосий пойдевордан аж-

<sup>1</sup>Уша архив.

ралиб чиқиб суюниб қолганини айтган. Улуғбек расадхонасининг пойдеворини очиш шарафига мусассар бўлган олим В.Л.Вяткин Самарқанд шаҳридаги таниқли маҳаллий ва рус олимлари билан мулоқотда бўлиб, оғиб қолган Улуғбек мадрасаси минорасини тиклаш учун ҳаракат қиласди. Махсус комиссия тузилган, муҳандис Б.Н.Кастальский каби таниқли мутахассислар минорани қисмларга ажратиш ва ўша жойда йиғиши тақлиф қилишган. Инженер М.Ф.Мауер муаммони жасорат билан ҳал қилишга киришган. Унинг саъй-ҳаракати билан минорани тиклаш билан боғлиқ қатор ташкилий, илмий, хўжалик чора-тадбирлари амалга оширилган. Ҳар бир ташкилот ўзининг муносаб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қиласди. Минорани тиклаш учун зарур бўлган материаллар ўз вақтида етказиб берилган. Ярим баландлиқда минора ёғоч белдамча билан ўралган бўлиб, оғирлиги 36 тонна бўлган қалин пўлат сим билан ўралган, у қишида шовқин чиқаргани учун ҳалқ орасида «шайтон гитараси», «глаънати гитара» деб номланган. Аста-секин ускуна ушбу қадимий ёдгорликнинг қулашини тўхтатган. Шунга қарамай, бино вертикаль тарафга яна икки метрга оғади. Ушбу ҳолатда у яна деярли 14 йил туради.

Орадан бироз вақт ўтиб бинонинг қулаш жарайёни яна бошланади. Бош меъмор М.Ф.Мауер шаҳардаги кекса нуроний кишилар билан учрашиб, улардан миноранинг тарихи ва қурилишига оид тегишли маслаҳатлар олади. Шу мақсадда у мустакил равишда форс тилини ўрганиб, темурийлар давридаги Ўрта Осиё архитектураси ҳақидаги бир дунё адабиётларни ўқиб чиқади. Яна Регистон майдонидаги биноларни реставрация қилиш ишларига машҳур қурувчи уста Абдуқодир Абдубакиевни ҳам жалб этишига эришади. Сўнг Регистон майдонидаги барча миноралар фундаментлари ҳолатини аниқлаш учун ер кавлаш ишлари бошланади. Ушбу жарайёнда кошинчилар томонидан яшириб қўйилган мис тангалардан иборат кичик бир хазина ҳамда сопол бўлаклари топилади. Уларнинг барчаси ўша заҳотиёқ каталогглаштирилиб, Самарқанд тарих музейига жўнатилади. Аниқлашича, Регистон майдони шаҳарнинг чекка



қисмига тўғри келган ва унинг атрофида катта қанал оқиб ўтган. Улар канал бўйидан турли хил сопол бўлаклари, тақинчоқлар ва бошқа буюмлар ҳамда Улуғбек мадрасаси қурилиши вақтида бузиб юборилган ҳар хил кичик ҳажмли уйларнинг излари, устахоналарни топишга муваффақ бўлишган. В.В.Бартольд бинони қутқариш ташкилотчиларига қўшимча кўмак бериш учун объектга ташриф буюрган ва унинг тавсияларидан бажонидил фойдаланилган. Кейинчалик таниқли мутахассис В.Г.Шухов ҳам минорани қутқариш мумкин бўлган лойиҳани ишлаб чиқишга муваффақ бўлади. Иш-

лаб чиқариш корхонасидаги хисоб-китобларда йўл қўйилган айрим камчиликларга қарамай, улар ўз вақтида тузатилиб, зарур жиҳоз ва материаллар ўз вақтида иш жойига етказилади. 1932 йилга келиб миноранинг ўқи фундаментдан ажратиб олинади ҳамда винт ва шунтдан иборат домкрат тизими ёрдамида кўтарилади...

Бизнингча, Улуғбек мадрасасини таъмирлаш билан боғлиқ бир қатор масалалар тўғрисида тегишли мутасадди тадқиқотчилар томонидан батафсил илмий ахборот берилса яхши бўлур эди.




# БОКУДАГИ І СЪЕЗД ҲАҚИДА

## РОССИЯ ВА ТУРКИСТОН МАТБУОТИ

## Жасур Иминов, АНДДУ докторантты

Маълумки, 1920 йил 1 – 8 сентябрь кунлари Боку шахрида Шарқ халқларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтган. Қурултойдаги 2000 ва-килдан 200 га яқини Туркистон, Бухоро ва Хоразмдан бўлган. Бу съезд ва унинг қабул қилган қарорлари, Ўрта Осиёдан борган вакиллар, уларнинг нутқлари ҳақида журнализмнинг аввалги сонларида ахборотлар берилган. Бу съезд ҳақида Россия ва Ўрта Осиёдаги даврий нашрларда ҳам туркум хабарлар, мақолалар эълон қилинган эди. Ўша суронли даврнинг руҳияти акс этган айрим мақолалардан айримларини сиз муҳтарам ўқувчиларга ҳавола этмоқдамиз.



شہر ق خلقینک فورولتا بی

۱۰ آنجی آوغوست کچورون با کودا بولانورغان شرق خلکلارای فورولانايانا  
بارانورغان ناشكند شهري وه کيللرنيك پوريزدي كيendi.  
کيتيچيلر اراسيدا فازالي، تور کستان، ميرزا چولي، خوقند، چشكده، تاق  
مسجد، ايسکي ناشكnde، ايسکي شهر فرنه قوميتهتى ايسکي شهر اشجي خاتونلاراي  
شيپاه، اوپيا آنه ناشكند اوپيزدي، هيندستان باشارى يورەمى، خانى، ايراز،  
نور كىءە، شەرتقى آزاد قىار اتفاقى سىكىسيتى دەن وه کيللر بار ايدى.  
فورولانايانا كېتىگەن وه کيللر يالپى خانلىك چىن وه کيللردى. وه کيللرنى  
سابلاو اوپيزد ھم مضافت فورولانايلارىدە بولىدى.  
وه کيللر كېتىگەن پوريزد بارانلار، بلاكتالار ھم شىمارلر بالەن يىزەلگەن ايدى.  
پور اوزىتكى يارغان بولىدەم مەحەللەرددە توخاب يەئىتلار ياساغىسىدە.

**Роста Тошкент, 1920 йил 11 август, 171-сон**

## Шарқ халқының қурултойи

10 август кечқурун Бокуда бўлатурғон Шарқ халқлари қурултойина боратурғон Тошкан шаҳри вакилларининг поезди кетти. Кетувчилар орасинда Қозоқли, Туркистон, Мирзачўлли, Хўқанд, Чимкент, Оқмасчид, Эски Тошканда, Эски шаҳар фирмә қомитети, Эски шаҳар ишчи хотинлари вакиллари, Пишпак, Авлиёта, Тошкент уезди, Ҳиндистон ёшлари буйуроси, Хитой, Эрон, Туркия, Шарқни озод қилув



## شرق خلق، قو، و لتا ي

باکوده اپنی سنتواره شرق خلقاریونگ قورولتایی آچلاچک، برو قوروللایانه ترکیه هندستان؛ افغانستان، توکیستان، ایران، حصه پختاران و خذاتی مملکتلرینک و کیل لوه اشنازد ایتهچک.

بو قورو لاتیونکه برو اهمبیتی باز ایسدهه اولو هه عاضر ده انگلیز و علمدار قوتقوسوی ایله ایزلملاکها بو لغان بخاره کمبل لرینکچهاتی واز اندیختی دوره.

شونک ایله غرابی سورا در رو سمهه مه حسن عماقینه سیگه قار امامه بخارا حکومتیه خاصه انگلیز قوتقوسوی ارتقائنهه توکان سیدا سنتی نکه هافتیته، بو قو رولتایه حل قیاونلچه که

باکوده اپنی سنتواره شرق خلقاریونگ قورولتایی آچلاچک، برو قوروللایانه ترکیه هندستان؛ افغانستان، توکیستان، ایران، حصه پختاران و خذاتی مملکتلرینک و کیل لوه اشنازد ایتهچک.

بو قورو لاتیونکه بیلارچه ایزلملوب کیلکان شرق خلقاریونگ بیکو نده اوون حقوقینی آلو و بتون دنیا جهه نکیلرینک بجهج سندان اوون لوزینی آزاده قایق بو لدانه بونچی قله ملاری سیاسی در کلکلیدهور.

قوروللایله کیلکان و کیلر اون وطنباریکه قایقیاج وطنباریه انقلاب تاریقاتوب وشو ننک ایله چهانگیر لر اسکنجه سندنه ایزلملاکها بولغانه بواردر اولینی آزاد قیلو بولنده جدی در کلکلر بولاقلر.

**Янги Шарқ:** 1920 йил 21 август, 65-сон.



иттифоқи сексиясидан вакиллар бор эди. Күрүлтойға кетган вакиллар ялпи халқнинг чин вакилариидир. Вакилларни сайлов уезд ҳам музофот қурултойларида бўлди.

Вакиллар кетган поезд байроқлар, плакатлар ҳам шиорлар билан безалган эди. Поезд ўзининг борған йўлида маҳаллаларда тўхтаб йиғинлар ясағусидир.

### Шарқ ҳалқи қурултойи

Бокуда 1 сентябрда Шарқ ҳалқларининг қурултойи очилажак, бу қурултойда Туркия, Хиндистон, Афғонистон, Туркестон, Эрон, Миср, Бухоро, ва Хитой мамлакатларининг вакиллари иштирок этажак.

Бу қурултой йилларча эзулуб келган Шарқ ҳалқларини бу кунда ўз ҳукуқини олув ва бутун дунё жаҳонгирларининг панжасиндан озод қилув йўлларинда биринчи қадамлари, сиёсий ҳаракатларидур.


Қурултойга келган вакиллар ўз ватанларига қайтгач, ватанларида инқилоб тарқатуб ва шунинг ила жаҳонгирлар исканжасинда эзилмакда бўлған биродарларини озод қилув йўлинда жиддий ҳаракатларда бўлажақлар.

Бу қурултой Шарқ ҳалқига нақадар аҳамиятли ўлса, қурултойда чиқарилган қарорларда шул қадар аҳамиятли бўлажақ.

Ҳар бир эзилган ишчи ва камбагал бу қарорни вужудга чиқувшига ижтиҳод қилажақ.

Бу қурултойнинг яна бир аҳамияти бор эсада, ул-да ҳозирда инглиз ва шулар кутқувси или эзилмақда бўлған бечора камбагалларининг ҳаёти ва озодлигидур.

Шунинг ила баробар, Шўролар Русиясининг ҳусни муомаласига қарамай, Бухоро ҳукуматининг ҳозирда инглиз қутқуси орқасинда туткан сиёсатининг оқибатида бу қурултойда ҳал қилунажак.



Мехнаткашлар товуши: 1920 йил 29 август, №167

### Бокуда Шарқ элининг байналмилал қурултойи

#### Файрирасмий қисм

Фарбда Европада меҳнат билан сарват низоси асрлардан бери бўлиб келган бўлса ҳам, мундан 50 йил бурунгача Карл Маркс томониндан биринчи байналмилал (Интернационал) қурултойина довур меҳнаткашлар ҳаракати кўзга кўринарлик бир он фойда келган эмас эди.

Биринчи байналмилал ва ундан сўнгра иккинчи байналмилал қурултойдан бери Европа фақир ва ишчи ҳалқининг ҳаракати муайян бир йўлға кириб, бу кунги Русия шўролар ҳукуматига замин ҳозирлаған эди.

Русияда ижтимоий инқилоб бўлғондан кейин умр ва замони ўтган икки юзлик иккинчи байналмилал бузулиб, онинг ўрнига 1919 йил март ойинда Москвада жаҳон инқилобини ҳозирлағувчи учинчи байналмилал қурилди.

Учинчи байналмилал 17 ой жаҳон инқилобига хизмат қилғандан кейин ушбу йил июль – август ойларинда ўзининг минтақавий иккинчи конфирансанни муваффақият ила ўтказди.

Учинчи байналмилалнинг иккинчи конфирансида Шарқ элиндан ҳам хайли вакиллар қатнашди. Шундоқ ҳам бўлса кенг Шарқ юритига кўра бу вакиллар ҳеч мақоминда эди. Бу биринчи.

Иккинчи: Шарқ элининг ўзига кўра ахлоқ ва одоби, маҳсусоти шарқия ва миллияси бор. Шарқда умумий ва ҳақиқий инқилоб қўзғатмоқ кенг Шарқни тор кўзли фаранг сарватдорлари, билхосса, инглиз шайтонлари қўлиндан қутқармоқ учун бутун Шарқ элини (дин ва миллат бошқалиғига қарамасдан) жаҳон инқилобига қатнаштироқ бунинг учун ўз одот ва ахлоқлариға кўра хатти-ҳаракат чизмоқ лозим эди.

Шарқ ҳам ўз ҳолича тек ётған эмас эди. Асрлардан бери Farb сарватдорлари жаҳонгирлари томониндан таландиғи эзилдиғи шикампарвар ва фарангпаст ўз хонлари ва беклари қўлинда жафо ва ситамлар кўрдиги сабабли неча йиллардан бери Шарқнинг ҳар ёғинда зулум ва ҳақоратга қарши инқилоблар қўзғалишлар воқеъ бўлған эди. Ҳам ... бу инқилоб ва қўзғалиш-



лар умумий бир тус, муайян бир хатти-харакат олмадиги сабабли умид этилган фойдани бера олмади.

Ушбу йил 25 августда Бокуда йиғилган Шарқ элининг биринчи баналмилал қурултойи бу масъалаларнинг ҳаммасини ҳал этса керак.

Бу қурултойга жаҳон инқилобининг қаҳрамонлари ва учинчи байналмилалнинг йўлбошчиларидан бўлган Зиновьев, Радек ва Бухарин каби ўртоқлар бирдиқлари идеқ, Шарқнинг ҳар ёғиндан инқилобчилар ва эл ходимлари йиғиландирлар.

Шарқ бутун раҳбарларини бу қурултойга тўпламоқдадир: Япония, Хитой, Хиндистон, Афғонистон, Эрон, Арабистон ва Туркиядан ниҳоятда келдигидек, Русиядаги Шарқ эллариндан ва Туркистондан ҳам атоқли инқилоб ва жамоат ва ходимлари бу қурултойга бордилар. Эшитганимизга кўра, биргина Туркистондан 200 га яқин намоёнда кетган.

Биз умид қиласизким, ушбу қурултой жаҳон инқилобига, билхосса, Шарқнинг қутулишига биринчи йўлни кўрсатар. Уруф ва одот ва бошқа маҳсусотни назарға олиб Шарқ эли учун муайян бир хатти-харакат чизилур.

Мундан бурун Шарқ элининг айрим қисмларинда бошқа ва яна бошқа шиорлар билан аллангаланған инқилоб ўтини бир-бировига қўшиб, умумий бир шиор билан жаҳонсуз бир вулқонга айлантуурлар.

Ниҳоят Шарқ ва Farb меҳнаткашларини биз бир ўйга яқинлаштуруб, Шарқ ва Farb мустабид ва золимларига қарши йиқилмайтурғон бир кўргон (бунёни марсус (мустаҳкам қалъя) ясар.

Уч йилдан бери Россия инқилобиндан кўрилган тажрибалар, Шарқ элинда кундан-кун ортмоқда бўлган инқилобий ҳаракатлар бизнинг бу умидларимизнинг бўш бир хаёл эмас эканлигини кўрсатмақдадир.

Яшасун Шарқ элининг биринчи байналмилал қурултойи! Яшасун Шарқ ва Farb меҳнаткашларининг иттифоқи! Яшасун Шарқ элининг қурултойиға замин ҳозирлаған учинчи байналмилал (Интернационал)!

Идора: Бокуда бўлаётған Шарқ элининг биринчи байналмилал қурултойининг рўзномасини ушбу ғазетамиизда босдирдик. Бутун Шарқ

ва ислом олами, билхосса, Туркия ва Эрон масъалаларининг ушбу қурултойда музокара қилинажағи рўзномадан билинадир, Боку қурултойининг қандоқ аҳамиятли ўттигини билмак истаган кимсалар рўзномани диққат қилиб ўқусинлар.



### شرق ایللاریناک قورولتایی .

شرق ایللاریناک قورولتایی ، مئامدلى  
اپل باشکوو، الرغ بىر نهایش بولوب  
اوچ بئدارجى خانى امیراک ایللەي .  
لەك اوچ ئاساندە ئارىل بارنس اوچوچ آپدە  
آپدە .

ئاداش کۆن مسجد ایللاریناک بىریسىدە  
انور پادا و تۈرىمانق لەك امیراک اپله  
الوغ بىر يېھىن بولدى .

+ اورز بادا مەرق ایللاریناک ، دوسيبە  
و آذ بادچان هورالى حەممە مەيران  
آمېگى توپلاشىپ ، انگلەن امېدادىگى  
ئارەن ، عارىب اپلەرگە چاپىرىدى .

اور ئائى تۈرىمانق ، مەرق لەك آزاد  
بىرلەن انگلەنلەر و مەرق ایللارى آرا .  
حەندەگى خانلار و پامامعىر بىر اپلىگە  
ئالىرىدە وجودىگە كىلە، كېيىن بىان اپلىدى .

### Меҳнаткашлар тувushi:

1920 йил 9 сентябрь, 170-сон

### Шарқ элларининг қурултойи

Шарқ элларининг қурултойи муносабати ила Бокуда улуғ бир намойиш бўлуб, ўн мингларча халқ иштирок этди. Шаҳарнинг ўртасинда Карл Маркс учун обида очилди. Намойиш куни масжидларнинг бирисинда Анвар поша ва Наримоновнинг иштироки ила улуғ бир йиғин бўлди. Анвар поша Шарқ элларини Россия ва Озарбайжон шўролар ҳукумати байроғи остига



тўпланиб, инглиз истибодига қарши муҳраба этарга чақирди. Ўртоқ Наримонов Шарқнинг озод бўлиши инглизлар ва Шарқ элларин орасиндаги хонлар ва подшоҳлар маҳв этилган тақдирда вужудга келажагин баён этди.



Роста Фарфона газетаси,  
1920 йил 25 сентябрь, 57-сон

### Шарқ ҳалқининг қурултойи

Бокуда бўлиб ўтмиш Шарқ ҳалқарининг қурултойи кутулгандан ортиқ муваффақиятлик бўлиб ўтди. Қурултойда миллионларча Шарқ камбағалларининг вакиллари иштирок этгандар. Вакиллар ила бўлған музокаралар бизга Шарқ ҳалқарининг бугунда тутган сиёсатларини ва ўзларининг дўст ва душманлари ким эканини тушунгандиларини яхшифина англади. Бу қурултойда иштирок этган биродарлар томонга ўртоқ Зиновьев бутун дунё жаҳонгирларига қарши кураш очувга таклиф қилганда икки мингдан зиёдроқ вакиллар бир оғиздан қилич, тўппонча ва ханжарларини суғурған ҳолда охирги кучларини сарф этуб бўлса-да жаҳонгирлар ила курашувга қатъий равишда ваъда қилгандиларини ҳеч бир вақт эсдан чиқармаяжақдир. Агарда шул вақтда шул мажлисда Париж ва Лондин жаҳонгирлари ҳозир бўлиб бул манзарани кўрсалар, шул вақтгача Шарқ ҳалқарининг ичинда асло инқилоб тарқалмаяжақ ва буни шўролар Русияси ўзи тўқуб қичаруб ётқан бир хаёл деган сўзлариндан воз кечалар эди.

Бу қурултойни шул қадар маҳобатли ва маҳсус тарақкий бир руҳда бўлиб ўтуви Шарқ ҳалқлари орасинда инқилоб ўринлашқанлиқини ва келажакда жаҳонгирлар исканжасиндан озод бўлалажақларина зўр бир далил. Буни золим жаҳонгирлар-да яхши англасалар керак.



Иштирокиун, 1920 йил 15 октябрь, №213

### Шарқ элларининг қурултойи

Еттинчи мажлис 7 сентябрь

Қурултойнинг 7 нчи мажлиси ўртоқ Зиновьевнинг таҳти раёсатинда кеч соат 7 да очиладир. Раис эълон этадирки, қурултой бу мажлисинда энг муҳим бир масъалани ҳал этарга тейишилидирки, ул эса Шарқда инқилоб ҳаракатини ва таблиғот обормоқ учун доимий суратда бир шўро сайламоқдир. Бу шўро қурултойининг иш ерини-да кўражакдир. Бу шўро 4 кишидан иборат бўлиб, ҳар уч ойда бир карра Бокуда ижтимо этажакдир. Онинг етти кишидан иборат бир ижроия қўмитаси бўлиб, Бокуда иқомат этажакдир. Тошқант ва бошқа шунинг каби Шарқнинг муҳим нуқталаринда бу шўронинг шуъбалари бўладир. Раис илова ўлароқ айтадирки, 7 кишидан иборот бўлатурғон ижроия қўмитасининг уч нафарини 3 нчи байналмилалнинг ижроия қўмитаси тайин этажак.

Бу шўро ҳар йилда бир вақт Шарқ элларининг қурултойини чақиражак.

Раиснинг мусоадаси билан секретар призидум томониндан тузулган 47 кишининг исмларин ўқийдур. Бу 47 кишининг товушқа қўйилувини раис сўнгга қўйуб, Бухоро инқилобиндан вакилларга хабар этадир.

Бухоро инқилоби ҳаққинда ёш бухороликлар вакили Ражаб Муҳаммадов ва Жабборзода ўртоқлар табрик этадирлар.

Мундан сўнг призидиумнинг қарори бўйинча хотинлар вакиласига сўз берилар экан, раис эълон этадир.

Шу муносабат билан ўртоқ Ножиахонимға (туркиялий) сўз бериладир.

Ножиахоним олқишишлар ичинда таҳририй суратда ушбу нутқни сўзлайдир:



Йўлдошлар! Шарқда қодин (хотин) ҳаракати деянча (деганда) бир чўқлари (кўпчилик) хафиф машраб (енгил табиат) феминистларнинг идиалўжиясиндан тасвир эдилан ва анжак салонлари суслая вазифаси или мукаллаф ўлан ... бир қадинлиқ хотирлаюлар. Ҳолбуки, биз Шарқ қодинлари қодин ҳаракатини жаҳонда ҳаётнинг ўғрадифи (келтириб чиқарган) инқилобларнинг зарурий бир натижаси ад эдиёруз (ҳисоблаймиз). Шарқ қодинлари алал аксар (кўпинча) зан ўлундиги (гумон қилингани) каби тасаттурдан (паранжидан) ...сиз сўқоқقا (кўчага) чиқмасиндан Farb буржуузазия алайҳинда (қарши) ўлдиги каби ... ... эйланжা (кўнгилочар) ерларига иштирок этмақдан иборат бир даъво илиа ўртага чиқмаюр. Юксак ахлоқий ва ижтимоий ...ларга молик бўлган Шарқ қодинлари учун тасаттур (паранжи) масъаласи, балки, сўнгинчи (охирги даражали) масъалани ташкил этабилур. Биз деюоризки, ҳар жамиятда энг оз (камида) у ...ларнинг ярмисини ташкил этган қодин Шарқда ... олий инсоний вазифалари ... ман эдилиюр. Бунинг учундирки, Шарқнинг арз этдиги сафолати ҳозира (ёмонлик) қодиннинг ихдол этилмасиндан (эзилишидан)дир ... ижтимоий бир жазо ўлароқ ...га лойиқдир.

Йўлдошлар! Амин бўлингизки, мансуб ўлдингиз ҳайъати ижтимоиянинг ... ҳусни нияти нақадар шадид ва нақадар самимий ўлурса ўлсун, қодини ташаббусингизга ... муайян қилмадуқча тилагингиз ўлан натижага эрамияжаксиз ва бу қийматли ҳусни ниятдан бир самара ҳосил ўлмаяжак.

*(Сўзловчи ўз маъruzасининг давомида туркиялик ва бутун Шарқ аёлларининг ўз жамиятларидағи аянчли ҳолати, таълимдан мосуво экани, ҳукуқларининг етарли эмаслиги ҳақида гапиради. Матн қисқарттирилди.)*

*(Сўзини қисқароқ қилиши учун Шарқ аёллари номидан қуйидаги талабларни келтириб, хуласа ва якун ясайди.)*

1. Ҳукуқда том бир мусовот (тўлиқ тенглик), яъни эркак ва қодинларнинг ҳайъати ижтимоиянинг ҳар шуъбасинда мусовий ўлмаси (тенг бўлиши).

2. Эркакларининг ...ига оид илмий, санои ба-

дийи мусовотдан било қайд ва шарт қодинларин-да истифода айламасини таъмин этмак.

3. Никоҳда мусовот, ҳуқуқи тааддути завжотин (кўпхотинлик) қонунан ва қатъиян (*туғатилиши*).

4. Қодиннинг мутлақ суратда ташрий (хуқуқий, қонуний) ижрооти вазоифи ижтимоияга иштироки.

5. Марказий шаҳарларда булунмоқ узара қандларинда, қасабаларда қодин ҳуқуқининг масуният ва мудофааси учун ҳуқуқи нисвон (аёллар ҳуқуқи) мадофаа (ҳимоя) қўмиталари таъсис ва ташкилотининг Шарқ байналмилал қўмитасина (*топширилиши*).

6. Мудофаа ҳуқуқ жамиятлари тадқиқоти ва Шарқ қодинлиги аҳволини мухталиф (ҳар хил) мухитларда таъқиб (кузатиш) учун бир газета нашри.

Коммунист идеёлчилари (мафкурачилар) бу пек (ўта) ҳақли ўлан матолиботи (талабларни) истиҳсол (амалга ошириш) хусусинда Шарқ қодиннинг заҳири (посбони, қўриқчиси) ўлмали (бўлиши керак)дир.

Шарқ қоммунист қодинлари инсониятнинг саодатина варан (борувчи) бу йўлдан ҳеч бир вақт геридўнамаяжаклар (қайтмайдилар). Буюк бир имон буюк бир садоқат-ла муштарак ғояга эрмак учун эллариндан гелани ёпмоқ (қилмоқ) учун унларнинг сўнг нуқтасина қадар чоли-шажақлардир (ишлайди). Бу йўл, билиёрузки, мушкилот-ла дўли (тўла)дур. Фақат яна билиёрузки, ҳар гече сабоҳга еришилажак энг табиий йўлдир.

Яшасин учинчи интернасионал, яшасин мазлум Шарқ қадинларинин қутулиш қурултойи, яшасин қодинларнинг қутулиш қурултойи.

Яшасин инқилоб, инқилобга садоқат.

Яшасин Farbin Шарқин буюк ва имонли ... олчилари йўлдош Ленин, Зиновьев, Троцкий, Радек, Белакун, яшасин Мустафо ва Наримонов йўлдошлар (олқиши).

Ножияхонимнинг ушбу нутқи йўлдошлари Ховархоним томониндан русчага, Тани Юлач томониндан қумуқчага этилир. Мундан сўнг Туркистан вакилалариндан Бибибону ўртоққа сўз берилур.

Бибиону хоним Туркистан хотинларининг вазиятлариндан узун бир нутқ сўзлайдир. Ниҳоят Шарқда ҳаракот ва таблиғот шўроси сайлов киришлари умумият-ла оstdафи ўртоқлар сайланадурлар.

Туркиядан И smoил Ҳаққий ҳам Сулаймон Нурий, Эрондан Ҳайдархон ҳам Султонзода, Афганистандан Оғазода, Озарбайжондан Наримонуф ҳам Ҳусаинуф, Хивадан Раҳмонуф (Бегижон), Фарғонадан Абдурашидхонуф, Еттисув қозоқларидан Рисқулуф, Закаспий туркманларидан Қориев, Арманистандан Лубия, Бухородан Жабборзода, Дагестондан Қўрқмазоф ва Ғобиев, чеченлардан Ҳамалўф, Қубандан Черкас, қалмоқлардан Омурсонон, Қозон татарларидан Янгиеф, бошқирдлардан Иброҳимуф, қозоқ ва қирғизлардан Жонузокуф, Шарқий қозоқлардан Астровский (Нурултов саркотиби), қишим татарларидан Машҳадов, муслималардан Шабановалар, з нчи байналмилалдан Павлович, Кирўф, Оржоникидзе, Стасова, Илиева ҳам Сканко ва вакиллар қурултойнинг коммунистлар фраксиясидан сайландилар.

Партиясизлар фраксиясinden ушбу вакиллар сайландилар. Туркиядан Баҳо Шокир, Туркестондан Норбӯтабекоф (Тошпӯлат), Маҳмудоғ Обиджон, Мусаев, Янгируф, Қирланиф, Хивадан Абдуллаеф, Ҳинди斯顿дан Назир Сиддиқ, Бухородан Қулхўжаеф, Терекдан Ҳамзатуф, Хитойдан Ван, қозоқлардан Усмон Қурбиеф ... ҳаракат шўроси Шарқдағи ҳамма инқи-лобий муассасаларнинг ишларида йўлбошли бўлар.

Шўро доимий суратда Боқуда тўплар ва йиғилғанда ози 4 марта ба йигилур. Доимий иш учун ул ўз ичидан призидум (раёсат) сайлаб қўйар. Биринчи раёсатга ушбу кишилар сайландилар. И smoил Ҳаққий, Кўрқмазуф (Дофистон), Илиева, Наримонуф, Норбўтабек, Тожиев (самарқандлик Муҳаммадраҳим Тожи Маҳруди), Қориев ва байланалмилал ташвиқот шўросидан юборилған Стасова ҳам Павлович бу сайловдан сўнг призидиум аъзоси ўртоқ Қори Тожи томониндан қизил аскарларига юборилув учун ёзилған бир телегром қилуб тасдиқ этиладир. Битмади.

پرلسکو، بیرونی عربی بوقوللاری ۷-م بوئوریان ۶ ماهی:
پوساندای - زوجیم، ایام، موادهای داشت کاشیم
۱ - ۴۵ - ۱۰ - پالیرش علیانی: دوی: ۱۰ - ۱۰ - ۱۰
کریتیک بالانی: تورکمن: موسسه‌ساز، هنرستان، مکاریزی وینه، تورکمن: اندیشیدن، نگاره‌نگاری، مکاریزی تجزیه، تورکمن: اندیشیدن، نگاره‌نگاری، مکاریزی تجزیه، سرداریا: اندیشیدن، نگاره‌نگاری، پالیرش علیانی: پوشش
پالیرش علیانی: تامنن: هنرستان № ۲۹، رедакция "پرلسکو" لیقون: بوئوریان

№ 214 Суббота 16 октября 1920 г.

**Иштирокиүн, 1920 йил 16 октябрь, 214-сон**

## Шарқ әлларининг қурултойи

Еттинчи мажлиснинг давоми.

Озарбайжон инқилоб қўмитасининг раиси ўртоқ Наримонов узун ва таъсирли этиб 1918 йилда тескаричилар томониндан билдирилган 26 ўртоғнинг жасади Краснаводскдан топилгани, эртага шуларнинг Бокуда кўмув маросими бўлажагин сўзлади.

Раиснинг таклифи бугунча бутун вакиллар ... бошлар. Музиқа мотам ҳавосин чолар. Ўртоқ Норбўтабеков (раис муовини) қурултоййнинг ёпилувин учун сўз ўртоқ Зиновьевқа берилганин эълон этар.

Зиновьев: Шарқ элларининг қурултойи наинки ёлғуз очилди, балки бир неча кун давом этиб, муваффақият билан тамом бўлди.

Үртоқлар! Русия ижтимоий күшма шүролар жумхуриятин чақируви билан Шарқдан Бокуға қурултойнинг келган вакилларни кўрган бизим душманларимиз: бу келганларнинг кийимлари йиртиқ, ўзлари кирланган бўлар, на қарор чиқара оладирлар ва на алардан Шарқға бир фойда бўладир деюрлар эди.

Локин Шарқнинг ҳар томониндан келган ул ийртиқ кийимли кирланган вакиллар, бу мажлисда муҳим масъалаларини кечирмасалар-да, ўзларининг ҳаётқа керакли бўлған масалала-рин мавқе музокарага қўйдилар.

Бу Шарқ құрултойи очилған кундан инглиз ва анинг тарафдорларининг күзларындан уйқу қочди. Нақадар сиз, үртоқтар, бўйла ҳаракат этсангиз, қаршингизда бўлған душманларнинг ўтуввин яқинлаштирасиз. Алар этгача, бу шўролар ҳукумати, Шарқни ўлдирмайча, балки они тирғизадир. Мундан бошқа ҳукуматлар Шарқни албатта ўлдирадир. Мисол учун, ёлғиз бир тарафингизда бўлған Арманистон ҳукумати-



ни мустақил десалар-да, аслида, Арманистон ҳукумати йўқдир, балки орқасинда армани душманлари буржуй ва қон эмувчилар, бошқа томонинда эса армани фуқароси, армани деҳқони, армани ишчиси бор. Олингиз бошқа томонингизда турған Гуржистон ҳукуматини, анда ҳукумат йўқдир, бир тарафда Англия ... сиға сотилған Гуржистон ҳукумати, Гагучқурилар ва ингилиз ёқли бўлған бойлар бор. Иккинчи тарафда эса Гуржистоннинг меҳнаткашлари бордир. Демак, бу ҳукуматларнинг ҳеч бири мазлум миллатларни озод эта олмайдир. Миллатларни озод этатурғон бир асл идора бўлса ул-да шўролар усули идораси ва учинчи байнамилалдир.

1905 йилда Русияда бир инқилоб бўлди, факат бу инқилобда империалист ва буржуазия ғолиб келди. Ул инқилоб яшамади. Эрон ҳам Туркияда машрутият тарафдорлари инқилоб ясадилар. Мажлиси мабъусонлар очдилар. Булардан-да бир фойда чиқмади. Шул сурат билан аларда отларини инқилобчилар кўйдилар.

Аммо энди Русия ишчи ва деҳқони Русияда буюк ва жаҳон инқилоби ясадилар. Бутун дунё ишчиларини бу инқилобга чақирадирлар. Русияда бир инқилоб умиди ҳам ўсажак ва бутун Шарқ миллати бундан ибраб олиб, бу инқилобга қўлларин узатсанлар.

Амин бўлингизки, бир қардош, бир дўст, бир муттафиқ каби бу инқилобни олиб борсақ, бутун дунёда империалист ва буржуазия олами маҳв бўлажақдир.

Ўртоқлар! Англиянинг Лойт Жорже, Франциянинг Климансури, Русия фуқаросининг қонин ичмак истадилар. Роҳат бўлмаларин-да юмшоқ столларда ўтириб Русия масъаласини ҳал этмак бўладирлар.

Локин шуни унумасқа керакки, на Инглиз ва на Франсия Русия масъаласин ҳал эта олмаяжак.

Балки Шарқ эллари қурултойиндан сўнгра бу ерга келган вакиллар ватанларина қайтиб, бу ерда чиқардигимиз қарорларини таратқандан сўнг биз Антанта масъаласини ҳал этажакмиз. (олқиши)

Ўртоқлар! Ман ўзим кўп ижтимоларда, кўп мажлисларда бўлдим; кўп мажлисларни идо-

ра этдим. Ҳеч ерда бу каби муҳташам, муazzам бир тан каби бир дил, бир фикр ҳеч бир мажлис кўрмадим. Маълумдирки, сизнинг мундай бир фикрда ишларингизнинг сабаби маълумдир. Сизнинг мундай фикрда ишловингизнинг сабаби будирки, бир дардга мутталосиз ҳаммангиз ўз дардингиз давосин изладингиз. Бу буюк қурултойнинг натижалариндан бириси бу бўладирки, Боку шаҳарининг ўзингиз сиёсий Макка ва Мадина ихтиёр этиб, бу ерни марказ қарор бердингиз. Мундан буён дунёнинг ҳар томониндан Шарқ эллари Бокуға келиб дардлашажаклар ва дардларига чоралар излайжаклар.

Бизим бу қурултойимизда уч муҳум масала ҳал қилинди.

Буларнинг биринчиси ер ва сув масаласидир. Бу хусусинда бир неча киши изоҳот берди. Нихоят бу масъала меҳнаткашларнинг тилагича ҳал бўлди.

Иккинчи масъалага милияят ва мустамлакот масъаласи эди. Бу масъалада мазлумларнинг тилагига мувофиқ бир суратда ҳал бўлинди. Бу вақтқача мустамлака европаликлар учун бир боғ, бир фабрика ва айни замонда бир манбаи ҳаёти моддия бўлиб, сармоядорлар, жаҳонгирлар, мустамлака ҳисобина кайфи сафо этуб келдилар. Ҳолбуки, дунёда сармоядор ва ҳам инглизларнинг бутун оғирликлари ерли ҳалқ устига тушур эди.

Ҳозир шўро давринда мустамлака сўзи ҳеч йўқдир. Шўро ҳукуматинда ўртоғлиқ, тўғрилик, текислик бордир.

Бу масала .... ила алоқадор бўлароқ Шарқ элларинда, айниқса, шўролар қурулиши билан машғул бўлған ерларда ҳалқ орасинда бир турли эътимодсизлик<sup>1</sup> бордир. Бунда ҳаққингиз бор. Чунки шўролар малакатларинда, масалан, Туркистонда баъзи фитначилар, баъзи мустамлакачилар эски Николай сиёсатин юрутувчилар бирдирки, алар ўз ҳаракатлари билан ерли ҳалқнинг норозилиқ, эътиroz ва нафратига сабаб бўлурлар.

Ўртоқлар!

Мундан неча йиллар илгари ҳам меҳнаткашлар Русия қаршисиға чиққан замонда

<sup>1</sup> Ишончсизлик.



рус қўшинлари аларни тўхтатмоқда бориб фуқароға қилған ваҳшийликларини машҳур рус адиби Шертистан: «Рус қўшинларининг Туркистондаги ваҳшийликларини, ҳақсизликларини ва умумият-ла ҳаракатларини кўрганда инсон рус бўлмоқдан уялур», – деб ёзган эди.

Шўролар ҳукуматининг идораларинда ва коммунистлар орасинда шундай ҳаракатлар кўрилгач, юзинг қизармасдан мумкин эмас. Мен бу ерда ўзимни рус биродарларимга Руслардан ишларинг учун юборилған ишчиларга қаратиб айтаманки, биз, коммунистлар, учун руслар, гайрируслар йўқдир, мундайин ёмон ҳаракатларда бўлғанларга йўл бермангиз, чунки алар ўз ҳаракатлари билан ерли халқларга жафо қилувмас, коммунизм омолига буюк зарба бердилар. Мунларни орангиздан чиқарингиз, мен ўзим мундайларни битирилуvin

истайман ва бу ерда тантанали суратда сўз бераманки, мундан сўнг ва энди қарасаларки, йўл бермасин, ҳамма бир текис яшасун. Бу каби ёмон ҳаракатларни олди олунурга тейишли. Сиз ҳам ерингизга қайтқандан сўнг у ердаги ишчиларға дехқонларға бу ерда кўриб, эшитган нарсаларингизни баён этингиз. Билдирингизки, Шарқ оламини яшатмоқ учун Бокуда бир маркази шўро таъсис этилгандур. (қаттиқ олқиши)

Ўртоқ Зиновьевнинг шу нутқидан сўнг Шарқ элларининг биринчи қурултойи музиканинг интернационал қўйлари чолуви ҳам вакилларнинг интернасионал ўқуви билан кечаси соат 11:00 да ёпиладир. Қурултой ёпилғач, вакилларға учинчи байналмилалнинг иккинчи конференсиясининг шакиллари (синемоси) кўрсатилар.



# ЭЛЧИ АБДУРАҲИМ ЮСУФЗОДА ФАОЛИЯТИДАН

А.Маҳкамов, магистр

«Водийнома»нинг 2021 йил 4-сонида «Андижонлик дипломат Абдураҳим Юсуфзода – қатағон қурбони» номли мақола эълон қилинган эди. Қўйида Абдураҳим Юсуфзоданинг Кобул ва Москвадаги фаолияти ҳақидаги айrim ҳужжатлар ва материалларни келтирмоқдамиз.

**Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси раиси ва Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси ташқи ишлар вазирининг Афғонистон ташқи ишлар министри Маҳмуд Тарзийга нотаси**

1921 йил 6 январь

Афғонистон мустақил давлати ташқи ишлар вазири жаноби олийлари, шарафли генерал Маҳмуд Тарзийга. 1299 йилнинг 12 ақраб ойидаги хабарномангизни 17 декабрда олдим ва ёш республикамизга билдирган биродарлик ҳамда яхши қўшничилик туйғуларингиздан чуқур мамнунлигимга ҳукуматим номидан гувоҳлик бераман. Мустақил Бухоро Республикасига муҳтарам генерал Абдул Ҳодийхон бошчилигидаги Афғонистон давлатининг элчиси келиши билан сабиқ Афғонистон элчиси Абду Шукурхоннинг хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келган барча тушунмовчиликларга ойдинлик киритилади ва Бухоро ҳукуматининг асрлар давомида золим зулмидан озод бўлган ҳалқидан олижаноб ва қаҳрамон Афғонистон ҳалқига чин қалбдан икки олий давлат ўртасида қўшничилик ва абадий бузилмас дўстлик ўрнатилади.

Икки олий давлат ўртасида яқин дўстлик ришталарини ўрнатиш мақсадида менинг ҳукуматим Афғонистонга олижаноб фуқаро

мударрис Абдураҳим Юсуф бошчилигидаги фавқулодда элчинонани юбормоқда. Шу билан бирга, шуни маълум қилишни лозим деб биламанки, сабиқ Бухоро амирлиги ҳукуматининг Афғонистондаги вакили Карим Ҳабибулла Тўқосба ҳозирда ваколатларидан маҳрум қилинган, шу сабабли унинг барча баёнотлари ва вакилларини ҳақиқий эмас деб хисоблансан.

Ҳукуматим номидан ва озодликка эришган бухороликлар номидан олижаноб мустақил Афғонистон Шарқнинг мазлум ҳалқларини озод қилиш йўлида қонхўр инглиз империализмига қарши курашида мустақил бухороликларнинг ҳақиқий иттилоғчиси бўлишига қатъий ишонч билдираман. Муҳтарам генерал, Сизга ва озод ва мустақил Афғонистон давлатига бўлган самимий ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Раби-ус-соний ойининг 25-куни 1339 йил.<sup>1</sup>

Ҳалқ Нозирлари Кенгаши раиси ва Мустақил Бухоро Совет Ҳалқ Республикаси ташқи ишлар нозири Файзулла Хўжаев<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Милодий 1921 йил 6 январь.

<sup>2</sup> Документы внешней политики СССР. – Москва: Государственное издательство политической литературы, 1963. Том седьмой. – С.449 – 450.



## 1921 йил 9 январда Маҳмуд Тарзий Я.З.Сурица орқали Бухоро Республикаси ташқи ишлар вазирига қўйидаги жавоб нотасини юборади:

«Муқаддас Бухоро ташқи ишлар вазири Файзулла Хўжаев жаноби олийларининг шу ойнинг 18-кунидаги жўнатилган махсус мактуби Ташқи ишлар вазирлигига қабул қилинди. Унда дўстлик, ҳурмат ва иттифоқ ришталарининг мустаҳкамланиши ҳамда мударрис Абдураҳим Юсуф бошчилигидаги Муқаддас Бухоро ҳукуматига қарашли Фавқулодда элчихонасининг Кобулга жўнатилгани эълон қилинади. Бу менинг қувончимга сабаб бўлди. Ҳукуматимнинг Ташқи ишлар вазирлиги Бухоро ташқи ишлар вазирига Афғонистон Олий Давлати марказидаги Фавқулодда элчихонасига розилик бериш ҳақидаги саволга жавобни радиотелеграф орқали жўнатиб, Сиз ҳурматли дўстимни безовта қилмоқдаман. Бунинг устига, мен муносаб ҳурмат бажо келтираман.<sup>1</sup>

Жаҳонга танилган дипломат, аввал РСФСР, кейин СССР ташқи ишлар халқ комиссари бўлиб ишлаган Г.В.Чичерин 1921 йил декабрида РСФСР Советларининг IX съездидан қилган ҳисббот маъruzасида Абдураҳим Юсуфзодани бир неча бор эслаб ўтган.<sup>2</sup>

## АФГОНИСТОН

... Афғонистоннинг халқаро алоқа доираси ҳам кенгаймоқда. Туркия ҳукумати вакили Абдураҳмонбек Россия орқали Афғонистонга келди (1921 йил март ойининг боши). Бир неча кундан кейин Юсуфзода бошчилигидаги фавқулодда Бухоро миссияси Кобулга келади. Форс билан миссиялар алмашинуви тайёрланмоқда. Инглиз-Ҳиндистон билан кескин ва ҳуқуқий жиҳатдан ноаниқ муносабатларга эга бўлган Россия узоқ йиллар давомида Афғонистон учун Европага ягона ойна сифатида хизмат қилди.

1921 йил 10 марта Бухородан қочган амир зооо кишилик отряд билан Афғонистон чега расидан ўтиб, Ҳиндистонга йўл олади. РСФСРнинг ваколатли вакили ўртоқ Суриц Афғонис-

тоннинг сиёсий муҳожирларга бошпана бериш ҳуқуқини инкор этмаган ҳолда 22 марта шахсий сұхбатида ва кейинчалик Ташқи ишлар вазирлиги билан ёзма хабарномаларида қўйидагилар зарурлигини кўрсатди:

- 1) амирнинг бутун отрядини чегара чизифдан ичкарига олиб ташлаш; 2) уни қуролсизлантириш; 3) амир билан якка шахс сифатида муносабатда бўлиш ва унга курашни давом эттириш учун янги бўлинмаларни ёллашига тўсқинлик қилиш.

Афғонистон ҳукуматининг оғзаки жавобида илгари сурилган барча қоидаларга розилик билдирилиб, 200 нафар қуролли отлиқ аскарлар амир ҳузурида шахсий қўриқчи сифатида қолдирилиб, Афғонистон ҳукумати амирни фақат меҳмон деб билиши таъкидланган. 1921 йил апрель ойида миссиянинг биринчи котиби ўртоқ Розенберг шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги Россия ҳужжати матни билан Кобулга жўнаб кетди.

Афғонистон Бухоро Республикаси билан шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишига кириши (1921 йил июнь) ва ҳар икки томон лойиҳанинг ўзига хос матнини таклиф қилди (Бухоронинг лойиҳаси БХСРнинг Афғонистондаги ваколатли вакили Юсуфзода томонидан; Афғонистоннинг лойиҳаси ташқи ишлар вазири Маҳмуд Тарзий томонидан тузилган).

1921 йилнинг ёз ойларида Кобулда суд ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида кураш бўлиб, июль ва август ойларида кескинликнинг энг юқори чўққисига чиқди. Бу вақтда Британиянинг сер Генри Доббс миссияси Афғонистоннинг ташқи алоқалари устидан Британия назоратини узилкесил ўрнатишни шартноманинг ажралмас шарти қилиб қўйди ва Афғонистоннинг Россия билан алоқалари узилиши ҳақида талабни илгари сурди.

4 кун давом этган ҳар иккала лойиҳа – рус ва афғон лойиҳаларининг ҳар томонлама муҳокамаси натижасида 1921 йил 11 августда мажлис инглизларнинг таклифини рад этди.<sup>3</sup>

<sup>1</sup>Ўша асар. – С.450.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.57.

<sup>3</sup> Документы внешней политики СССР. – Москва: Государственное издательство политической литературы, 1963. Том четвертый. – С.713 – 715; Годовой отчет НКИД IX съезду Советов (1920 – 1921). – Москва, 1921. – С.128.



Амир Омонуллахон 1921 йил 7 августда Ко-булдаги кенгайтирилган Қонунчилик кенгаши-нинг барча аъзолари, маҳаллий ҳинд жамияти делегатлари, руҳонийлар вакиллари, ҳукмрон сулола аъзоларидан иборат кенг вакиллик мажлисини чақирди.

### **БУХОРО СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ**

... 1921 йил 11 январда ўртоқ Сурица орқали Бухоро ҳукумати ва Афғонистон ҳукумати ўртасида дўстона радионота алмашишдан сўнг Юсуфзода бошчилигидаги Бухоро миссияси Кобулга жўнаб кетди.

Миссия Бухоро ҳукуматидан қўйидаги вазифаларни олди: 1) Афғонистон ҳукумати билан савдо шартномасини тузиш бўйича дастлабки музокаралар олиб бориш; 2) Афғонистондаги бухороликларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш; 3) Бухоронинг собиқ дипломатик ваколатхонасини унинг дахлсизлигини кафолатлаган ҳолда қайтаришга эришиш; 4) доимий дипломатик ваколатхоналар алмашинуви бўйича музокаралар олиб бориш.

**Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг ССРдаги муҳтор вакилининг ССР ташқи ишлар ҳалқ комиссари Г.В.Чичеринга мактуби**

1924 йил 3 апрель

Ҳукуматим номидан Сизга шуни маълум қилиш шарафига мұяссар бўлдимки, 1924 йил 27 марта Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматига Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси ўртасида ўрнатилган қардошлик муносабатларига ва уларнинг манфаатлари тўлиқ бирдамлигига мувофиқ ушбу ҳалқнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш вакиллигини ўз зиммасига олиш тўғрисидаги илтимосини етказиш шарафига мұяссар бўлдим.

1924 йил 2 – 8 февралда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Британия империяси ҳукуматлари ўртасида бўлиб ўтган нота алмашинуви натижасида кўрсатилган ҳукуматлар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматини де-юре тан олишдан келиб чиқадиган барча масалалар юзасидан ҳамда юқорида кўрсатилган масалалар орасида Марказий Осиёдаги вазиятни тартибга солиш масаласи пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси қабул қиласди:

1. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматига Буюк Британия ҳукумати билан бўлажак музокараларда Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг ҳалқаро муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ барча масалалар ҳамда Ўрта Осиёда бундай музокаралар натижасида юзага келиши мумкин бўлган барча ҳалқаро конвенциялар, битимлар ва бошқа ҳужжатларни Бухоро Совет Ҳалқ Республикаси номидан имзолаш ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати берилсин, токи бу ҳужжатлар Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси конституциясига мувофиқ бўлиши, ушбу ишлар конституцияда белгиланган тартибда ратификация қилиниши шарт.

2. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматига олдинги бандда кўрсатилган ваколатлар тўғрисида хабарнома билан мурожаат қилинсин ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси ўртасида ўрнатилган биродарлик муносабатларига мувофиқ ҳамда уларнинг манфаат бирдамлиги туфайли Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига вакиллик қилишини ўз зиммасига олиши сўралсин.

Юқорида айтилганларни рўёбга чиқариш учун мен Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматига Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси ўртасида ўрнатилган қардошлик муносабатларига ва уларнинг манфаатлари тўлиқ бирдамлигига мувофиқ ушбу ҳалқнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш вакиллигини ўз зиммасига олиш тўғрисидаги илтимосини етказиш шарафига мұяссар бўлдим.

Илтимос, ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилинг. Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг



«Севзапкино» ва  
Бухоро ҳалқ маорифи  
вазирлигининг  
бирлашган кино жамияти  
ташқилотчиси Абдураҳим  
Юсуфзода миллӣ  
либосда. Москва, 1924 йил



Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати ҳузуридаги мухтор вакили Юсуфзода.<sup>1</sup>



Бухкинони ташкил этиш түғрисидаги шартнома имзолангандан сүнг. Биринчи қаторда чапдан ўнгга М.Ефремов, Юсуфзода, тұрттынчиси С.Поссельский – «Севзапкино» хроникасы Москва бўлими мудири, иккинчи қаторда И.Хмельницкий – «Севзапкино»нинг Москва илмий-тарбибот бўлими мудири

### Совет матбуотининг Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси советларининг V съезди қарорлари ҳақида ахбороти

1924 йил 5 октябрь

Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг масъул вакили ўртоқ Юсуфзода ўртоқ Чичеринга Эски Бухорода жорий йилнинг 18 – 20 сентябрида бўлиб ўтган Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси советларининг бешинчи съезди қарорлари ҳақида нота тақдим этди.

Қурултойнинг биринчи қарори Бухоро Ҳалқ Совет Республикасини социалистик республикага ўзgartириб, кейинчалик Бухоро Совет Социалистик Республикаси деб қайта номлашга оидdir. Сўнг қурултой Бухоро, Хоразм ва Туркистон Республикалари ҳукуматлари ўртасидаги келишувга асосан Ўрта Осиёда истиқомат қилаётган халқлар миллий белгиларга асосан

ҳудудий чегаралиниши ҳамда ушбу чегараланишда ҳудуди асосан туркманлардан иборат ерлар янгидан ташкил этилаётган Туркманистон Республикасига киритилиши; ўзбеклар кўп яшайдиган ҳудудлар ва тожиклар истиқомат қиласиган ҳудудларни автономлик ҳуқуқи асосида Ўзбекистон ССР таркибига киритиш истагини билдирилар. Ўзбекистон ССР шаклланиб бўлгач, Иттифоқ аъзоси сифатида СССР таркибига кириши лозим.

Ушбу қарорлар V қурултой томонидан якдиллик билан қабул қилинди.

Нотада қайд этилишича, ССР Иттифоқи ўз таркибига янги ташкил этилган республикаларни киритар экан, уларнинг мустақил яшашларини ҳамда миллий, сиёсий ва турмуш шароитларидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг маданий-маърифий ривожланишини таъминлайди.

Ўртоқ Чичерин СССР меҳнаткашлари ва БССР меҳнаткашлари ўртасида сиёсий ва ҳўжалик иттифоқи мустаҳкамланишини англатувчи V қурултой томонидан қабул қилинган қарорларни СССР ҳукуматига етказишдан хурсанд эканлигини айтиб жавоб берди.

Ўрта Осиё янги республикаларининг ССР Иттифоқи таркибига кириши СССР пролетариатининг Шарқ меҳнаткашлари билан биргаликда жаҳон империализмiga қарши курашида янги босқич ҳисобланади. Ушбу ҳолат СССР ва Шарқ меҳнаткашлари мутлақо яқдил мақсадда эканлигини билдиради.

Нота тақдим этилганидан сўнг ўртоқ Чичерин билан делегация аъзолари ўртасида шахсий сұхбат бўлиб, унда ҳудудий чегараланиши ва БХСРнинг БССРга ўзgartирилиши ҳақидаги масалаларга тўхтаб ўтилди.<sup>2</sup>

«Известия» газетаси. 1924 йил 5 октябрь.

<sup>1</sup> Документы внешней политики СССР. – Москва: Государственное издательство политической литературы, 1963. Том седьмой. – С.175 – 176.

<sup>2</sup> Документы внешней политики СССР. – Москва: Государственное издательство политической литературы, 1963. Том седьмой. – С.474 – 475; Известия. 1924 г. 5 октября.



# ЧҮЛПОН ТАҲРИРИДАН ЎТГАН ШЕЪР: «ГАЗЕТ ЧИҚДИ, ЙЎЛДОШЛАР!»

Рустамбек Шамсутдинов, Шуҳрат Қаҳҳоров

«Водийнома» журналининг 2021 йил 4-сонида ЧҮЛПОН ва МАТБУОТЧИЛИК рукни остида Абдулҳамид Чүлпон ва унинг маслақдошлари Абдулҳай Тоҷиев, Боис Қориевлардан иборат таҳририят жамоаси томонидан араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида нашр этилган «Дархон» газетасининг 1-, 2- ва 3-сонлари журналхонлар ҳукмига ҳавола қилинган эди. Албатта, газета материалларини ҳозирги ёзувдаги қайта нашрга тайёрлар эканмиз, юртимиз тарихи ва ундаги воқелик билан алоқадор бўлмаган хориж хабарларига доир материалларнинг қисқача мазмунини баён қилиш билан чеклангандик. Энди хабар ва маълумотларни тўлалигича, газетанинг тили ва баён услубини сақлаб қолган ҳолда беришга қарор қилдик. «Водийнома» журналининг мазкур сонида «Дархон» газетасининг навбатдаги 4-сони материалларини чоп этмоқдамиз. Ўйлаймизки, Ўзбекистон тарихи, адабиёт тарихи, ўзбек тили тарихи, матбуотчилик тарихи бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар учун ушбу мўъжаз ишимиз бирламчи манба бўлиб хизмат қиласи.

Оташин адаб Абдулҳамид Чүлпоннинг Андижондаги матбуотчилик фаолияти Туркистон Марказий Ижроқўмининг топширифи билан 1923 йилда ташкил этилган «Дархон» газетасида давом этди. Бизга маълум бўлишича, мазкур газета 1923 йилнинг 27 июнь чоршанба (1-сон) кунидан то 29 август чоршанба (сўнгги 17-сон) кунига қадар нашр этилган. «Дархон» газетаси гарчи «Андижон шаҳар ва уез инқилоб-ҳарб шўроси ва инқилоб қўмитасининг фикр тарқатувчиси» бўлса-да, унинг мазмун-мундарижаси сиёсий-ижтимоий «буюртма» материаллардангина иборат бўлмаган, албатта. Чунончи, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, адабиёт

мавзуларидаги материаллар ҳам газета саҳи-фаларида босилиб турган.

Абдулҳамид Чүлпон газетанинг биринчи сонидаёқ Фарғона ҳаётидан деган изоҳ билан «Сени кўб кўрмасун» номли ўта оғир драматизм ва фожиа билан йўғрилган ҳикоясини чоп этди.<sup>1</sup> Ҳикояда совет инқилобигача «рўзгори яхши, тинч, бир хилгина ўтуб турган» оддий бир оиланинг тўнтаришдан кейинги йилларда бошига тушган фожиа тасвирланган. Бадиий асар қонуниятларидан биламизки, асардаги воқеалар тизмасида нима бўлгани эмас, балки муаллиф ушбу композиция ортида нима демоқчи бўлгани муҳим. Бизнингча, Чүлпон шу кичик оила тақдирли мисолида юрт ва миллат бошига тушган оғир кунлар изтиробини тасвирлайди. Бадиий асарда ҳеч бир деталь шунчаки танланмайди, хусусан, муаллиф 17 яшар ўспирин йигитлик давридаёқ «Адабиёт надир?» номли мақоласида: «Адабиёт яшаса – миллат яшар», – дея адабиётнинг бадиий, эстетик, гоявий вазифаларини лўнда қилиб, мукаммал изоҳлаб берган Чүлпон бўлса, унда тасодифларга ўрин йўқ, албатта.

Газетанинг иккинчи сонида ҳам адабининг «Тўй чиқиб қолди!»<sup>2</sup> номли мўъжазгина ҳикояси босилади. Ҳикояда келтирилишича, тун қоронғисида маҳалладан ўтиб кетаётган «келин тушди»нинг шовқин-сурони одамлар наздида юртда тинчликнинг ўрнатилганидан деган хуносани беради.

«Дархон»нинг 4-сонида ҳам адабиёт рукни бор. Газетанинг 2-бетида «Газет чиқди, йўлдошлар!» номли 14 мисрадан иборат шеър бо-

<sup>1</sup> Қаранг: Водийнома. 2021. №4. – Б. 77

<sup>2</sup> Ўша ерда. – Б. 84

силган. Шеърга Кетманқұл деб имзо қўйилған. Ҳозирча ушбу тахаллус кимга тегишли экани аниқланганича йўқ. Қўлимизда факт-маълумотлар бўлмагани учун ҳозирча Чўлпонга оид ҳам дея олмаймиз. «Дархон» газетасида Чўлпон билан бирга хизмат қилган Боис Қориевнинг «Адабий тахаллуслар ҳақида» номли мақоласида<sup>1</sup> ҳам мазкур тахаллусни учратмадик. Бироқ муаллифи ким бўлса-да, ушбу шеър шоир Чўлпон таҳриридан ўтгани муқаррар. Кейинги

келтирилган. Шунингдек, «Андижон шаҳри янгиликлари», «Вақф масаласи», «Шикоят маҳкамасида» номли материаллар босилган. Газетанинг сўнгги 4-саҳифасида Қишлоқларимиз рукнида кичик-кичик хабарлар ва Москвада бўладиган виставкага тайёргарлик масаласига бағишиланган материал босилган.

Қуйида «Дархон» газетаси 4-сонининг табдил вариантини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этамиз.

برلەشىز، بۇتون دۇنبا يوقسۇللارى!	
بو ساندالا.	ئەندىيغان شاھىر وە تۈپىز
- ئېنىچى اپىزىزە مەسىكەۋىشىدەم رېدە بۇتون روسييە مەركەزى اچارا فۆرمىنەك ايڭىچى عومۇمى ماجلىسى آچىدى.	انقلاب - حىرب شوراسى وە انقلاب قۇمبىتسىنىڭ فيكىر زارانقۇچىسى
شىكايىت مەتكەمىسىنىڭ فەنەن اشلەر يەمن جىساب.	آرسىس: Андижан, типограф. госиздэта редакция газеты „ДАРХАН“
پەنچىشەنە	ئەندىيغاندا حازىرغا ھېقىنەدە ۳-۲ مارت نىزە چىقا تۈرخان سېلىس وە اجتماعىي گەزىنەر.

نهندیجانده حازرغا هدفندده ۳-۲ هارته به چیقا توئرخان  
سیلیسی وه اجتماعی گمزیندەر.

حست ای ملکه رده

نللہ ساناج کھتھ بولماقچی

العنوان في قلاد.

ЛАРХОН 1923 ЙИЛ 5 ИЮЛЬ 4-СОН

ایشمنی دیک.

باسم‌چلار کوچیناڭ كوب بىرى سەرسان بولۇپ قايىسى تىشكىگە ولغان ئەندىجان اوپىزىدە باسم‌چلارغا باشلارىنى تېقشىن بلەدى سەرا سىيمە داشى اپلەن قىلىنغان فاتنەم كورمىش، بولۇپ فالىدلار. يەنە ئۇمۇ، ولگە، خانگە

изланишлар бу хусусда бирор натижа бериши-  
га умил килиб кодамиз.

ИШИМИЗ ЙИРИК

Шеър енгил услугда ёзилган, «Андижонда «Дархон» деб газет чиқди, йўлдошлар» мисраси билан бошланади. Асосан маърифатга чақириувчи, тарғибот ҳарактерига эга.

Биринчи саҳифа, одатдагидек, расмий хабарлардан иборат. «Ишимиз йирик» номли мақолада Қизил күшун билан босмачи уюшмалари орасидаги муросасиз муносабатлар мавзуси кенг ёритилган. Иккинчи саҳифада халқ хўжалиги ва унда музхоналарнинг аҳамияти ҳақида гап кеттган. Учинчи саҳифада эса босмачилик билан кураш мавзусида расмий штаб хабарни

Босмачилар кучининг кўп ери бўлған Андижон уезида босмачиларға қарши эълон қилинган қаттиғ кураш озгина вақт ичидა ўзининг зўр натижаларини кўрсатди. Қизил қўшунларимизнинг тўқтамасдан, тинмасдан босмачиларни қувалашлари унларнинг орасига битмас-туганмас бошбоштоқликларни солиб қўйди.

Аҳмат Полвон ҳам Қозоқбойлар ораларида бўлуб турған қўрқунчли ҳоллардан – ташкилотсизликдан қутулмоқ учун жон талвасасида бирмунча ҳаракат ҳам қилуб боқдилар. Халқни қўрқутмоқ ва йигитларини ушлаб турмоқ учун «қизил аскар 3-4 кунгагина келган, кейин қайтуб кетадир; сизнинг устингизда яна ўзимиз

<sup>1</sup> Қориев Б. Адабий таҳаллуслар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1967. №1. – Б.51 – 58.



қоламиз» деб ёлғон хабарлар тарқатиб ҳам қарадилар.

Локин бир неча мартаба олданиб-олданиб тажриба күрган халқ бу сафар олданмади. Босмачилар билан бўлуб турған бу галги кураш охирги кураш эканлигини жуда яхши тушунуб олди.

Катта қўрбошилар ўз йигитларига: «Хукуматга қўшулсангиз сўйман, ўлдираман», – деб қўркутмоқчи бўлсалар ҳам, майда қўрбоши ва йигитлар бизнинг томонга ўтуб турадирлар. Ярашмоқдан бошқа илож йўқлигини англаған йигитларнинг бизнинг томонга кўчуб, қурол топширишлари кундан-кун қўпаймақдадир-ким, бу-да табиий ҳолга киргандай бўлуб қолди.

Бунинг орқасида бундан бир неча кунгина илгари бир неча дабдабаларга молик бўлған босмачилар ҳозир 3-4 тадан бўлуб, чакана ўғри ҳолини олдилар.

Шунинг учундирким, унлар ҳозирда қизил қўшунга рўбарў келолмасдан, сарсон бўлуб, қайси тешикга бошларини тиқиши билмай, саросима бўлуб қолдилар. Яна аввалги ҳолга қайтиш орзусидан ҳам умидларини уздилар.

Ҳозирги кунда уезда тинчлиқ рўй бериб қолди. Инқилоб қўмиталари тузулмаган қишлоқ ҳам қолмади. Халқ ҳам ҳукуматга қаттиғ сяялган ҳолда босмачиларни айтиб беришга киришиб турадир. Демак, озғина миддат ичида қатъий курашнинг берган натижалари буюқдир.

Локин аҳвол шундай, ишимиз йирик бўлса ҳам, ҳали бу самара биз учун оз. То босмачилар томиридан қурутулмағунча курашдан тўқташ мумкин эмас.

«Босмачиларни бу йил ёз битирамиз!» деган шиордан мақсад ҳам унларни қочирибги-на қўя қолиш эмас, битта ҳам қолдирмаслиқ-дир. Босмачиларни бу йил албатта битирамиз деганимизнинг сабаби босмачилар ҳаракати беш йил бўлуб қолғанлиги ва бунга ҳаражат ва кучни кўб сарф қилинганини эмас, балки бу ҳаракатнинг хўжалиқ ишларимизни йўлга қўйушқа ва деҳқонларимизнинг аҳволини ту-затишга йўл қўймаслиғидир. Шундай бўлғандан кейин, албатта, бу йил йўқотиш лозим келадир. Бунинг учун қўшун ва халқ биргаллашиб ҳаракат қилиб турса, босмачилар ваҳшатидан кутулуш узоқ эмасдир.

Қизил қўшун ҳам Андижон уезида босмачилар сонини йўққа чиқармағунча қўймас. Чунки Андижонни тозалаш бошқа жойдағи босмачиларға ҳам зўр келиш демакдир.

#### ЧЕТ ЭЛЛАРДА

*Бу бўлимда Европа газеталарининг янги тузулган шўролар ҳукуматида бўлаётган иқтисодий ўзгаришлар ҳақидаги хабарлар; Франция томонидан оккупация қилинган Германиянинг Рур вилоятидаги нотинч ҳолатлар ҳақидаги хабар; АҚШда президентлик сайловида автомобилсозлик саноати пешқадами бўлган Ҳенри Форднинг ўз номзодини қўйгани ва оқибатда республикачилар орасида юзага келган саросима ҳақидаги хабар; шунингдек, АҚШ ва Япониянинг денгиз ҳарбий кучларини кучайтириши йўлидаги ҳаракатлари ва харажатлари ҳақидаги хабарлар ўрин олган.*

(2-бет)

Адабиёт:

**Газет чиқди, йўлдошлар!**

Андижонда «Дарҳон» деб газет чиқди, йўлдошлар,  
Ўқуш-билим кўпайса, камиб қолур авбошлар<sup>1</sup>.

Газетани ҳар кимга ўқуб туруш лозимдир,  
Маълум бўлур дунёда бўлуб турған кенгашлар.

Қаю элнинг мактаби, газетаси кўпайса,  
Узоқ яшар, тинч яшар, қадри ошар, қардошлар.

<sup>1</sup> Безори, бевош.



Ёзуб турсун газетта қалам тутқан ўртоқлар,  
Гулзор бўлур қаламнинг кўз ёшидан тоғ-тошлар.

Узоқ зомон Фарғона қаттиғ кунлар кечирди,  
Виждони бор инсонлар тўкуб турди кўз ёшлар.

Эмди умид ипини ушлаб турсақ ўрунлик,  
Алдамчилар фитнаси яқин бўлди тарқашлар.

Эл кўб еди калтакни, пишди боши (кетман қўл),  
Энди енгни шимарлаб лозим ишга чирмашлар.

Кетманқул

### Аҳамиятлик мажлис

*Мазкур мақолада 29 июнда Москвада Бутун-  
россия Марказий Ижроқўмининг иккинчи уму-  
мий мажлиси очилгани ва унда кўрилган маъму-  
рий бошқарув, молиявий ва адлия масалалари  
ҳақида «Известия» газетасидан олинган маъ-  
лумотларга асосланниб хабар берилади.*

### ЎЛКАМИЗДА Музхоналар

Ҳар хил мева, сабзовот, балиқ, гўшт каби нарсаларни бузулишдан сақлаш ва шул ишларни Туркистон жумҳуриятида тараққий қилдириш учун музхоналар қўмитаси тузулиб, ишга киришди. Қўмитага ҳукumat ва калиратиф муассасалари, хусусий кишилар, илмий жамъийятлар ва бошқа ҳар бир ташкилотлар аъзо бўлиб кирадирлар.

Туркистонда ёз мавсими жуда узоқ бўлиб, ҳово жуда иссиқ бўлғанлиғи сабаблик овқат нарсаларини бузулишдан сақлаш жуда катта аҳамиятка молиқдир. Шунинг учун жумҳуриятнинг ҳар бир жойида музхоналарни кўпайтиш ва уни бажариш учун шундай бир ширкатга эҳтиёж катта эди, темир йўлларда муз вағўнлари кўб, қўмита мол юргизишда улардан фойдаланадир. Қўмита биринчи навбатда боғонлар, боқчачилар, балиқчилар, қассоблар ва бутун қишлоқ ҳалқи ўртасида шул ишни тараққий қилдириш тўғрисида ташвиқот бошлайдир. Қўмита (матнда узилиши) қилдириб, озиқ нарсаларини яхши сақлаған ва шимолий салқин музофотларни таъмин қилған, Австролия,

Янги Зелондия, Аржантин<sup>1</sup> ва бошқа давлатлар каби иссиқ мамлакатлардаги тажриба билан фойдаланадир.

Туркистонда озиқ нарсалари кўб етишадир; уларни бузулишдан сақлаш учун музхоналар албатта лозим эди. Мана шунинг натижасида Туркистон ҳам Россия ҳатто чет эл бозорларини ўз нарсалари билан тўлдириб, савдо ишларини тараққий қилдира олур.

Лексиялар, маърузалар ўқутиш, газеталарда маълумот бериш йўли билан Туркистон музхоналар қўмитаси зироат ишлари учун сугориш ишлари қандай аҳамиятлик бўлса, озиқ нарсаларини сақлаш учун музхоналарнинг ҳам шунча аҳамиятга молик эканлигини ҳалқфа тушунтира олур.

Қўмитанинг адреси: Тошкантда Эржар кўчаси зо-сон уйда, Зироат камисарлиги биносида. Қўмитанинг раиси зироат камисар (матнда узилиши).

(«Т»)

Фирқа турмуши

### Фирқа иши кучайдир

Яқинда Андижон эски шаҳарида фирқа аъзоларининг умумий мажлиси бўлуб ўтди. Мажлисда кўрулган масъалалардан бири эски шаҳардаги ячейкани тартибга солув эди.

Бу масъала кўрулгандан кейин шундай қарорга келинди. Уез ва шаҳар мелиса идораси олдидаги бирлашган ячейка бўлиниб, мелитсага тейишли ячейка ўзига алоҳида қилуб қолдирилди. Бошқа ишда бўлған фирмә аъзолари

<sup>1</sup> Аргентина.



учун ҳам алоҳида ячейка тузулди. Фирқани қишлоқ ҳўжалиғига таъсири бўлуб турсун учун кейинги ячейкани қўшчилар союзи олдида бўлуви маъқул кўрулди. Бу ячейкага идора аъзалиғига Ҳаким Хўжаеф, Ҳолботириф ҳам Шокириф ўртоқлар сайландилар. Мажлис кунлари тўғрисида сўзлашилуб, фирмә умумий мажлиси сешанба куни, фирмәли ва фирмәсизлар билан бўладурған мажлис душанба куни бўлсун деб қарор берилди.

Мелисадан бошқа ерда ишлагути ва бўлак шаҳарлардан келган коммунистлар қўшчилар союзидаги ячейкага боруб рўйхатга ўтсунлар деб қарор чиқарилди. Мажлис охирида ўртоқ Алихўжаеф, Андижонда фирмәни эски вақтда кечирган ва ҳозирги вақтда кечириб келаёткан аҳволларидан маълумот бериб, фирмә орасида бўлиши лозим бўлған интизом ҳакида бирмунча сўзлар сўзлаб, фирмә аъзоларини интизомлик бўлишга чақирди. Ўртоқ Алихўжаефнинг қылған даққадини мажлис олқишилар билан қарши олди.

Мажлис ёпилғандан кейин фирмә аъзоларининг рухлари кўтарилганлиги кўрунуб турар эди. фирмә аъзолари ҳатто бирмунча вақт мажлис бўлған бино олдидан музокара қила-қила тарқалишидилар.

А.Содиқий

(З-бет)

## БОСМАЧИЛИҚ БИЛАН КУРАШ

### Иштаб хабари (зо нчи июн)

– Икки босмачи бизга топширилди<sup>1</sup>. Буларнинг бири Боймат қўрбошидир. Қозоқбойнинг уч йигити, бошқа қўрбошилардан яна икки йигит топширилди.

– 6 милтиқ, 2 берданка<sup>2</sup>, 263 ўқ, 1 қилич, 2 топонча, 7 топонча ўқи олинди.

– 4 босмачи ўлдирилди.

### (1 нчи июнь<sup>3</sup>)

– 2 босмачи ўлдирилди.

– Отажон қўрбошининг ҳўжалиқ мудири ту туб олинди, яна бир босмачи тутулди.

– 4 йигит топширилди.

– 2 милтиқ, 1 топонча, 2 от топширилди.

<sup>1</sup> Кўлга олинди маъносида.

<sup>2</sup> Милтиқ тури.

<sup>3</sup> Бизнингча, июнь эмас, июль бўлиши керак.

## АНДИЖОНДА

### Ишчилар босмачиларга қарши

29 нчи июнда эски шаҳар олача бобларининг умумий мажлиси бўлди. Мажлис босмачилар билан курашиш тўғрисида ўртоқ Алихўжаефнинг маърузасини эшиткандан сўнг яшириниб ётқан босмачиларни ҳукуматка билдиримак йўли билан Фарғонанинг тинчланишига ёрдам қилмоққа ва босмачилар билан фидокорона курашиб ётқан қизил қўшунни олқишиламоққа қарор берди.

## ЯНГИ МАКТАБЛАР

Маориф шуъбаси томонидан шаҳарнинг Олойлиқ ва Қирлиқ ройўнлариға биттадан иккита саводсизлиқ мактаби, иккита болалар учун (сўз ўқилмади) мактаб очилди.

## Ишчилар асрашка<sup>4</sup> ёзиладирлар

Яқинда бўлуб ўткан ош пиширгучилар мажлисида, ҳамма устакорларни ижтимоий асраш (истархования) га ёздиришқа қарор берилган.

## ЎЗБЕК ТИЛИ ҚУРСЛАРИ

Андижон касаба иттифоқлари буйуроси ёнида овруполи ишчилар учун ўзбек тили курслари очиладир.

## ҲАРБ-ИНҚИЛОБ МАҲКАМАЛАРИДА

Босмачиларга қарши узул-кесил кураш бошланғандан бери Андижон ройўнида ҳарб-инқиlob жазо маҳкамасининг икки ҳайъати ишлаб турадир. Ишлари фақат босмачиликка алоқадор ишлардир.

Икки ҳайъат томонидан ҳозирғача босмачи ва унинг ёрдамчиларидан 32 кишига ҳукм қилинди. Булардан 16 таси отилишқа, қолғанлари турлук миддат билан қамаққа ҳукм қилинди.

## БОШҚАРМАДАН

Жўра Давронифга – Сизнинг бир хабаринизни бу нўмирга босдиқ. «Андижон уезларида» деган ёзувингизда янги нарса йўқ. Воқеанинг ўзини қисқа-қисқа ёзиб турмоғингизни сўраймиз.

<sup>4</sup> Суғурта маъносида.



Ҳасанифга – «Деҳқон гапи» деган нарсангиз эскини тақрорлашдан иборат. Қаерда бўлсангиз ҳам ўшал ерда бўлған воқеаларни хабар қилиб ёзишингизни ўтинализ.

Т.Раҳимийга – бошқармаға бир йўлуқуб кетсангиз эди.

«Яхши бўлмади» сарлавҳаси билан ёзғучи ўртоққа – ул тўғрида бир оз текширгандан сўнг яна жовоб ёзармиз.

### Катта электрик истансаси

*Ушибу хабарда Уқраинада Днепр дарёсига қурладиган электр станцияси ҳақида қисқача маълумот берилган.*

### ВАҚФ АТРОФИДА

Бирмунча асрлардан бери бизнинг бутун вақф мулкларимиз бузук ва эгри мутаваллилар қўлида ҳисобсиз-сўроқсиз сарф қилиниб келди.

Инқилобдан сўнг бирмунча вақтлар билгисиз турған вақф мулклари бир вақт ҳукумат томонидан «маҳкамай шаръия»лардан дурустгина ишлагани Тошкент маҳкамаси бўлди. Тошкент маҳкамаси вақф унумларини маориф ишларига оз-кўб ишлатди, мактаб-мадрасаларни тузатдирди, эски мадрасаларни ислоҳ қилди.

Фақат бизнинг Фаргона «маҳкамай шаръия»лари эски мутаваллиларнинг бир жавлонгоҳи бўлди. Айниқса, бизнинг Андижонда вақф пулларини бурунги «маҳкамай шаръия»чилар хўб таладилар. Ҳисоб-китоб вақтида бўйунларига 13000 сўм пул ва 1400 пут ғалла тушуб, ағдарилдилар. Вақфнинг 1922 нчи йилги унуми булар томонидан буткул ийӯқ қилинган. 23 нчи йилнинг июнь ойигача бўлған тушумидан ҳам дарага ийӯқ.

Иш шу ҳолатда экан, Туркистон марказ ижроқўми бир бўйруқ чиқариб, вақф мулкларини тубжой халқнинг маориф ишларига бағишилади. Бунга назорат қилмоқ учун Маориф камисарлиги олдида «Марказ вақф идораси» тузулди. Маҳаллаларда бўлса бу идоранинг шуъбалари очилиб, ишқа киришдилар. Бу шуъбаларнинг иши вақф мулкини мумкин қадар серунум қилиб, тушкан пулни маърифатнинг

инкишофига сарф қилмоқдир. Бу шуъбаларнинг устида доим ҳукуматнинг назорати бордирким, хиёнатга йўл қўйулмас.

Бизнинг Андижон вақф шуъбаси ҳам яқиндағина тузулуб, эндиғина ишларини йўлға солиб келадир. Бурунги «маҳкамай шаръия»нинг ахлатларини зўрга тозалаб бўлди. Иш шу ҳолда экан, ҳалиги вақфни ўз нафсларига қурбон қилмоқчи бўлған зотлар янадан турлук ерларга ариза ёғдира бошлиғанлар. Сўнг вақтларда уларнинг аризабозликлари жиҳдий равишка кирди. Улар замон ва аҳволнинг нозиклигидан фойдаланмакчи бўлдилар. Фақат ул зотлар хато қиладирлар. Вақф мулклари энди мундан нари ғайримасъул шахсларга берилмас. Вақф – тубжой халқнинг маорифи учун. Бу ҳақиқат эсларида бўлсун!

Нақ.

### ШИКОЯТ МАҲКАМАСИДА

Шикоят буйуроси (маҳкамаси)нинг қилған ишлари:

– Тахтакўпрук фуқароларидан Муҳаммад Юсуфжон ўғли ариза бериб, босмачилар томонидан 4 сигир, 3 ҳўкуз, 2 от ва 2 кетмани ўғурланғанлигини, бу нарсалардан 4 сигир билан 2 ҳўкузнинг гарнизўн қўлига тушганини билдириб, чора кўрулушини сўрайдир.

Шикоят буйуроси бу тўғрида тегишлиқ ерларга бўйруқ қилиб, гарнизўндаги молларнинг қайтариб берилишини, қолған молларининг ҳам суруштурилишини сўради.

– Қўчқорлик маҳалла фуқароларининг ўз элликбошилари устидан берган аризалари кўрулуб, элликбоши ўрнидан тушурулуб, иши маҳкамага берилсун ва ўрнига янги киши сайлансун деб тегишлиқ ерларга бўйруқ қилинди.

– Чармгарлар ётоқхонаси мудирининг газетлар ўғирланғанлиғи тўғрисидағи аризаси қаралиб, ўғрилаганларни жазога тортишқа қарор берилди. Ётоқхонадагилар билан бир неча мартаба сухбатлар ясалди.

– Шаҳар фуқароси Раҳмонхўжа ўғли особий отдел вакили Ғанихон устидан бир ариза бериб: «Мени урди ва титиши вақтида нарсаларим йўқалди», – дейдир. Бу ариза текширилгандан сўнг Ғанихонга жазо берилсун деб тегишлиқ

**Оҳ, тинчлиқ!**

27 нчи июнь

ерга буйруқ қилинди. Йўқолған нарсалар ҳозиргача топилғаний йўқ.

– Мансурхўжа ва Собирхўжа деганларнинг титиши (обиска) вақтида нарсалари йўқолғанини тўғрисидағи ишлари; ер-сув жанжали, порахўрлиқдан шикоят ва ҳам Облуқ фуқаросидан бирининг оти аскарлар тарафидан олинғанини тўғрисидағи ишлар ҳақиқат қилиниб турубдир. Натижаси сўнгра маълум қилинур.

(4-бет)

**ҚИШЛОҚЛАРДА**

(Ўз мухбирларимиздан)

**Тинчлиқ бошланди**

Андижон уезида яшайтурған қишлоқ дехқонлари ҳозирги зомонда кўрбошилардан шундай безор бўлғанларким, ҳеч бўлмайдурған!

Бу нима учун? Бунинг сабаби нима?

Қайси бир қишлоққа кўрбошилар тушсалар, у қишлоқ хароб бўлған. Қишлоқ халқининг моли, мулки, ҳатто жони ҳам кўрбошиларники бўлған. Билғанларини қилғанлар, истаганча эзганлар, талағанлар, урганлар, ўлдирғанлар, сўйганлар...

Сабаб шу. Мана шунинг учун халқ бечоранинг, қишлоқи камбағалнинг кўрбошини кўргали кўзи йўқ.

Қишлоқ халқи учун қуённинг уйи минг тилла бўлған! Кеча-кундуз жон сақлаш қайғусида қолғанлар.

Биринчи июндан бошлаб қишлоқларимизга қизил аскарлар чиқа бошлади. Шундан кейин халқ секин-секин жой-жойига келиб, ўрунлашиб, кетманини кўтариб толага кета бошлади. Аскар бор ерда тинч ҳаёт бошланди.

Босмачиларнинг беркиниб ётқанларини халқ ўзи айтиб бераётибдир. Қизил аскарларимиз яна икки-уч ой қишлоқларда қолсалар, «кўрбошилиқ», «босмачилиқ» каби номларни тарихнинг қалин вараклари орасига кўмуб ташламоқ мумкин.

Ана шул вақтдағина ҳукуматни яхши англамаган қишлоқ халқи, меҳнаткаш дехқон ўйлайди; ўйлаб-ўйлаб охирда: «Мана ҳукумат, мана иш, яша!» – дейди. Шуни айтдирмак керак.

Ж.Даврониф

Андижон уези Миробод қишлоғида катта халқ йигини. Тинчлиқ бошланғандан бери халқда ажиб бир руҳ бор. Ул руҳни йигинлардағи турушдан англамоқ мумкин. Халқнинг ул руҳини таржима қилмоқчи бўлсақ, шу биргина оғиз сўз басдир: Оҳ, тинчлиқ!

Йигинда халқ кўб эди. Қизил қўшун ва халқ орасида сиёсий ишларни қилиб юргучи ўртоқ Тостонбек ўғли билимсизлик – жаҳолат тўғрисида таъсирилик бир нутқ сўзлади.

Нутқининг охирида халқни янги мактаб очмоқча таклиф қилди. Таклиф, албатта, бир оғиздан қабул қилинди. Эртаси куни жой топилди, бола йигилди, маориф шўросидан муаллим олинди – болалар ўқумоқча бошладилар.

Шундай қилиб, босмачиларнинг кони бўлған бир ер тинчланиб, мактаб очилди, дехқон болалари билим ўргана бошладилар.

Босмачи йигитлари ҳар кун қизил қўшунга келиб топширилмоқда. Ҳақиқатни тушунмаганлари бўлса, ҳали ҳам қочиб-писиб юрмақда. Халқнинг умиди шулким, бир ойга қолмасдан ҳама босмачи тугаб, қишлоқ; бечора, эзилган қишлоқ тинчланур.

Халқ тинчлиқча кириб келадир. Халқ тинчлиқ бўлаётқанини сезадир. Ул тинчлиқча шу қадар сувсағанким, Фарғонамиз буткул тинчланмай турууб ҳалиги руҳини ташлай олмас. Халқнинг руҳи, аҳволи кеча-кундуз шуни айтиб турадир: Оҳ, тинчлиқ!

М.Юсуф

**БИР НИМАЛАР КЎРСАТАМИЗ**

15 нчи августдан бошлаб Москав шахрида бутун Русия қишлоқ хўжалиги виставкаси (машҳар) очиладир. Бу виставкага шўролар Русиясида яшагучи ҳама халқ ва миллатлар оралашиб, ўзларининг қўлларидан келган барча ҳунар ва ишларини кўрсатадирлар. Виставкага ажнабий мамлакатлар ҳам оралашибдирлар.

Ўшал виставкада Туркистонимизнинг нималар кўрсатиши тўғрисида виставка қўмитаси томонидан чиқарилатурған «Троктўр» газетаси мана мундай ёзадир:



«Виставкада Туркистон жумхурияти зўр ўрун оладир. Бу виставкада Туркистон ўзининг сунъий суратда сугарилатурған ерларида оғир меҳнат билан бўлатурған дехқончилиқни, сувсиз (адирлик) ерларида яна оғир меҳнат билан бўлатурған дехқончилиқни, кўчкимчи элларнинг от-мол боқишини ва ҳам ўтроқ элларнинг маданий равишда от-мол боқишлигини кўрсатгусидир. Туркистон мундан бошқа яна ўзининг энг қиймат ва аҳамиятлик бир маданий экини бўлған Амриқо пахтаси билан шоли – гуруч экинларини кўрсатгусидир.

Туркистон ўзининг саноатини ҳам кўрсата оладир. Ҳеч ерда бу қадар тараққий қилмаған боқчачилиқ, узумчилик, сабзачилик ва ипакчилик ишларини ҳам Туркистон яхши кўрсатса бўладир.

Туркистоннинг энг тўла кўрсата турған нарсаси, албатта, қўй-қўзи тарбиясидир. Бу тўғрида Туркистон илгарилари ер юзи давлатлари орасида 5 нчи бўлуб келган эди. Машҳур қоракўл ишларини ҳам Туркистон кўрсатгусидир.

Туркистон ўзининг қишлоқ хўжалиғи саноатини; пахта чиқариш, қўняқ-вина чиқа-

риш, тери ва ичак ҳосилоти олиш ишларини ҳам кўрсатса мумкинdir. Бунинг билан бирга Туркистон жумхурияти энг бой майдага ҳунар (касбчилик) саноатини ҳам кўрсата оладир. Бу саноат Туркистонда бошқа ҳама шўро жумхуриятларидан ортиқ тараққий қилғандир. Туркистоннинг бу саноат тагида кўрсататурған нарсалари шулардир. Така, ёвмид, ўзбак ва қашқар гиламлари каби ҳар хил гиламлар.

Полос (Шолча) ва кигизлар; газмол қаторига киратурған ҳар хил моллар. Масалан: бўз, без, бекасам, ипак, ипак орқоқ, жун ва ип моллар; мис ва сопол идиш оёқлар (кулоллик); заргарлик, ёғоч йўниш, теридан бўлатурған от абзаллари, сондиқлар, тўн тикиш, арава қилиш, косиблик (ҳар хил оёқ қийимлари), қийматбаҳо нарсалар билан ҳар хил зийнат асбоблари.

### ПОЕЗЛАРНИНГ ҚАТНАШИ

*Поездлар қатновига доир маълумотлар «Дарҳон» газетаси 1923 йил 3 июль 3-сонидаги поездлар қатнови ҳақидаги маълумот билан бир хил (Қаранг: «Водийнома» журнали, 2021 йил, 4-сон).*



# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА ФОНД ИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Сарвар Боймирзаев,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими

Қадимий ёдгорликлардан топилган то-  
пилмалар, осори атиқаларни ўрганиш, сақ-  
лаш ва кенг жамоатчиликка намойиш этиши-  
да Ўзбекистонда фаолият юритаётган музей-  
лар ичидага 350 мингга яқин тарихий осори  
атиқаларга эга Ўзбекистон тарихи давлат  
музейи етакчилик қиласди. Сабаби, ушбу муз-  
еяда бизнинг 1 млн йиллик тарихимиз му-  
жассамлашган. Ушбу музей бу йил ўзининг 145 йиллигини нишонлади. Қарийб бир ярим  
асрлик тарихи мобайнида музей кўплаб си-  
новлардан, босқичлардан ўтиб келган. Музей  
номи, биносининг ўзгариши музей илмий хо-  
димларидан катта масъулият, эҳтиёткорлик  
ва фидойиликни талаб этган. Сабаби, музей  
биноларининг ўзгариши экспонатларни ас-  
раб-авайлаб бошқа бинога кўчиришни талаб  
этади. Ўзбекистон тарихи давлат музейи бун-  
дай кўчиш жараёнларини бир неча бор ўз бо-  
шидан ўтказган. Музейнинг фидойи ходим-  
лари туфайли топилмалар бугунги кунгача  
етиб келган.

Туркистон ўлкасининг ўзига хос табиати,  
ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, қадимий  
тарихий ёдгорликлари, ажойиб этнографик  
материаллари фақат мутахассис олимлар-  
нигина эмас, балки Ўрта Осиёга келган рус  
ҳарбий-маъмурият кишилари ўртасидаги

кўпчиликни ҳам қизиқтирар эди. Шунинг учун айрим шахслар қўлида, шунингдек, айрим муассаса ва жамиятлар ихтиёрида минералогия, зоология, археология, нумизматикага оид ажойиб коллекциялар тўплана бошлиди.<sup>1</sup>

Бу коллекцияларнинг барчасини бир жой-  
га жамлаш илмий жиҳатдан жуда катта аҳа-  
миятга эга эди. Чунки улар Туркистон ўлкаси  
ҳақида муайян тизимли билим берар эди. Тур-  
кистон ўлкасини текширган олим А.П.Фед-  
ченко 1869 йилда Тошкентга биринчи марта  
келгандаёқ бу ерда жамоат музейи очиш ло-  
зимлиги тўғрисида айтиб ўтган. Унинг ташаб-  
буси билан 1870 йилда Ҳаваскор табиатшунос,  
антрополог ва этнографлар жамиятининг  
Туркистон бўлими ташкил этилади. А.П.Фед-  
ченко генерал-губернатор К.П.Кауфманга ёз-  
ган хисботида: «Туркистонни муваффақият-  
ли ривожлантириш учун уни яхши билиш  
керак, бунинг учун эса музей энг яхши восита-  
дир»<sup>2</sup>, – деган эди.

1871 йилда табиатшунос, антрополог ва  
этнографлар (ОЛЕАЭ) ҳаваскорлари жамия-  
тининг Туркистон бўлими мажлисида коллек-

<sup>1</sup> Содиқова Н.С., Буряков Ю.Ф. Тарихий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1963. – Б.8.

<sup>2</sup> MDA. Ф. И-1. оп. 16, д 259, л. 10.



цияларни бир жойда тўплаш ва музей ташкил этиш тўғрисидаги масала иккинчи бор кўтарилади. Бўлим секретари А.П.Федченкога бу масала юзасидан аниқ таклифлар тайёрлаш масаласи юклатилади. Ўрта Осиё олимлар жамияти совети ва ОЛЕАЭ Туркистон бўлимининг 1872 йил 5 январда бўлган қўшма мажлиси ҳам Тошкентда музей очиш масаласига бағишиланади. Лекин Москвада Бутунrossия политехника кўргазмаси ташкил этилиши тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин музей ташкил этиш масаласи кун тартибидаги иккинчи масалага айланиб қолади. Асосий эътибор ушбу кўргазмада Туркистон ўлкасига оид бўлимини ташкил этишга қаратилади, экспонатлар кўрсатилаётган пайтда Туркистон ўлкаси тўғрисида маълумотлар бериш А.П.Федченкога топширилади. Аммо 1873 йилда унинг вафот этиши музей ташкил қилинишини янада ортга суриб юборади. 1872 йилнинг январь ойида Ўрта Осиё жамиятлари ва табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлар жамиятининг қўшма мажлиси бўлиб ўтади. Унда А.Л.Кун томонидан Тошкентда доимий музей ташкил этиш зарурлиги тўғрисида айтиб ўтилади.<sup>1</sup>

Тошкентда яшовчи бир қатор зиёли кишилар (В.Ф.Ошанин, Н.А.Маев, И.И.Краузе, Д.Й.Южаковлар) 1873 йилда Сирдарё вилояти губернаторига Тошкентда музей ташкил этиш тўғрисида яна мурожаат қиласидилар ва бу музейни бир қанча хусусий кишилар қўлида бўлган ва инъом қилинадиган коллекциялар асосида ташкил қилишни таклиф этадилар. Музейни ташкил этиш ташаббусини А.П.Федченко (унинг вафотидан сўнг 1873 йил)нинг дўсти, ипакчилик мактабининг бошлиғи В.Ф.Ошанин ўз қўлига олади ва ўзи бошчилик қиласиётган ипакчилик мактабидан бир нечта хонани музей учун ажратиб беради. Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори, генерал-лей-

тенант Н.Головачев 1876 йил 9 январда музейни комплектлаш масаласи бўйича кенгашга Н.А.Маев, В.Ф.Ошанин, А.И.Вилькинс, Д.Ю.Южаков ва И.И.Краузени таклиф қилди. Кенгашда музей ташкил этилганда: а) геология-география; б) ботаника-зоология; д) этнография-археология; е) қишлоқ хўжалиги ва саноат қаби бўлиминлар бўйича коллекциялар ташкил этишга қарор қилинди.<sup>2</sup> Шундай қилиб, музей очилиши 1876 йил 12 июлгача сурлиб кетди. Музей жуда тез шаклланди. Кейин у Ҳаваскор табиатшунослар жамиятининг Туркистон бўлими аъзолари комитетига раҳбарлик қилувчи Статистика комитети ихтиёрига ўtkазилди. Музей 1877 йилдан бошлаб ана шу комитет раҳбарлигига ишлади. Унинг дастлабки мудири «Туркестанские ведомости» газетасининг собиқ редактори Н.А.Маев давлат томонидан бино берилмаганлиги сабабли экспозицияларни ўз уйига жойлаштириди ва 1878 йилгача бу ер музей вазифасини бажариб турди. Дастлаб музей таъминоти учун хазинадан зоо сўм миқдорида маблағ ажратилди, бундан ташқари, айрим инсонлар томонидан анча-мунча эҳсонлар тушиб турган. Н.А.Маевнинг ҳисоб-китобларига кўра, музей таъминоти учун йилига 1600 сўм маблағ талаб этилган.<sup>3</sup>

Музей 1880 йилда расмийлаштирилади.<sup>4</sup> Лекин бу музей ўша вақтларда музейлар олдига қўйилган талабларга жавоб бера олмас эди. Чунки музей учун зарур бўлган нарсалар тизимли равишда тўпланиб борилмас, унинг экспозициялари тасодифий материаллар билан тўла эди. Расман музейга раҳбарлик қилиш ишлари 5 кишидан иборат маҳсус музей комитетига топширилган бўлса-да, аслида, музейнинг барча иши генерал-губернатор назоратида эди. Музей 1883 йилда узил-кесил

<sup>1</sup> Лунин Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность (конец XIX – начало XX в.). – Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1962. – С.84.

<sup>2</sup> Туркестансие ведомости. 1877. №18.

<sup>4</sup> Содиқова Н.С., Буряков Ю.Ф. Тарихий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1963. – Б.13.



расмийлаштирилди. Бу вақтда халқ кутубхонаси билан бирлаштирилиб, маҳсус бинога кўчирилган ва унга «Туркистон халқ кутубхонаси ва музейи» деб ном берилган.<sup>1</sup>

1886 йилда қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»га кўра Тошкент музейи ва халқ кутубхонаси генерал-губернатор, унинг маҳкамаси, кенгаши ва маҳсус топшириқ олган мансабдоридан иборат ўлка бош бошқармасига бириктириб берилди. Музейнинг қонун билан расмийлаштирилиши унинг расмий давлат муассасасига айланишида сезиларли роль ўйнади. 1888 йили музей устави ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Унда музей ихтисослиги, вазифаси, иш характеристери белгилаб берилди.<sup>2</sup> Уставга мувофиқ музейга геология, ботаника, зоология, этнография, археология, нумизматика, саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича материаллар тўплаш ва сақлаш хукуқи берилди. Музей экспозициялари «Омманинг Ўрта Осиё асарлари билан танишуви ва тўпланган материалларни олимлар ўз соҳалари бўйича ўрганишлари учун» очилди.<sup>3</sup> Уставнинг бу моддаси музей ташкилотчилари унга илмий-оқартув муассасаси сифатида қараганларидан далолат беради. 1896 йил 3 июлда тўғарак аъзоларининг йигилишида кутубхона ва музей коллекцияларини сақлаш учун ҳокимиятдан жой сўраш масаласи кўрилади. 1896 йил 25 октябрда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан «Оқ ўй»дан 2 та катта хона ажратилиши тўғрисида қарор чиқарилади.

1898 йилнинг 16 июлида таъсис этилган Маҳсус комитетга музей ҳам бўйсунар эди. Бироқ орадан олти йил ўтгач, 1904 йилнинг октябрида Маҳсус комитет тарқатиб юборилиб, музей бевосита маҳкамама ҳукмдори ихтиёрига ўтди. 1906 йилнинг 26 августида музей ҳузурида Назорат комитети қайтадан

тузилди. Кутубхона ва музейнинг иш тартиби тасдиқланди ва музей учун ажратилган маблағ бирмунча кўпайтирилди.<sup>4</sup> Музей ва кутубхона учун бино қуриш масаласи кўтарилди. Янгидан келтирилаётган ноёб коллекция, экспонатлар миқдорининг кўплиги бу ишнинг кечиктириб бўлмаслигини тақозо этар эди.

Маданий меросни сақлаш юзасидан совет ҳукумати ишлаб чиққан қатор тадбирлар тизими археология ёдгорликларини сақлаш ва ўрганишни ҳам ўз ичига олган эди. 1918 йилда РСФСР музей ишлари, қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш бош комитети ташкил этилди.

1918 йилнинг 1 июлидан эътиборан аввал Халқ кутубхонасининг бир қисми бўлган музей Туркистон халқ университети ташабbusи билан мустақил муассаса сифатида ажратиб чиқди. Музей ишларини жонлантириш вазифаси Н.А.Зарудний бошлиқ олимлар гуруҳига топширилди. Улар 1918 йилнинг август ойида экспонатларни тизимга солиб, илмий этикеткаларини ишлаб чиқдилар ва сентябрь ойида Туркистон халқ музейи ўз иш фаолиятини бошлади. Янги музейга биринчи марта орнитолог (паррандашунос) Н.А.Зарудний мудир этиб тайинланди. Халқ маорифи комиссарлиги ихтиёрига топширилган бу музей дастлабки йилларда Халқ университети, 1920 йилдан бошлаб эса Давлат университети ҳузурида бўлди ва илмий йўналишлари аниқлаб олинди.

1919 йил 29 августда музейнинг низоми ва дастури тасдиқланди. Туркистон халқ музейи ўлканинг марказий илмий-оқартув муассасаси сифатида таърифланиб, унинг олдига тарих, география, антропология, этнографиядан хабардор қилиш йўли билан халқ оммасига билим бериш, маърифатли қилиш мақсад қилиб қўйилди.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Содикова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. – Тошкент: Фан, 1975. – С.38.

<sup>2</sup> Туркестансие ведомости. 1888. №5.

<sup>3</sup> ЎзМДА, И-1 фонд, 16-рўйхат, 359-иш, 32-варак.

<sup>4</sup> Содикова Н.С. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.43.

<sup>5</sup> ЎзМДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1356-иш, 37 – 38-вараклар.



1919 йилда музейда ишлаган 19 нафар ходимнинг 8 нафари илмий ходим бўлган. Ҳозирги кунда музейда 20 га яқин илмий ходим фаолият юритмоқда. Шундан 3 нафари фан доктори, 5 нафари фан номзоди, 4 нафари фалсафа доктори илмий даражасига эга.

1919 йилнинг февраль ойида шаҳардаги энг яхши бинолардан бири – сабиқ Туркистон генерал губернаторининг резеденцияси – Оқ уй музейга берилиди. Унда янги экспозициялар яратилиб жойлаштирилди. 1921 йил 20 апрелда Маориф ҳалқ комиссарлиги ягона музейлар тармогини тузиш ва музей қурилишига раҳбарликни кўпроқ марказлаштириш учун музей ишлари, санъат ҳамда табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш бош кометити – «Главмузей» ҳақидаги низомни тасдиқлади. Унинг зиммасига, ихтисослиги ва аҳамияти қандай бўлишидан қатъи назар, РСФСР ҳудудидаги барча музейлар фаолиятини уюштириш ва йўналтириш вазифаси юкланди. 1921 йил 22 майда Туркистон Республикаси Ҳалқ Комиссарлари Совети Маориф ҳалқ комиссарлиги таркибида Турккомстарис – Музей ишлари ва қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш комитетини таъсис этиш ҳақидаги низомни тасдиқлади. Унинг зиммасига Туркистон Республикасидаги барча музейларни бирлаштириш ва бошқариш, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш ҳамда қайта тиклаш вазифалари юклатилди.<sup>1</sup>

ТАССР Ҳалқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 31 июлдаги «Турк Республикасидағи айрим шахслар ва жамиятлар ихтиёрида бўлган санъат асарлари ва қадимий ёдгорликларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда қўриқлаш ҳақида»ги<sup>2</sup> маҳсус қарори музей органлари зиммасига катта масъулият юклади. Музейбоп ашёларни аниқлаш мақсадида илмий-бадиий эксперт комиссияси

тузилди. Унинг раиси этиб Турккомстарис музей бўлимининг бошлиғи А.М.Миронов тайинланди.

Қадимги тарих Туркистон музейининг дикқат марказида эди. Шунинг учун ҳам музейнинг биринчи экспозицияси тарихий характерга эга эди. 1921 йилга келиб у илгаригидек коллекциялари етарли даражада тизимлаштирилмаган, тарғиб қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлмаган кўргазма ҳолида эди. Тарихий бўлим экспозициялари орасида Туркистоннинг ижтимоий тарихи, пролетариатларнинг қаҳрамонона кураши деярли ёритилмаган, инқилобий ҳаракат тарихига оид материаллар кўйилмаган эди.

Археология ишларининг кенг қулоч ёйиншида Туркистон Ҳалқ Комиссарлари Советининг 1921 йил 31 июлдаги Турккомстарисга Туркистон Республикаси ҳудудларида археологик ишларни олиб бориш учун мутлақ ҳуқуқ берувчи қарори муҳим роль ўйнади. Унга кўра археологик материалларнинг илмий ишланмалари 1921 йилда Ўрта Осиё бош музейи сифатида Турккомстарис ихтиёрига ўтказилган музейда тўпланиши белгилangan.<sup>3</sup> 1921 – 1924 йилларнинг ўзидаёқ Ўрта Осиё бош музейи бир қатор археологик экспедициялар уюштириди.<sup>4</sup> Мазкур экспедициялар давомида тўпланган Ўрта Осиё маддий маданияти тарихи бўйича топилмалар Ўрта Осиё бош музейи археология фондини тўлдириди.

ТАССР Ҳалқ Комиссарлари Советининг 1922 йил 13 август қарорида шундай дейилади: «Туркистон Республикаси музейларини ўзига муносиб бинолар билан таъминлаш мақсадида ва бу илмий муассасалар зиммасига юклатилган вазифани ҳеч қандай тўсиқсиз бажариш имкониятини бериш мақсадида Туркистон Республикаси Ҳалқ Комиссарлари Совети қарор қиласи: Музей ишлари ҳамда

<sup>1</sup> Содикова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. – Тошкент: Фан, 1975. – С.58.

<sup>2</sup> ЎзМДА, 394-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 7-варак.

<sup>3</sup> ЎзМДА, 394-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 5-варак.

<sup>4</sup> Ўзбекистон тарихи давлат музейи тўплами. Биринчи қисм. Археология ва нумизматика. XXVI тўплам. – Тошкент, 2020. – Б.39.



қадимий санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш комитети (Турккомстарис) ихтиёрига қўйидаги бинолар берилсин: а) Тошкент шаҳридаги собиқ генерал-губернатор уйининг биноси («Оқ уй»), унинг ҳудудидаги барча уйлар, ҳовлисидаги иморатлар ва ҳоказолар билан бирга; б) Князь Николай Константиновичнинг Тошкент шаҳридаги собиқ саройи биноси, унинг ҳудудидаги барча уйлар, ҳовлисидаги, иморатлар ҳамда боғи билан»<sup>1</sup>. Ушбу қарорда белгиланган иморатлар ва жойлар барча турдаги солиқлардан озод этилган.

1921 йилнинг охирида музей Турккомстарис ихтиёрига ўтказилди ва унга Ўрта Осиё бош музейи деб ном берилди. Ўша пайтда 9 нафар илмий ходим ва 8 нафар оддий хизматчи ишлаган.

Музейни ташкил қилинганда табиий фанлар билан шуғулланувчи мутахассислар алоҳида ўрин тутганлиги учун дастлабки даврда музей асосан фауна ва флорани кўрсатувчи ўлкашунослик музейи бўлган. Бу фикрни қўйидаги ҳолат билан тасдиқлашимиз мумкин. 1924 йилда музейга ташриф буюрган Коминтерннинг<sup>2</sup> V конгресси иштирокчisi, америкалик Жеймс ўз фикр-мулоҳазаларини шундай ёзиб қолдирган: «Бу музейга келиб, Туркистон флора ва фаунасининг нодир ҳамда бой коллекциясини томоша қилиш мен учун кутилмаган ажойиб воқеа бўлди. Америкалик коммунист учун совет ҳуқуматининг кенг халқ оммасига ҳақиқий маърифат берувчи бой фаолияти билан танишишдан кўра олижаноброқ иш йўқ».<sup>2</sup>

1924 – 1925 йилларда экспозицияларни қайта ташкил этиш ва тартибга солиш учун музей бир неча ойга ёпилади. Натижада 1925 йилда Оқ уйининг 22 хонасига жойластирилган музей экспозицияси икки бўлимга

ажратилади: ушбу бўлимларнинг биринчи – Ўрта Осиёning табиатига доир бўлиб, у ер (физик география, динамика, тарихий геология ва палеонтология, минералогия), ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар дунёси бўлимларни ўз ичига олган. Иккинчи бўлим ҳозир ва ўтмишда Ўрта Осиёда инсон деб номланган. Бунда антропология ва этнография, археология ва нумизматика бўлимлари, яъни ўлка тарихини кўрсатувчи материаллар бор эди.

1924 йилда миллий ҳудудий чегараланиш музей фаолиятига ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди. 1928 йилда Средазкомстарис тугатилиб, музей Халқ маорифи комиссарлиги ихтиёрига ўтгандан кейин экспозицияларни қайтадан ташкил қилиш авж олди. Музей штати 26 та бўлиб, шундан 14 нафар шахс илмий ходим сифатида фаолият юритган.

1928 йилнинг июнь ойида бу музейга Санъат музейи қўшилди. Бирлашган музей иккита катта бўлим – «Табиат» ва «Инсон ва маданият» бўлимларига ажратилди. Инсон ва маданият бўлими, ўз навбатида, археология ҳамда этнографиядан иборат иккита қисмга ажратилган.

Музей бирмунча вақт Ўрта Осиё табиатшunosлиқ, этнография ва археология бош музейи деб ҳам номланган.

1929 йилда ўша пайтгача мавжуд бўлган барча музейлар бирлаштирилиб, икки муасаса: Ўрта Осиё тарих ва революция тарихи музейи (САМИИР) ва Ўрта Осиё табиат ва ишлаб чиқариш кучлари музейи (САМПС) га ажратилди. Ўрта Осиё тарих ва революция тарихи музейи кенг тарихий-маданий кўринишдаги музейга айланниб, 50 мингдан ортиқроқ ноёб экспонатга эга бўлди. Оқ уй ана шу музейга берилди. Штати 47 та бўлган: шундан 12 нафари илмий ходим, 3 нафари экскурсовод, 5 нафари аспирант эди. Музейда 5 та бўлим – ибтидоий маданият, феодал жамият, колониал бўлим, Ўрта Осиёда революция ва

<sup>1</sup> Туркестанская правда. 1922 г. 26 августа.

<sup>2</sup> Commentern Internatsional 1919 – 1943-yillarda turli mamlakatlarning kommunistik partiyalarini birlashtirgan, faoliyati davomida razvedka ishlarini ham olib borgan xalqaro tashkilot // wiktionary.org. 08.01.2022. ЎзМДА, 394-фонд, 1-рўйхат, 193-иш, 15-варақ.



фуқаролар уруши бўлими, Европа маданияти бўлими фаолият юритган.<sup>1</sup>

1930 йилда Самарқандда ташкил этилган Марказий давлат музейига бир қанча коллекциялар совфа қилинди. 1930 йилда Ўзбекистон ССР ҳукумати Самарқанддан Тошкентга кўчиши муносабати билан 7 сентябрда Оқ уй бўшатиб берилди. 1931 йилнинг апрель ойида Туркистон ҳарбий округи Оқ уй рўпарасидаги майдонда жойлашган ҳарбий собор (бутхона)\* биносини музейга берди.

Музей раҳбарияти томонидан музей ходимларининг малакасини ошириш масалаларига ҳам бефарқ бўлинмаган. 1930 йилнинг ўзида ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида 6 ойлик курс ташкил этилади. Унга дастлаб 25 киши қабул қилинган бўлса, кейинчалик уларнинг сони 40 тага етган. Улар ойига 50 сўм миқдорида стипендия билан таъминланган.<sup>2</sup>

1933 июнь ойида бўлиб ўтган музей ходимларининг республика конференциясида музейга Халқ маорифи комиссарлиги раҳбарлик қилмаганлиги аниқланган. Шунинг учун Ўрта Осиё тарих ва революция тарихи музейи Ўзбекистон ССР Фанлар академияси куртаги бўлган Фанлар комитети ихтиёрига топширилди. 1933 йилнинг 1 июнидан бу музейнинг номи ўзгартирилиб, Ўзбекистон марказий тарих ва революция тарихи музейи деб ном берилди.<sup>3</sup>

1937 йили Ўзбекистон Марказий тарих ва революция тарихи музейи (ЎзМТРТМ) МТРМга – Марказий тарих-революция музейига айлантирилди. МТРМга 1941 йилдан ЎзССР марказий тарих музейи (МТМ) номи берилган.<sup>4</sup> 1940 йилда бу музей Ўзбекистон ССР марказий тарих музейига айлантирилди. 1941 йил

ноябрь ойида Навоий музейи билан Санъат музейи Ўзбекистон ССР Тарих музейига қўшиб юборилган.

ЎзССР Фанлар комитети асосида 1940 йил 9 январда Тошкентда ССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали (ЎзФАН) очилиши<sup>5</sup> тарих фани, умуман, фан тарихида катта воқеа бўлди. Бу, албаттa, Ўзбекистонда тарих фанининг келгуси ривожини таъминлашга ҳам хизмат қилди.

1943 йил 27 сентябрда СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалини Ўзбекистон ССР ФАга айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида Тарих музейи илмий текшириш ва сиёсий-оқартув ишларини олиб борувчи республикадаги марказий музей сифатида Санъат музейидан ажратилиб, ЎзССР ФА Ўзбекистон халқлари тарихи музейи номи остида Ўзбекистон ССР ФАнинг таркибида киритилди. Янгидан ташкил қилинган ушбу музей олдига ўзбек халқининг қадим замонлардан то ҳозирги кунгача бўлган тарихини кўрсатиш учун кенг кўламда илмий ва экспозиция ишларини амалга ошириш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1966 или Тошкентда В.И.Ленин музейини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Музейни очиш санаси В.И.Ленин таваллудининг 100 йиллигига мўлжалланган эди. 1970 йилнинг 17 апрелида В.И.Ленин марказий музейининг Тошкент филиали очилиш<sup>6</sup> маросими бўлиб ўтди.

1967 йилда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи «Мамлакатнинг энг яхши музейи» унвонига сазовор бўлди. 1969 йилда Ўзбекистон тарихи музейига ўзбек ёзувчиси, академик М.Т.Ойбек номи берилган.<sup>7</sup>

<sup>1</sup>ЎзМДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 2236-иш, 25-варақ.

<sup>2</sup>Бутхона – одам, санам (мажусийларда) ёки бирор нарса тасвирига сифинувчи бутпаратларнинг ибодатхонаси // Википедия интернет сайти. 08.01.2020. ЎзМДА, 394-фонд, 5-рўйхат, 733-иш, 20-варақ.

<sup>3</sup>ЎзМДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 1899-иш, 23-варақ.

<sup>4</sup>Содикова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. – Тошкент: Фан, 1975. – С.130.

<sup>5</sup> Содикова Н.С. Маданий ёдгорликлар ҳазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.144.

<sup>6</sup> Совет Ўзбекистони. 1970 йил 18 апрель.

<sup>7</sup> Ismailov A. The possibility of establishing the academy of sciences in Uzbekistan // Galaxy international interdisciplinary research journal (GIIRRJ). Vol. 9. Issue 9. Sep. (2021). – P.163.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг таклифига асосан В.И.Ленин марказий музейининг Тошкент филиали ва М.Т.Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлар тарихи музейини тутатиб, уларнинг негизида 1992 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистон тарихи музейи ташкил этилди. Ушбу қарорга кўра Ўзбекистон тарихи музейи илмий-тадқиқот муасасаси ҳисобланади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 5 августдаги «Ўзбекистон тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги 402-сонли қарорига биноан Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи музейига Давлат музейи мақоми берилди.<sup>2</sup> Бугунги кунда ҳам музей шу номда фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон тарихи давлат музейига бир қанча машҳур кишилар ташриф буюрган бўлиб, улар музей экспозициясини томоша қилганларидан сўнг «Музей ташрифчиларининг таклиф ва мулоҳазалар китоби»га ўз фикрларини ёзиб қолдирганлар. Шундай фикр-мулоҳазалардан баъзиларини келтириб ўтамиз. СССР Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти лауреати И.И.Минс шундай фикр билдирган: «Мен аввал ўзим бўлган тарих музейини мутлақо танимай қолдим: биринчидан, экспозицияси беқиёс бойибди, иккинчидан, бу энг муҳими, ниҳоят, Ўзбекистонни қайта дунёга келтирган, уни илғор социалистик давлатга айлантирган совет даври биринчи бор музейда шундай ёрқин, меҳр билан намоён қилинибдики, буни бошқа бирон музейда кўрмадим. Табриклайман! Ишни айни шу руҳда давом эттираверинг ва шуни унумангки, Ўзбекистон халқаро тараққиётнинг боришига

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги «Ўзбекистон тарихи музейини ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли қарори.

<sup>2</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 5 августдаги «Ўзбекистон тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги 402-сонли қарори.

фақат ўтмиши билангина эмас, балки бугунги ютуқлари билан ҳам катта таъсир кўрсатади».<sup>3</sup>

Доғистонлик ёзувчи Расул Ҳамзатов Ўзбекистон халқлари тарих музейга ташриф буюрганда таклиф-мулоҳазалар китобига «Ҳар бир халқнинг тарих музейи барча музейларнинг отасидир. Ўзбек халқи тарих музейи халқ руҳи, характери ва жасорати буюклигининг буюк паспортидир» деган фикрларини ёзиб қолдирган.

Музейнинг салоҳиятини кўрсатиб берувчи омиллардан бири кўргазмалардир. Музей ташкил этилгандан бўён бир неча марта кўргазмаларда муносиб иштирок этиб келмоқда. Музей ўз экспонатлари билан иштирок этган кўргазмаларни бевосита икки гурухга: маҳаллий ва халқаро кўргазмаларга бўлишимиз мумкин.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон музейларининг халқаро алоқалари ривожланмоқда ва йиллар давомида бутун дунёга ўзбек халқининг бой моддий ва маънавий мероси тарғиб қилинмоқда. Ушбу шарафли вазифани бажаришда юртимизда фаолият юритаётган йирик давлат музейларидан бири бўлган Ўзбекистон тарихи давлат музейининг фаолияти алоҳида этирофга лойикдир.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳам юртимиз ўтмишини, тарихий ёдгорликларни, ноёб археологик топилмаларни жаҳонга танитишда самарали ишларни олиб бораётган музейлардан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи давлат музейи АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Малайзия, Миср, Озарбайжон, Япония, Қозогистон каби давлатларнинг музейлари билан маданий ва илмий алоқаларни йўлга қўйди. Жумладан, музейнинг Жанубий Корея музейлари билан алоқаси эътиборга молик бўлиб, ушбу мамлакат билан маданий алоқа-

<sup>3</sup> М.Т.Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг таклиф-мулоҳазалар китобидан.



лар турли кўргазмаларни ташкил қилиш, тренингларда иштирок этиш ва Ўзбекистон тарихи давлат музейида болалар учун биринчи маҳсус «Мўъжизалар оламида» музейининг ташкил этилиши учун хизмат қилди.

Бугунгача Ўзбекистон тарихи давлат музейи ўзининг 145 йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Музей ташкил этилган пайтдан 1992 йилгача музей учун мўлжалланган маҳсус бино йўқ эди. Бундан ташқари, мавжуд бинонинг торлиги сабабли Сан-Луи кўргазмаси учун тайёрланган этнографик коллекциялар музейдан ўрин ололмади. Маҳсус витриналар сотиб олиш учун музей ходимлари маҳаллий тадбиркорлардан ёрдам сўрашган. Кўпчилик

ҳолларда улардан рад жавобини ҳам олишган. Сўнгги зо йилликда музей ходимлари иштирок этган экспедециялар сезиларли даражада камайиб кетди. Бу даврда музей фонди асосан археологлар ва маҳаллий аҳоли томонидан топширилаётган ашёлар ҳисобига бойитиб келинмоқда. Археология, тарих ва музейшунослик борасидаги халқаро илмий алоқаларни янада ривожлантириш нафақат маънавий ва маданий бойишимизга, балки юртимизнинг жаҳондаги сиёсий обруси ошишига, туристик имкониятларимиз ортишига ва юртимизга ташриф буюришни хоҳловчи сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қиласиди.



# ТАНИҚЛИ ЖАДИДЧИ МАЖИТ ҚОДИРОВНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ҲУЖЖАТ ВА МАТЕРИАЛЛАР

Р.Р.Шамситдинов,  
тарих фанлари номзоди

## *Давоми. Боши аввалги сонда*

**Савол:** Ўзингизнинг контреволюцион, миллатчилик фаолиятингизнинг кейинги даври ҳақида гапириб беринг.

**Жавоб:** Мен 1920 йилдан сўнг миллатчилик, контреволюцион (аксилинқилобий) фаолият билан шуғулланмаганман.

**Савол:** Нотўғри гапиряпсиз. Сиз Коммунистик партия сафида бўла туриб миллатчилик ишларини олиб боришни давом эттиргансиз, чунки бир вақтнинг ўзида аксилинқилобий, миллатчилик ташкилотида туришни ҳам давом эттиргансиз. Иш юзасидан кўрсатма беринг.

**Жавоб:** Мен ҳеч қандай миллатчи ташкилотларда турмаганман ва аксилинқилобий ишлар олиб бормаганман.

**Савол:** Сиз миллатчи, аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилотида турмаганмисиз?

**Жавоб:** Йўқ, мен «Миллий иттиҳод» аъзоси бўлмаганман.

**Савол:** Нотўғри сўзлаяпсиз, Ўзбекистонда фаолият юритган миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг ҳибсга олинган аъзолари кўрсатмалари билан аниқланишича, сиз ушбу ташкилот аъзосисиз, унинг топшириғига биноан охирги пайтгача қўпорувчилик ишларини олиб боргансиз. Тергов сизга очиқ кўрсатмалар беришингизни тавсия этади.

**Жавоб:** Ҳа, тан оламан, Ўзбекистонда мавжуд бўлган аксилинқилобий, миллатчи ташкилотга 1923 йили ёлланганман ва унинг раҳбарияти кўрсатмаларига асосан миллатчилик аксилинқилобий ишлар олиб борганди.

**Савол:** Қачон ва ким томонидан контреволюцион миллатчилик ташкилотига жалб қилингансиз?

**Жавоб:** Аввало, аксилинқилобий, миллатчилик ташкилотига аъзоликка ёлланишимга ча бўлган нарсаларга тўхталмоқчиман. Мен 1921 йилнинг охиридан 1923 йилнинг май ойигача Ўрта Осиё университети ишчи факультетида (Ср.Аз.Рабфак) директор бўлиб ишладим. Менга ўхшаб аввалдан миллатчи, жадид, сўл эсерлар партияси аъзоси Ахунов Холмуҳаммад менинг ўринбосарим ва ўқув ишлари бошқарувчиси сифатида ишлаган. 1922 йилнинг охирида Ахунов Эски шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди. Рабфақдан кетгунича у билан бирга талабаларни миллатчилик ва совет ҳокимиятига нафрат руҳида тарбиялаш мақсадида ўқитувчи сифатида таниқли миллатчи аксилинқилобчилар бўлган Мунавварқори Абдурашидов, Шорасул Зуннун, Эсон Афанди, Ҳусни Ниёзов ва бошқаларни ишга олдик, шунингдек, Рабфакни ижтимоий жиҳатдан ёт унсур бўлган талабалар билан тўлдирдик. 1922 йил давомида ўша пайт Сирдарё обком котиби бўлган Абдулҳай Тоҷиев, Мухитдин Усмонов, Охунов, Мунаввар-



қори Абдурашитов, мен Қодиров ва бошқаларни кида тез-тез гаплар ўюнтирилар эди, у ерда кўплаб миллатчилик йўсинидаги сұхбатлар ва ёшларни миллатчилик руҳида тарбиялаш масалалари муҳокама қилинар эди. 1922 йил кузининг бир кунида, Абдулҳай Тоҷиевнингми ёки Муҳитдин Усмоновнинг квартирасидамикин, «гап»га йифилинди.

- 1. Муҳитдин Усмонов** – 1937 йилгача Ишчи маориф иттифоқи марказий президиуми раиси, партия сафидан чиқарилган, ишдан олинган.
- 2. Усмонхон Эшонхўжаев** – ҳозир қаердадигини билмайман.
- 3. Ҳабибулла Арифханов** – Куспромсоюзда иқтисодчи бўлиб ишлайди.
- 4. Мунавварқори Абдурашидов** – НКВД томонидан ҳибсга олинган.
- 5. Абдулҳай Тоҷиев** – НКВД томонидан ҳибсга олинган.
- 6. Ҳолмуҳаммад Ахунов** – НКВД томонидан ҳибсга олинган.
- 7. Шокиржон Раҳимий** – НКВД томонидан ҳибсга олинган.
- 8. Толибжон Мусабаев** – НКВД томонидан ҳибсга олинган, 1927 – 1928 йилларда Сазлагерда бўлган.
- 9. Муҳаммаджон Раҳимий** – НКВД томонидан ҳибсга олинган.
- 10. Маннон Рамзий** – ҳибсга олинган ва бадарға қилинган.
- 11. Ҳамид Аъламов** – қаердалигини билмайман.
- 12. Зуфар Носирий** – қаердалигини билмайман.
- 13. Ҳамидхонов Фанихон** – НКВД томонидан ҳибсга олинган.
- 14. Собиржон Раҳимий** – Тошкентда ўқитувчи бўлиб ишлаган.
- 15. Мен – Қодиров Мажит** ва яна филиалнинг бир қанча аъзолари, фамилияларини эслай олмайман.

Бу «гап» йифилиши «Нашри маориф» жамиятини ташкил қилишга бағишлиланган бўлиб, маориф масалаларини кўришни кўзда тутган. Бундай жамият ташкил этиш масаласи бўйича

йифилишда Усмонхон Эшонхўжаев сўзга чикди, ўзининг очиқ аксилинқилобий, миллатчилик руҳидаги нутқида қатнашчиларни ўзбек зиёлиларининг ёрқин намояндалари сифатида бу жамиятни ташкил қилишда иштирок этишга чақирди. Бу жамият Туркистонда маданий қурилишни ва ўз миллатининг маорифини бошқариши зарурлигини айтди. Эшонхўжаев: «Барча қатнашаётганлар жамият ишига фаол киришиши керак ва шу тариқа ўзбек зиёлилари яқин орада ўз миллати олдидаги бурчларини адо этадилар, мазлум ўзбек миллатининг большевиклар истибдодидан тезроқ ҳалос бўлишига эришадилар», – деди. Сўзининг охирида Эшонхўжаев очиқасига айтдики: «Биз, ўзбек зиёлилари, бу маданий жамиятни ташкил этиб, барчани большевикларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши фаол курашга жалб этишимиз зарур бўлади». Юқорида айтганимдек, Средазрабфакда ишлашим жараёнида талабаларни миллатчилик ва совет ҳокимиятияга нафрат руҳида тарбиялаш борасида иш олиб бордим. Худди шундай ишни бошқалар ҳам олиб борган. Туркистон Республикаси маориф ҳалқ комиссари бўлган Эшонхўжаев 1923 йилнинг апрель ойида мени чақириб, ўз кабинетида (*иши хонасида*) яккама-якка ҳолда мени «Миллий иттиҳод» контреволюцион, миллатчилик ташкилотига ёллади.

Сұхбат чоғида Эшонхўжаев менга Рабфак директорлиги ўрнига Ўзбек маориф институти директори лавозимига тайинлашимни айтди, чунки у ерда иш ёмон ахволда эканлиги ва ҳолатни изга туширишим зарурлигини таъкидлади. Эшонхўжаевнинг менга айтишича, большевиклар Туркистон ва ундаги ҳалқларнинг маданий равнаки ҳақида умуман қайтуришмайди, рус чоризмидек большевиклар ҳам Туркистонни ўзларининг мустамлакаси, ўзининг саноати учун хомашё базаси сифатида кўришади. Улар бизга ҳеч қандай ёрдам бермаган ҳолда аҳолимизни эксплуатация қилишмоқда, бойликларимизни Россияга олиб кетишмоқда.

Эшонхўжаев давом этиб шуни айтди: ««Нашри маориф» жамияти Туркистонда



«Миллий иттиҳод» миллатчилик ташкилотининг шуъбасидир. Бу ташкилот совет ҳокимияти билан курашиш учун ташкил қилинган, бизнинг ташкилотларимиз ўз олдига Туркистонда совет ҳокимиятини ағдариш ва унинг ҳудудида миллий буржуа-демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйган». «Бизнинг вазифамиз совет ҳокимияти билан кураш учун кадрлар тайёрлаш», – деди менга Эшонхўжаев. «Шунинг учун ёшларни миллий руҳда, совет ҳокимиятига нафрат ва ўз миллатига муҳаббат руҳида тарбиялашимиз зарур. Биз бунга фақат бутун зиёллар, барча мусулмонларни курашга бирлаштирганимиздагина эриша оламиз. Барча ўқув даргоҳларига ва маданий-маънавий ташкилотларга ўзимизнинг одамларни қўйиб чиқишимиз керак». Мен миллийлик кайфиятида бўлганинг учун унинг фикрларини маъқулладим, «Миллий иттиҳод» миллатчи, аксилинқилобий ташкилотига аъзо бўлишга ва унинг топшириқларини бажаришга розилик билдиридим. «Сен Ўзбекистон маориф институти (Узинпрос) директори лавозимига тайинланасан, у ерда «Миллий иттиҳод» ташкилотининг бошлангич бўлагини ташкил этиб, талабалар орасида миллий ишларни олиб борсан», – деди У.Эшонхўжаев.

Мен унга барча топшириқларни бажаришга тайёрлигимни яна бир бор тасдиқладим. Ўша заҳотиёқ Узинпрос директори этиб тайинландим.

**Савол:** Сиз очиқ жавоблардан қочишни давом эттиряпсиз. Сизнинг контреволюцион фаолиятингизда узилиш бўлмаган.

**Жавоб:** Йўқ, мен очиқ жавоблардан қочамаяпман ва тўғри кўрсатмалар бермоқчиман.

**Савол:** Сизнинг ташкилотингиз қандай амалий контреволюцион иш олиб борган?

**Жавоб:** Ташкилот томонидан Ўзбекистонда социалистик қурилишнинг ўсишини онгли равища тўхтатиш мақсадида Ўзбекистонда халқ маорифи ва маданий қурилиш соҳасида фаол қўпорувчилик ишлари олиб борилган. Ўзининг қўпорувчилик ишлари амалга оширилишини енгиллаштириш мақсадида таш-

килот охириги пайтгача Ўзбекистон маориф халқ комиссарлиги раҳбариятини қўлга олиш борасида фаол иш олиб борган. Раҳбар лавозимлардаги ташкилот аъзолари партия ва совет ҳокимиятининг синфий сиёsat йўлини бузишган, ўқув муассасаларини ижтимоий ёт унсурлар ва зарарли элементлар билан тўлдиришган. Бундайлар ўқитувчилар, маъмурӣ-хўжалик ходимлари, шунингдек, талабалар орасида ҳам бор эди. Камбағалларга ўқув даргоҳларига киришига турли тўсиқлар қўйишиган. Совет ҳокимиятидан норозиликни ошириш мақсадида, давлат томонидан маҳсус ажратилган маблағлар мавжудлигига қарамай, талабаларга, айниқса, муҳтоjlарга атайнин моддий ёрдам кўрсатилмаган. Бундан ташқари, қўпорувчилик ишларини амалга ошириш мақсадида ўзларига ишончли ёшлардан раҳбар кадрларни тайёрлаш бўйича қарор қабул қилинган. Бунинг учун совет таъсиридан ажратиш, ҳимоя қилиш мақсадида ёшларни гуруҳ-гуруҳ қилиб Германия ва Туркияга ўқишига юбориш ҳамда ўқишини тамомлаб қайтгач, Ўзбекистонда аксилинқилобий қўпорувчилик ишларини амалга ошириши кўзланган. Шахсан мен маориф соҳасидаги ишлардан воқифман, аммо ташкилот томонидан зарарли ишлар бошқа соҳаларда ҳам олиб борилган.

**Савол:** Контреволюцион, миллатчи ташкилот аъзоси сифатида шахсан сиз қандай иш олиб боргансиз?

**Жавоб:** Мен аксилинқилобий, миллатчи ташкилот аъзоси сифатида қуийдаги ишларни амалга оширганман. Ташкилот аъзолари нинг норасмий антисовет йиғилишлари бўлган «гаплар»нинг доимий қатнашчиси эдим. У ерда совет ҳокимиятига қарши кураш ва ташкилот аъзоларининг иши юзасидан масалалар мухокама қилинар эди.

Ташкилот топшириғига биноан 1923 ва 1924 йилларда Ўзбекистон маориф институтида «Миллий иттиҳод»нинг бўлинмасини ташкил қилдим, унга комсомол ташкилоти котиби Абдуллаев X. (талаба) ва талабалар Фулом Бобожонов, Ҳабибулла Яқубов, Хайрулла Султонов, Носир Саидов, Олимқори Усмонов, Бойс



Қориев ва Собир Қодировларни ёлладим. Ёллаш жараёнида уларнинг барчасига ташкилот мавжудлиги, унинг мақсадлари ва вазифалари тўғрисида, совет ҳокимиятини ағдариш ва буржуа-миллий давлат барпо этиш зарурлиги ҳақида тушунтирдим. Улар орқали талабалар орасида советларга қарши кураш, миллатчилик ишларини олиб бордим. Маориф институтидан кетганимдан сўнг бўлинма катталашиб кетгани менга маълум. Унинг раҳбариятида Абдуллаев, Бois Қориев, Гулом Бобоҷоновлар қолган. Маориф институтида ишлаганимда директорлигимдан фойдаланган ҳолда талабалар ва ўқитувчилар таркибини ижтимоий ёт унсурлар билан тўлдиридим. 1927 – 1928 йилларда «Миллий иттиҳод» лидерларидан (раҳбарларидан) пахтачилик мактаби бошлиғи, педагог Саъдулла Турсунхўжаевнинг топшириғига асосан ишлардим. Турсунхўжаев мени ишга юбораётуб шундай деган: «Сен у ерда талабалар орасида миллатчилик ишларини кенгайтиришинг керак, унинг учун ташкилотимизга бир неча кишини ёллашинг зарур, бундан ташқари, миллатчилар сафидан ўзингга қарашли кишилардан педагог сифатида ишга қабул қилишинг керак. Русларни сиқиб чиқариш лозим ва мактаб ҳамда ФЗУларни миллатчилар билан, асосан ижтимоий ёт унсурлар ва миллатчилар фарзандлари билан тўлдириш ва ташкилотга кадрлар тайёрлаш мақсадида уларни миллий руҳда табиялаш керак». Мен унинг топшириғини бажардим. Шахсан қўйидаги талабаларни ишхонамда ташкилотга ёллаганман: Жаҳонгиров – ўшанда партия бошланғич ташкилоти котиби, ҳозирда Фарғона водийсида пахта бошқармаси соҳасида ишлайди ва Абдурашитов, у ҳам қаердадир Хоразм округида пахта соҳасида ишлайди. Ҳар бирини алоҳида ёллаган ҳолда, уларга ташкилот ҳақида, унинг мақсад ва вазифалари тўғрисида тушунча бердим. Уларга талабаларга миллатчилик руҳида ишлов бериш ва уларни ташкилотга жалб этишни вазифа қилиб бердим. Бундан ташқари, мен миллатчи педагог сифатида ташкилот аъзолари Қаюм Рамазон (НҚВД томонидан ҳибсга олинган) ва Шорасул

Зуннунни (ҳибсга олинган, сургунга ҳукм чиқарилган) ишга қабул қилдим. Шахсан ўзим ва юқорида кўрсатилганлар билан талабаларни миллий руҳда табияладим. Рус студентларини сиқиб чиқардим, уларнинг ўрнига асосан ижтимоий ёт миллатчилардан олдим. Турсунхўжаев 1928 йили Ленинград давлат университетининг (ЛГУ) этнография факультетини тамомлаб Ленинграддан келган, ҳибсга олинган, халқ душмани Шоикром Шоиноғомовни (Рустам Иноғомовнинг амакиваччаси) менга ўринбосар сифатида юборди. Мен уни ташкилот аъзолари ва барча одамлар билан таниширишим зарурлиги тўғрисида огохлантирилдим. Бошқа ишга ўтишдан аввал уни ташкилот аъзоси сифатида Жаҳонгиров ва Абдурашидов билан боғладим, шунингдек, Рамазон ва Зуннун билан ҳам. У ташкилот топшириғига биноан ишни бошлади. Айтишим керакки, бизнинг ташкилотимиз шароитдан келиб чиқиб иш олиб борган ва мавжуд шароитга мослашган ҳолда иш тактикасини ўзгартириб турган. 1925 – 1926 йилларда ташкилот номи «Миллий истиқол»га ўзгартирилган ва Ўзбекистонда унинг раҳбарлари сифатида қуйидагилар саҳнага чиқишган: Акмал Икромов (у пайтда ЎзССР КП (б) МК котиби), Маннон Рамзий (у пайтда Ўзбекистон маориф халқ комиссари), Файзула Хўжаев (у пайтда ХҚС раиси), Боту (у пайтда МК Нашриёт бўлими бошлиғи ўринбосари), Абдулҳай Тожиев (у пайтда ЎзССР КП (б) МК ОПО бошлиғи).

1928 йили Маннон Рамзий топшириғига асосан Тошкентда ўзбек ишчи факультети (Рабфак)ни ташкил қилдим, у пайт марказ Самарқандда эди. Таниқли миллатчи Тошмуҳамаднинг ўғли Юсуп Тохиров ўқув ишлари бўйича бошлиқ этиб тайинланди. Тохиров атайин Самарқандга борган. Самарқанддан қайтаётуб менга қуйидагиларни айтди: «Мен Боту ва Рамзий олдида бўлдим, улар «Миллий истиқол» ташкилоти аъзоси сифатида сиз билан боғланишимни, биргалиқда талабалар орасида миллатчилик ишларини амалга ошириш, уларни совет ҳокимиятига нафрат руҳида тарбиялашимиз ва ташкилот учун кадрлар



тайёрлашимизни айтишди». Мен унга ташкилотнинг барча топшириқларини аввалгидек бир текисда амалга оширишимни билдиридим. Биз Тохиров билан бирга миллий қўпорувчилик ҳаракатларини олиб боришга киришдик. Рабфакка талабалар қабул қилишда атайнин меҳнаткашларнинг болаларига турли тўсиқлар қилиб, ижтимоий ёт унсурлар ва миллатчиларни осонликча қабул қилдик. Миллатчи ўқитувчиларни танлаб олдик: Қаюм Рамазон, Хатиб Зода, Содиқов ва бошқалар, улар ўқитиши давомида миллатчилик кўрсатмаларини синфларга олиб киришди ва талабаларни миллатчилик, советларга қарши руҳда тарбиялашди. Ишларни осонлаштириш мақсадида шахсан мен бой ўғли бўлган талаба Тилла Хўжаевни «Миллий истиқлол» ташкилотига ёлладим, уни партия бошланғич ташкилоти котиби этиб тайинладим. Тилла Хўжаев Тошкент ёнидаги Зангиотадан бўлиб, ҳозир қаердалигини билмайман. У мен ва Таиров билан бирга ташкилот ишида фаол қатнашган.

Менинг олдимга Рабфакка Самарқанддан 1928 йилнинг турли пайтларида Абдулҳай Тоҷиев, Маннон Рамзий ва Боту келишди, ташкилотдаги ишлар юзасидан сұхбатлашдик, улар менинг миллий масала бўйича ишларимдан қониқиши хосил қилишди ва аксилинқиlobий йўсиндаги топшириқлар беришиди.

Мен 1930 йили партия сафидан чиқарилганимдан сўнг ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курсларида ишладим. У ерга мени курслар директори, Акмал Иқромов томонидан қўйилган Баҳром Азимов (Тошкентда туғилган, бой оиласдан, Самарқанд кўчаси 33-34-йида яшайди, ҳозирда Чирчиққурилиш курслари бошлиғи) қабул қилди. «Мен сени ўзимнинг одамим сифатида билганим учун қабул қиласман, сен ҳақингда менга Акмал Иқромов гапирган, ўқитувчиларни биргалиқда миллатчилик руҳида тарбиялаймиз», – деди Азимов. Унинг топшириғига биноан мен она тили ва адабиёти дарсларини ўтиш жараёнида миллатчилик руҳида тарбиялаш мақсадида ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курсларига буржуа-миллатчилик, советларга қарши ғояларни олиб кирдим.

1931 – 1933 йилларда Промакадемияда (Саноат академиясида) она тили ўқитувчиси бўлиб ишладим. Талаба Аҳмад Азимов (ҳозирда Енгил саноат халқ комиссарлигига (Наркомлегпром) ишлайди) партбюро котиби эди. Азимов Иқромовнинг одами эканлигини билган ҳолда у билан яқинлашдим. 1932 йилнинг баҳорида маданият боғида Азимов билан гаплашганман. Сұхбат чоғида мавжуд тузумдан норозилигимни билдирганман, ўз навбатида, Азимов ҳам Саъдулла Қосимовнинг отилиши, Маннон Рамзийнинг ҳибсга олиниши ва сургун қилинишини таъкидлаб, уларни (большевиклар, совет ҳокимияти – Р.Ш.) онгли равишида ўзбек миллатининг энг яхши вакилларини йўқ қилишда айблаб, совет ҳокимиятидан норозилигини изҳор қилди. Шу йўсинда биз яқинлашиб қолдик ва мен унга Промакадемия талабалари орасида фаол ишларни олиб боришни таклиф қилдим. Чунки бу республиканинг келажакдаги раҳбар ходимлари бўлганилиги учун уларни миллий руҳда тарбиялаш керак эди. Азимов миллатчилик ишларини олиб борарди ва унинг атрофида Шоабдураслов, Фулом Хўжаев, Болтабоев ва бошқалар тўпланишарди. Мен у орқали шу талабалар билан танишдим ва улар билан миллатчилик характеристида гаплашдим.

Сұхбатдан улар Азимов бошчилигидаги миллатчиларнинг террорчилик грухига мансуб эканлиги маълум бўлди. Бу уларнинг Сталинга нисбатан террорчилик ниятлари ҳақида гаплашганларидан менга аён бўлди.

Мен бундай террорчилик грухи мавжудлиги тўғрисида НКВДга маълум қилдим, чунки НКВДнинг ўзи ҳам бу грухни фош этиши мумкинлиги ва мен ҳам террорчилик грухи аъзоси сифатида ҳибсга олинишим мумкинлигидан хавфсираган эдим, қолаверса, мен улар бўйича топшириқ олган эдим.

Мен бундай террорчилик грухи мавжудлигини НКВДга айтишдан кўрқмаганман. Ушбу талабаларни ҳибсга олган тақдирда улар ташкилот аъзоси сифатида мени фош этиши ёки ташкилот фаолиятини бутунлай очиб ташлаши мумкин бўлишига ҳам қарамаганман, чун-



ки ташкилот аъзоси сифатида мен фақат Азимов билан гаплашганман, унинг Икромовнинг одами эканлигини ва у Азимовнинг ҳибсга олинишига йўл қўймаслигини билардим, амалда шундай ҳам бўлди. Уларнинг барчаси 1933 йили ҳибсга олинди. Азимовни ҳибсга олинишдан сақлаш мақсадида Икромов уни академиядан чақириб олди. Террористлар билан алоқаси бор деб мени ҳам академиядан ҳайдашди.

Шундан сўнг мен турли ўқув муассасаларида ишладим: ОТМ (олий таълим муассаси)га кириш учун тайёрлов курслари, фақат цинъзянликлар (ўйгурестонликлар – Р.Ш.) ўқиган САГУ ҳуқуқ факультети, Нашр техникиуми, Молотов номидаги мактаб, кейин давлат ташлилотлари: УНХУ, Осоавиҳим, Темир йўл бошқармаси ва бошқаларда ҳибсга олингунимга қадар ўқитиш жараёнига миллатчилик, советларга қарши ғояларни олиб кирдим. САГУнинг ҳуқуқ факультетида ишлаганимда цинъзянлик талабалар – Муҳаммад Абдураҳмонов ва Фоғуровлар билан яқин алоқада бўлдим, улар Цинъзянда яшовчи деярли барча ўзбек муҳожирларини билишар ва улар ҳақида менга гапириб беришган эди.

**Савол:** Хорижда бўлганмисиз?

**Жавоб:** Ҳа, 1925 йили Ўзбекистон ҳукумати томонидан Парижга (Франция) хизмат сафарига юборилганман. У ерга Париж кўргазмасининг СССР павильони ўзбек санъати бурчагини жиҳозлаш учун жўнатилганман.

**Савол:** Германияда бўлмаганмисиз?

**Жавоб:** Мен ўша пайтда Германияда, Берлинда ўқища бўлган ўзбек талабаларининг турмуши ва ўқиши билан танишиш учун йўлда (Парижга кетиш йўлида – Р.Ш.) Берлинда бир неча кунга тўхтаганман.

**Савол:** Парижга кетиш олдидан ташкилотдан советларга қарши ишлар бўйича қандай топшириқлар олдингиз?

**Жавоб:** Мени хизмат сафари билан хорижга юбориш қўйидагича бўлган: 1925 йили Комстарис раиси ўринбосари бўлиб ишлаганман. 1925 йилнинг февраль ойида мени Ўзбекистон наркомпроси (маориф халқ комиссари) Раҳим Иноғомов ҳузурига чақирди ва ўзининг иш-

хонасида яккама-якка қолганимизда шундай деди: «Сенинг ташкилот аъзоси эканлигинг менга ташкилот раҳбарларидан маълум, Ўзбекистонни СССР таркибидан тезроқ чиқариш ва унинг ҳудудида буржуа-миллий давлат қуриш мақсадида ташкилот ишларини фаоллаштириш зарурлигини билишинг керак. Бунинг учун бизга кадрлар зарур, хабаринг бўлганидек, биз ташкилотга керак бўлган ҳақиқий кадрларни тайёрлаш, ёшларни совет таъсиридан ажратиш мақсадида кўплаб ёшларимизни Германияга ўқишига юборганмиз. Берлинда ташкилотимизнинг филиали бор, ўзбек талабаларининг барчасини Олимжон Идрисий раҳбарлигидаги «Озод Туркистон» ташкилоти бирлаштиради. Унинг ўзи хориждаги барча мусулмон муҳожирлар билан алоқа боғлайди. Ташкилот буйруғига асосан мен сени Париж кўргазмасининг СССР павильони ўзбек санъати бурчагини жиҳозлаш учун жўнатаман. Бу расмий сафар, ундан Идрисий билан алоқа ўрнатиш учун фойдаланиш зарур. Сен Парижга кетаётиб албатта Берлинда тўхтаб ўтишинг керак. У ерда «Озод Туркистон» раҳбари Олимжон Идрисий билан учрашиб, унга қўйидаги топширигимизни оғзаки тарзда етказишинг зарур: «Барча талабаларни Ўзбекистонга қайтариш мақсадида Наркомпрос вакили Меерзон расман Берлинга жўнади. Идрисий бизнинг ишимизда бўш, шиҳоати паст, келгусида Совет Иттифоқида қўпорувчилик ишларини амалга оширишда фойдаси тегишига умид йўқ барча талабаларни ажратсин, ўшаларни Меерзон талабига асосан Ўзбекистонга қайтарсин, энг яхшиларини эса Берлинда сақласин ва ҳозир уларни ҳеч ҳам Ўзбекистонга юбормасин. У ерда, Берлинда улар орасида советларга қарши фаол ишлар олиб бориши, уларни миллий руҳда, совет тузумига нафрат руҳида, немис йўналиши руҳида тарбиялаш зарур. Бу ишларни қилишдан мақсад улардан келажақда совет ҳокимиятини ағдаришда ва буржуа-миллий давлатимизни қуришда зарур бўлган давлат арбобларини етиштириб чиқаришдир. Тўнтаришгача СССРда фаол қўпорувчилик ишларини олиб бориши мумкин. Шу би-



лан бирга, Берлиндаги бизнинг муҳожирлар аҳволини ҳам ўрганинглар». Мен сафарга боришга ва топшириқларни бажаришга розилик билдиридим. Шунда Иноғомов кетиш олдидан мени Файзулла Хўжаев (ташкилотнинг раҳбарларидан бири, ўша пайт ЎзССР СНК раиси) билан учраширишини, у бу топшириқни тасдиқлаши ва талабаларни Берлиндан жўнатиш бўйича буйруқ беришини айтди. 1925 йилнинг 25 мартарида мен «Регина» меҳмонхонасига чақирилдим, у ерда Файзулла Хўжаев бор эди. У Иноғомов томонидан менга берилган топшириқларни тасдиқлаб, ташкилот ишончини оқлашим ва топшириқни бажаришм тўғрисида мени огоҳлантириди. Сўнгра Файзулла Хўжаев менга талабаларни жўнатиш бўйича расмий кўрсатма берди. Мен уни барчаси аниқ бажарилади деб ишонтиридим. Бир неча кундан кейин Москвага жўнадим, у ерда виза олишим керак эди. У ерда з ой бўлдим ва фақат 1925 йилнинг июль ойида Берлин орқали Парижга жўнаб кетдим.

**Савол:** Мен гапингизни бўламан. Сиз қачон ОГПУ органлари томонидан агентура ишларига ёллангансиз?

**Жавоб:** Хорижга чиқишимдан аввал, 1925 йилнинг 5 майида Москва шаҳрида агентура ишлари учун ОГПУ органлари томонидан ёлланганиман.

**Савол:** Сиз айнан хорижга чишингиз сабабли совет ҳокимияти душманларининг аксилиңқилобий фаолиятини аниқлаш учун ёллангансиз. Аксилиңқилобий ташкилот аъзоси эканлигингиз ва ундан аксилиңқилобий муҳожирлар бўйича топшириқ олганлигингиз ҳақида айтганимисиз?

**Жавоб:** Йўқ, мен буларнинг ҳаммасини яширганман.

**Савол:** Демак, сизнинг ОГПУ-НКВД агенти сифатида иккюзламачилигингиз шу ердан бошланган?

**Жавоб:** Ҳа, мен ишимнинг энг бошидан ОГПУ-НКВД агенти сифатида иккюзламачи бўлганман.

**Савол:** Сиз аксилиңқилобий ташкилотнинг топшириқларини қандай бажаргансиз?

**Жавоб:** Мен Берлинда 7 кун бўлдим, Олимжон Идрисийницида тўхтадим, унга Иноғомов ва Файзулла Хўжаевнинг кўрсатмаларини етказдим. Идрисий кўрсатмаларни қабул қилиб, Париждан ортга қайтишимга мен билан Ўзбекистонга кетадиган талабаларнинг бир қисмини тайёрлаб қўйишини айтди. Идрисий менга ташкилотни кадрлар билан тўлдириш, Берлиндан Ўзбекистонга жўнатилгандар ўрнига ташкилот ишига содик, мусулмон миллатига мансуб ёшларни аниқлаш ва унга Берлинга жўнатиш зарурлигини айтди. Берлиндаги «Озод Туркестон» ташкилоти раҳбарияти билан бирга у уларга керакли тарбия бериши ва улардан совет ҳокимияти билан курашда кучли кадрлар тайёрлаши мумкинлигини билдириди. Ўзбекистондан Берлинга қайтарилаётганлар бўшроқ бўлсалар-да, ССРДа қўпорувчилик ишларини олиб боришга етарли даражада тайёrlанганилиги туфайли ташкилот улардан бу йўналишда фойдаланиши мумкин, улар Туркия, Гельсинфорс ва Берлиндаги муҳожирлар билан яқин алоқада бўлган. Масалан, Усмон Тукумбаев, Гельсинфорсдан маҳсус келган Ҳасан Назирий ва бошқалар. Суҳбатларимиз давомида Идрисий Германияни мақтади, мени Берлин атрофига – Штарилиц ва Потстдамга олиб борди. Талабалар билан бўлган шахсий суҳбатларимдан шунга иқрор бўлдимки, улар миллатчилик руҳида яхши тарбияланган, совет ҳокимиятига душманлик кайфиятида, улардан миллатчилик, аксилиңқилобий ташкилотга яхши кадрлар етишиб чиқмоқда. Тоҳир Шокиров квартирасида йиғилдик: Аҳмад Шукурий – қайтмаган, Солих Муҳамедов, Жаббор Саттор – НКВД ҳибсга олган, Тўлаган Мўминов – НКВД ҳибсга олган ва мен – Қодиров Мажит. Суҳбат жараёнида барча талабалар советларга қарши очик фикрлар билдиришди, шунда мен уларнинг совет ҳокимиятига қанчалар душман кайфиятида эканлигига иқрор бўлдим. Тўлаган Мўминовнинг айтишича, ўзбек ёшлари фақат Совет Иттифоқидан ташқарида етарли даражада тўлиқ таълим олиши мумкин, масалан, Германияда. Мен талабаларнинг бундай кайфия-



ти ва Идрисий олиб борган ишлардан қониқиши ҳосил қилдим. Париждан қайтишда яна Берлинда тўхтадим. У ерда Идрисий 9 нафар талабани менга кўшиб берди. Улар қуидагилар эди: Кивам Керамов – НКВД ҳибсга олган, Акбар Асқаров – ҳозир қаердалигини билмайман ва бошқалар – уларнинг фамилияларини эслай олмайман. Идрисий менга янги талабаларни юбориш бўйича Файзулла Хўжаев учун хат берди. Тошкентга келибоқ Иноғомовга барча хабарларни етказдим ва Идрисийнинг Файзулла Хўжаевга аталган хатини бердим. Менинг маълумотларимдан ва ташкилот топшириқларини бажарганимдан Иноғомов жуда катта қониқиши ҳосил қилди. Бу ҳақида мен ташкилот аъзоси, устозим Носир Саидов (ўша пайтда Главпрофобр бошлиғи) билан ҳам гаплашдим.

**Савол:** Белоэмигрант (*Оқ муҳожир*) Мустафо Чўқаев билан Париждаги учрашувларингиз ҳақида гапириб беринг.

**Жавоб:** Берлинда бўлганимдаёқ мен таникли миллатчи, собиқ Қўқон автономияси министри, оқ муҳожир Мустафо Чўқаевнинг Берлинда ўқиётган ўзбек талabalari билан алоқаси борлигини ва «Озод Туркистон» аксилинқилобий ташкилотининг раҳбарларидан бири эканлигини билардим. Бу ҳақида менга Идрисий айтган эди, шунингдек, Чўқаев билан Парижда ўзига қарашли ресторонда учрашишм мумкинлигини айтган. Парижга келиб, Идрисий айтган ресторанда Мустафо Чўқаев билан учрашдим, у мени жуда хурсандчилик билан кутиб олди (мен унга Идрисийнинг саломини етказдим). Ўзаро суҳбатимиз чоғида у мендан Ўзбекистон тўғрисида атрофлича суриштирди, «Миллий иттиҳод» ташкилоти тўғрисида қизиқди. Ташкилот бўш ишляяпти, «Миллий иттиҳод» ишини кучайтириш керак деб мени койиди. Шахсан Чўқаевнинг ўзи «Озод Туркистон» ташкилоти ишида Идрисийга ёрдам бераётгани, шу мақсадда атанин тез-тез Берлинга бораётгани, Берлиндаги талabalарни совет ҳокимиятига нафрат руҳида тайёрлашга астойдил ҳаракат қилаётгани, кейин уларни «Миллий иттиҳод» ташкило-

ти ишига ёрдам учун Ўзбекистонга юбориши мумкинлигини айтди. Улар Ўзбекистонда совет ҳокимиятини қудратига путур етказишида, Ўзбекистонни СССР таркибидан чиқаришида ва унинг ҳудудида буржуа-миллий давлат қуришда яхши қўпорувчилик ишларини олиб боришиди. Чўқаев берлинлик талabalаримиздан Сайд Алихўжаев ва Аҳмад Шукурони «Озод Туркистон»нинг жуда фаол қатнашчилари сифатида мақтади.

Мендан Ўзбекистондаги аҳвол, Ўрта Осиё республикаларида миллий чегараланишнинг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотларни олган Мустафо Чўқаев Москва Ўрта Осиёга мустамлака сифатида қарashi ва ташкилот ишини кучайтириш кераклигини айтди. Мен унинг сўзларини маъқулладим ва Ўзбекистонга борганимда унинг сўзлари ва тилакларини ташкилот раҳбарларига етказишимни айтдим.

Қайтиб келганимда Мустафо Чўқаев билан учрашувимиз ва унинг ташкилот ишларини кучайтириш бўйича тилаклари тўғрисида Иноғомовга маълумот бердим.

**Савол:** Шундай қилиб, 1925 йилнинг 5 маийдан ҳибсга олингунга қадар ОГПУ-НКВД агенти сифатида ишлаган даврда иккюзламачилик бўлгансиз?

**Жавоб:** Ҳа, қанчалик оғир бўлмасин, лекин тан олишим керак, ОГПУ-НКВД агенти сифатидаги бутун фаолиятимда иккюзламачилик қилганман.

**Савол:** ОГПУ-НКВД агенти сифатида иш фаолиятингиз давомида, айниқса, Промакадемияда террорчилик ташкилоти мавжудлиги тўғрисида маълум қилганингиздан сўнг олдингизга бир неча бор таслим бўлиш масаласи қўйилган, масалан, сизнинг яширин аксилинқилобий ташкилот аъзоси эканлигиниз, хорижга қилган сафарингизда амалга оширган аксилинқилобий ишларингиз бўйича. Нима учун ҳибсга олингунга қадар қаршилик кўрсатдингиз?

**Жавоб:** Иккюзламачилик йўлига ўтган кунимнинг бошидан ўзимнинг айбларим ҳақида айтишга ўзимда куч топа олмадим. Бунга



ташкilotning бошқа аъзолари партия ва совет органларида раҳбарлик постларида (*лавозимларда*) ишлашни давом эттираётгани ва жазосиз аксилинқилобий ишларни амалга ошираётганлари сабаб бўлди.

**Савол:** Тўғрисини айтинг, сиз Хусайнхон Ниёзовни бир бошланғич мактабда ишлайди деб атайин бекитдингиз, у эса у ерда ҳеч қачон ишламаган.

**Жавоб:** Аввал кўрсатма берганимдек, биз у билан жуда қалин дўст эдик, агар топсам, уни НКВД органлари ҳибсга олишарди, буни хоҳламас эдим, шунинг учун топшириқни бажармадим. Тўла имкониятга эга бўлишимга қарамай, Тошкентда уни топишга ҳаракат қилмадим. Мендан жуда қаттиқ талаб қилишганидан сўнг у ерда йўқлигини билган ҳолда атайин мактабда ишлайпти дедим.

**Савол:** Демак, ўзингизнинг иккиюзламачилигигизни давом эттириб онгли равища шундай қилдингиз?

**Жавоб:** Ҳа, шундай, онгли равища. Мен шу масалада ҳам ўзимни иккиюзламачи сифатида кўрсатдим.

Менинг сўзларимдан тўғри ёзилган, баённомани ўқидим, шунинг учун ҳам имзо чекяпман.

Тергов қилди: Ўзбекистон НКВД Давлат хавфсизлиги бошқармаси з-бўлими тезкор ишлар бўйича ваколатли, Давлат хафвсизлиги кичик лейтенанти (Хотяков).

**Айбланувчи Қодиров Мажитнинг 1938 йил 15 апрелдаги Хотяков томонидан қилинган тергов баённомаси**

**Савол:** Сизга 1938 йил 11 апрелда ЎзССР ЖКнинг 57-1- ва 67-моддалари бўйича қўйилган айбловларни тан олиб, ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?

**Жавоб:** ЎзССР ЖКнинг 57-1- ва 67-моддалари бўйича менга қўйилган айбларни тўлалигича тан оламан, бу ҳақида шу йил 7 – 9 апрель кунлари батафсил кўрсатмалар берганман.

Менинг сўзларим билан ёзилди, баённомани ўқиб имзо чекдим (М.Қодиров).

Шу билан бирга, Хотяков 1938 йилнинг 10 апрелида Темурбек Казбеков, Саъдулла Ҳу-

жаев, Мұхитдин Турсунхўжаев ва Али Расуловларни тергов қилганда улар Мажит Қодировнинг аксилинқилобий ташкilot аъзоси бўлганлиги, аксилинқилобчи, миллатчи сифатида совет ҳокимиятига қарши, Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш бўйича фаолияти, Париж ва Берлин сафарида амалга оширган ишлари юзасидан кўрсатмалар беришган. Бундан ташқари, Темурбек Казбеков ва Саъдулла Турсунхўжаев билан Мажит Қодировни шу йилнинг 11 апрелида юзлаштирган. Мажит Қодиров «айблари»ни бўйнига олиб, уларнинг кўрсатмаларини «тасдиқлаган», фақат Темурбек Казбековнинг Меерзонга ўқ узган Аҳмад Шукурийга алоҳида эътибор берган деган сўзларини рад этиб, унга ҳамма қатори муносабатда бўлганлигини, бу воқеа содир бўлганда Т.Казбеков айтганидек СССРга эмас, Парижга кетганлигини айтади.

Давлат хафвсизлиги кичик лейтенанти Хотяков олиб борган терговга асосан Қодиров Мажит ЎзССР ЖКнинг 57- ва 67-моддалари бўйича айбдор ҳисобланиб, жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида 1938 йилнинг 11 апрелида қарор қабул қилинади. Қарор 13 априль куни Ўзбекистон ССР НКВД Давлат хафвсизлиги бошқармаси з-бўлими бошлигининг ўринбосари Лисицин томонидан тасдиқланади.

5294-рақамли тергов иши бўйича СССР прокурори ёрдамчиси ва Ўзбекистон ССР НКВД давлат хафвсизлиги майори Апресян томонидан Мажит Қодировнинг айблов хуласаси 1938 йилнинг 29 майда тасдиқланади. Унга кўра М.Қодиров 6 банддан иборат «жиноятлари» учун Ўзбекистон ССР ЖКнинг 58-, 64- ва 67-моддалари билан айбланиб, иши СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясига топширилади, иш 1934 йилги қонунни қўллаган ҳолда кўрилиши белгиланади. Қодиров Мажитнинг иши 1938 йилнинг 4 – 5 октябрь кунлари Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида кўриб чиқилади. Суднинг 7 варагдан иборат иши Ўзбекистон давлат хафвсизлиги архивида П23451-жилда сақланмоқда.



85

# ПРОТОКОЛ № 4

## ПОДГОТОВИТЕЛЬНОГО ЗАСЕДАНИЯ ВОЕННОЙ КОЛЛЕГИИ ВЕРХОВНОГО СУДА СОЮЗА ССР

М

“ октября

1938 г.

Генерал-майор  
город Москва

Председатель Генерал-майор АЛЕКСЕЕВ

Члены: Генерал-майор ЗАЙЦЕВ

Военный юрист 1 ранга БОДЫРКЕВ

Секретарь Военный юрист 1 ранга БАТНЕР

Участвует

Люд. прокурор ГВФ ШАДЫЦ-АЛИ

тип. НКО 3210-38

СЛУШАЛИ:

ОПРЕДЕЛИЛИ:

Дело с утвержденным  
прокурором ГВФ - военным  
юристом 1 ранга ШАДЫЦ-АЛИ  
дополнительным заключением  
№ НИД УБС ССР о предании  
под военной коллегии Верх-  
суда ССР КАДЫРОВА  
Абжиды

по ст.ст. 58, 64 и 67  
УК РСФСР с  
 применением постановления  
 ЦК ССР от 1.12.34г.

1. С обвинительным заключением со-  
гласоваться и дело принять к производ-  
ству военной коллегии Верховного суда ССР.

2. Продать суду КАДЫРОВА  
по ст.ст. 58, 64 и 67  
УК РСФСР.

3. Дело возвратить в закрытый судеб-  
ный заседание без участия обвинения  
и заслушать в суде выезд свидетелей в  
порядке постановления ЦК ССР от  
1.12.34г.

4. Дело Пресечь обвинению  
оставить до суда содержавшее под стражей.

Председатель

Секретарь



# ПРИГОВОР

и-ием Союза Советских Социалистических Республик  
выездная сессия

что членной Коллегии Верховного Суда Союза ССР  
ра-  
в составе:

Председательствующего Бригадириста АЛЕКСЕЕВА

Членов: Бригадириста ЗАЙЦЕВА и Военного юриста 1 ранга БОЛДЫРЕВА

При секретаре военном юристе 1 ранга БАТИНЕР

В закрытом судебном заседании, в гор. Ташкенте

5 октября 1938 года, рассмотрела дело по обвинению:

ХАДЫРОВА Маджита, 1886 года рождения, бывшего преподавателя узбекского языка - в преступлениях, предусмотренных ст.ст. 58, 64 и 67 УК Узб. ССР

Предварительным и судебным следствием установлено, что Кадыров выступил членом узбекской националистической организации "Ислам", "Мурс Адли Мерказий", в 1918 году под членом партии Эгерев был взят из архива организаторов киргизской автономии, 1923-24 гг. создан в Киргисии группу националистической организации "Ислим Итилляхад", в 1925 году был в Берлине и Гарнице один членом группы с к.р. буржуазно-националистической миграционной организацией "Ингушстан". Тогда же Кадыров вошел в состав а/с буржуазно-националистической интеллигентской группировки, возглавляемой народным



Ўзбекской ССР и сиёлийнин талаби саргузасим  
Советской власига и оғизиерчесим Узбекистана  
оти СССР и тоилистик революция тарзасини  
хөгжиси чечодди боради эдди организатори и  
оғизиерчесим таржомадитчилик ЮЖМ(С) и Советски  
Президиумда.

Трибунал Кадировка инициатори в сиёлийн  
председатели председателестик ғ.ғ. 58, 64 и 6;  
УХ УзССР, Военинан Коллежи Верховного Суда С.Р.  
таджикшадундулес 128 и 131 сий. сий. УИК ССР  
таджикшадунда.

Кадировка нафусими хасимат ишре  
хуловинча таҳказасин расораси с ҳозирини  
чунай бешин шимти ани ташнифадасанда иш  
таджик.

Трибунал на оғизиерчесим тоилистик  
юнион СССР оти 1/11-34 г. инициатори чече-  
нинину тоилистик.

Преездатчандундулум - Абдуллаев

Чеченъ { Абдуллаев  
Абдуллаев

1938 йил 5 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган суд хукми



С П Р А В К А

Приговор о расстреле

Рашидов

Мажит

приведен в исполнение

нение в гор.

Шашкент

"4 / X

19<sup>38</sup> г. Акт о при-

ведении приговора в исполнение хранится в особом архиве

1-го спецотдела МВД СССР том № 60 лист № 631

*Зав* ГАЧ 10 ОТД 1 СПЕЦОТДЕЛ МВД СССР  
Гайор

(Михалев)

Мажит Қодировнинг 1938 йил 4 октябрда отилганлиги тўғрисида маълумот

Хужжатлардан кўриниб турганидек, СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси 4 октябрда бўлиб ўтган тайёрлов йиғилишида Қодиров Мажитни Ўзбекистон ССР ЖК-нинг 58-, 64- ва 67-моддалари бўйича айблайди, уни судга топшириш ҳамда суднинг СССР МИК-нинг 1934 йил 1 декабрдаги қарорига биноан айбловчи ва ҳимоячи иштирокисиз, гувоҳларни чакирмаган ҳолда ёпик тартибда ўtkазилиши белгиланади.

Тошкентда 1938 йилнинг 5 октябрида ҳарбий юрист Алексеев раислигига бўлиб ўтган СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида Қодиров Мажит олий жазо – отувга ҳукм қилинади. Ишни кўриб чиқиш, судяларнинг суд залидан ташқаридаги маслаҳати, ҳукм чиқариш ва уни эълон қилиш жараёни атига 15 дақиқа давом этган, яъни 18:05 да бошланиб, 18:20 да тугаган.

Ҳар қандай инсонни даҳшатга соладиган яна бир мудҳиш ҳолат ўзбек зиёлиларининг ёрқин намояндаси, жадид, ватанпарвар, миллат-

парвар Мажит Қодиров суд ҳукм чиқаришидан бир кун аввал, яъни 4 октябрь куни отиб ўлдирилганидир. Бу ҳам совет тузумининг жирканч баҳарасини очиб беради.

Сталин вафотидан сўнг сабиқ Совет Иттифоқида ўзгаришлар бўлди, 1956 йилнинг 14 – 25 февраль кунлари бўлиб ўтган машҳур XX съезд, унда Н.С.Хрущёвнинг «махфий нутқи»-да шахсга сифиниш ва Сталиннинг диктаторлик сиёсати қораланиши натижасида партия ва совет ҳокимияти сиёсатида бир оз бўлса-да ўзгариш юз берди. СССРнинг барча республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам совет ҳокимияти олиб борган қатағон сиёсати қурбонларининг «жиноий ишлари» қайтадан кўриб чиқила бошлади. Улар орасида Мажит Қодировнинг иши ҳам бор эди. Бунга унинг ўғли Рашод Қодировнинг отаси Мажит Қодировнинг иши қайта кўриб чиқилишини сўраб СССР бош прокурори Дуденко номига ёзган хатлари (11.03.1956, 12.02.1957) ҳам туртки бўлган бўлса ажаб эмас.



*С.В.  
15/11/57г.*

Генеральному Прокурору  
Совета ССР ~~т.в. Руденко.~~

гр. Кадырова Рашида Магомедовича,  
проживавшего с. Ташкент, Ленинсий  
район, ул. Постараузского, дом 3, кв.3.

ПРОКУРАТУРА  
С.С.С.Р.

15.11.57г.

Заявление:

16/11-57г. ЧУЧЕНКО

Первое мое заявление на Ваше имя лично  
было отправлено 11 марта 1956 года, в котором  
я просил рассмотреть дело моего отца -  
Кадырова Магомеда, 1886 года рождения,  
увротелу с. Ташкент, проживающий по ул.

Новая, проезд Камидар, первой тунике  
дом № 1/96, по социальному положению учитель,  
с 1932 года пенсионер.

3<sup>го</sup> апреля 1938 году на основании выданного  
ордера УГБ НКВД УзССР за № 46/76 от 2<sup>го</sup> апре-  
ля 1938 года отец мой был арестован.

На мое заявление поступила ответ № 1/II-56г.,  
где Вы сообщаете, что „Ваше заявление направ-  
лено 16/II-56г. на рассмотрение в участко-  
архивной Отделе Комитета Госбезопасности  
СССР, откуда Вам будет сообщено о результатах  
рассмотрения.“

Прошло более одиннадцати месяцев, но  
до сих пор ответа я не получил.

Вторично обращаюсь к Вам и уверительно  
просьбу Вас ускорить рассмотрение моего  
заявления. Жду Вашего решения по адресу:  
Ташкент, Ленинсийский район, ул. Постараузского д.3, кв.3.

*12/II-57г. подпись* (Р. Кадыров)

Мажит Қодировнинг ўғли Рашод Қодировнинг СССР бosh прокурорига ёзган хати



Ўзбекистон Республикаси Давлат хафвсизлиги хизмати архивида СССР ҳарбий прокуратурси, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси, СССР Давлат хафвсизлиги комитетига тегишли маҳфий, ўта маҳфий тамғаси остида сақланаётган расмий ҳужжатлар Мажит Қодиров сўл эсерлар партияси, аксилинқи-лобий ташкилотлар аъзоси бўлмаганини, НКВДнинг яширин агенти бўлмаганини, чет эл разведкаси билан алоқаси йўқ эканини тасдиқлади. Қолаверса, М.Қодировга ҳукм ўзининг, С.Турсунхўжаев, А.Расулов, Т.Казбеков, М.Турсунхўжаев, Т.Мўмин ва А.Ахуновларнинг кўрсатмаларига асосан чиқарилган, улар эса 1957 йили оқланган. Тергов ишларига раҳбарлик қилган НКВДнинг собиқ ходимлари Апресян ва Лисицин советларга қарши фаолиятда ва **тергов ишларини қалбакилаштиришда (фальсификация)** айбланиб отувга ҳукм этилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб СССР Олий суди ўзининг 1958 йилнинг 13 февралидаги йиғилишида Қодировга асосиз ҳукм чиқарилган деб топади. Суд «**СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 5 октябрда Қодиров Мажитга нисбатан ҳукми иш бўйича очилган янги холатларга кўра бекор қилинсин ва Қодиров ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги учун тўхтатилсин**» деб қарор қабул қиласди.

Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди. Ватан туйғуси қалбининг тўридан мустаҳкам жой олган яна бир ўзбек фарзандининг покноми оқланди, адолат қарор топди.

Халқимизга зиё таратган жадид, ажойиб инсон Мажит Қодировнинг таҳликали замонда босиб ўтган шонли ҳаёт йўли ҳақида журнالнинг келгуси сонида маълумот берамиз.


# ТУРКИСТОН МУФТИЙСИ ЗАҲИРИДДИН АҶЛАМ – ҚАТАГОН ҚУРБОНИ

Р.Т.Шамсутдинов, Д.Хомидов

Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.<sup>1</sup>

Ш.М.Мирзиёев

«Туркистан» газетаси, 1922 йил 13 сентябрь



## Тарихий мубоҳасалар

Туркистан үлкәсіда ижтимоий инқилоб үрінлашқаныдан бери халқ турмушки тузал-макка ҳаракат қилиб келған матбугот «Ишти-рокион» ва «Қызыл байрақ» газеталари әди.

Ҳар нарсанинг ўз исмидан фойдаланиши табиий бўлғани учун иқтисодий сиёсий ўзгариш муносабати билан матбуотда ҳам ўзгариш кутилган эди. Ҳозирда шул кутилган мақсад юзага чиқиб, ҳукумат газетаси «Туркистон» исми билан давом этмакчидир. Исми «Туркистон» бўлғани учун бу газета Туркистоннинг

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш. Миллий тарақиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.29.



«Туркистон» газетаси, 1923 йил 5 май

## • دادا ۋە ئەمەن دادا

### ҲАСАДДАН ДОД

ҳар бир иҳёсини ... эсга тушуруб туради. Шу йўл билан кетмакчи бўлган ҳукуматнинг ўзи ҳам бу тўғрида ҳар ҳақиқатга, аччиқ бўлишиға қарамасдан, кенг йўл берар. Шундан фойдаланиб Туркестоннинг ... ёшлари ўз фикрларини газета орқали майдонга отарлар деб ишонамиз.

Туркестон деган сўзга келсак, бу ажам таркиби – эронийлар томонидан берилган бир исмдир. Биз туркларнинг кўп сўзимиз чет сўзлар бўлуб, бир оз ҳақоратли томони бўлса ҳам, соф кўнгул турклар қабул қилиб келгандирлар. Тарихнинг афсона ... бўлимининг кузатишига қарағанда, Ёғаснинг Турк отлиқ ўғли (... матнда икки қаторни ўқиб бўлмади).

Тоғларига яқин бир ерга ўринлашган ва унданда Иссиғўл бўйларига тарқалған эмиш. Ёғас ўғли Туркнинг авлодидан бир қисми маданий бўлуб, уйғур ном олған, кўпчилиги эса жойларининг табиий майли бўйинча кўчмалик қилиб, қипчоқ бўлғанлар. Турк ... ларининг барча қабилаларига ҳам уруш ва уруш-қақлиқ расм-одат бўлуб, кўп вақт мир олой (қўшун боши)лари номи билан – ўғуз ва ўзбек каби номлар олишиб, қабила қабилаға ажралгандар.

Туркларга Чиндан қўйилған номнинг бири – Чин, яъни хитойлар томонидан айтилмақда бўлған (Хютунуғ) калимасидирким... лари бу калима (...) га айланган; маъноси: (осий қўллар) демакдир.

Ҳижратдан 2819 йил бурун Хитойлар Туркестонға ҳужум қилғанда ҳам уйғур туркларининг улуғ шаҳарлари ва ... осори маданиятлари бор эди. Бир замонлар... катта тўпалонларға сабаб бўлған (хунлар таарузи) Чин (Хитой) сиёсатига қаттиқ таъсир қилғанлиғидан чинлар бундан қутулишни истаб охирида шундоқ бир чорани қўллай кўрмишлар: турклар яшаған ерлар билан чинлар яшаған ернинг ўртасига уч минг чақиримдан зиёда узунликда улуг бир қўрғон (девор) қилмоқ.

Биз ўзбекларнинг бошқа эллардан бир неча ерда очиқ ... миз бор. Бундан бери бошқалар ўз кишиларига яхшилиқ кўрсатиб ул яхшилиқ кўланкасида қувонур эканлар. Бизнинг эр азаматларимиз ёмонлик қилиб, зиён етказмарлар, жойи келса уруб, сўкуб бўлса кўлдан келганини аямасдан ... дирлар.

Бу ёмон мўридан чиқдан сассиқ тутун ёки ёмоннинг кучи япалоққа етмаги ўзгариш ичida жуда кўп юракларни қон қиладурғон ерга етди.

Бир ёқдан ишлиқ кишиларимизнинг етиш маслиги, билим йўқлиғи, Худо ёрлақаб кетиб, бирор киши ўзининг ортиқча ўтқурлигидан бирор ишни эплаб қолса, уни қўшни ерликлари кўра олмай, болта-кетман олиб, чуқур кавлаб ийқитмоқлари, ҳеч нарсани билмасалар ҳам, бирорвға ёлғон айтиб ишонтира олурлар. Уятсизлиқлари ... юксалмак ўйларини кўнгилларидан супуриб ташлайдир. Бошбошдоқлиқ, ўзбошимчалиқлар орқасида Фарғонанинг янги ... маорифи орқаға қараб кетмақда экан. Ҳар ердан бош кўтармуш ёшларимиз из кун ичida ўлимдан қутқара бошладилар. Шулар ичida Андижоннинг Кунчиқар қишлоғида 9 та мактаб биноға келгани газеталарда кўринди. Андижон шаҳари икки билим юртига эга бўлғанда бир районнинг тўқкузлаб билим юрти очмоғи ортиқча юқорига оёқ босмоқ дедик.

Фарғонада мактаб учун бошлаб қурол кучи, сўнгра улусни тушундириш ва ўқитувчини тўйдирмоқ каби қанча оғир довонларни ошмоққа тўғри келадур.

Шул ишларни бажариб турған чечанлари мизни сайламоқ ўрнига юқорига айтилган йўсун ишлатилиб, Султонобод милиция бошлиғи Нишонбек ўғлини, Ойим қишлоқдан



Султонхўжани иш бошидан туширганлар. Уларнинг ўринлариға ёш гўдаклар қўйилған эмиш.

Ўғридан бизни сақлаб экин эмакка йўл солған бошлиқларимизнинг сўзини ташла-майлиқ деб ўқитишға бола бериб, ақча тўла-гувчи эл бу совуқ ўзгаришни эшитар-эшитмас экиндан ва ўқитишдан кўнгил уза бошлаган эмиш.

Бошлаб узоқ кунлар милтиқ кўтарган йи-гитлар бошлиқларидан ажраб милтиқни таш-лаганлар. Улар ўрниға янгидан милтиқ кўтар-ган кишилар иш кўрмаганлари учун тўғри-дан-тўғри ўринбосар бўла олмаслар.

Ўшал иккинчи ишчининг кўзга кўринар-лик кенгашлар ясогига қарши бир ёмон ишлари-ри йўқ кўринар.

Мана шундай ингичка бир сўроқ тўғриси-ни (бизнинг энг кераклик нарсамиз бўлған билим ишларимизга ёпишқанлиги бор учун) ерлик иш бошқаргучиларнинг ўйлаб кўриш-ларига кўндаланг қилиб фоят тўғри бир йўл билан шул чигалнинг ечилмагини (ечилма-кини) сўраймиз.

Заҳириддин

«Туркистон» газетаси, 1923 йил 29 октябрь

## ئەنگلیز کم؟

АНГЛИЗ КИМ?

Бизнинг мусулмонлар англизларнинг ким эканини, шояд, жуда яхши биларлар. Ислом дунёси шарқ оламига англиз каби душман йўқ. Бутун дунё мусулмонларининг муқаддас жойлари – Макка ва Мадинага кўп оёқости қилған ҳинд ва араблар ичида бирор киши ватан – миллатдан дам урса, турмаларга отиб турған шул золим англиздир.

Яқин фурсатда Бағдод уламоларининг ха-лифа ҳазратларига ...дорлиқ қилғонлиқлари-ни билиб, кўпларини тутиб қамади. Бирмун-чалари Эронға қочиб сарсон бўлдилар.

Шўролар ҳукуматининг мазлумпарвар-лигини тушунган Туркистоннинг марказий Тошкент Маҳкамай шаръияси ушбу 23 йил 24 сентябрда умумий мажлис қилиб, шул мазлум уламоларни шўролар ҳукумати тупроғига ол-моққа талаб қилди. Туркистоннинг ташкилот – шуъбасидан тушган қофозға қарағандা, агар бизлар хоҳласақ, Тошкентта ҳам келтирмак мумкинлиги маълум бўладир.

Мана шул масъалани муҳокама этилиб қа-ралса, англизлар билан шўролар ҳукумати-нинг фарқи жуда очиқ маълум бўладир.

Ушбу йил июнь ойида Уфада бўлуб ўтмуш бутун уламо қурултойида халифа Абдулма-жид афанди тўғрисида диний... га қарор қи-либ, шўролар ҳукуматидан тасдиқ эттириб, ҳатто хутбаларда дуо қилмоққа жоиз эканлик кўргаймиз-да, англиз жандармалари халифа-ни оғзиға олған уламоларни тутиб осмоқда-дирлар.

Шунинг учун биз Туркистон уламолари ин-қилобий меҳнаткашлар ҳукуматига раҳмат ўқуб, мустамлакачи золимларга нафрат баён қиласиз.

Сирдарё музофот Маҳкамай шаръия раиси:  
Заҳириддин Аълам.

Саркотиб (имзо)

«Туркистон» газетаси, 1923 йил 7 январь

مو رافات محاکمه شروعه-

سى

**МУЗОФОТ МАҲКАМАИ ШАРЪИЯСИ**

Янги йил муносабати билан з нчи январда бўлмиш умумий мажлисда ҳукумат доирала-ридан «музофот Маҳкамай шаръиясининг ташкили борасида қурултой чақирмоққа қар-шилиқ йўқ» деб берилган қофозлар ўқулуб, тот қурултой чақириб, сайлов қилингунча Тошканд Маҳкамай шаръиясининг вақтинча музофот Маҳкамай шаръиясининг ишларини



... қилиб турмоғига қарор қилинди. Ҳам 2 нчи мувовинликка Қодир қори Яхёзода олинди.

Захириддин

«Туркистан» газетаси, 1924 йил 15 июнь

## حور افاتغا قارشی.

جەھل موره كەيىكە دەوا يوق.

**ХУРОФОТГА ҚАРШИ**  
Жаҳли мураккабга даво йүқ.

Эски Шарқ маданияти билмаслиқни иккига айирған. Бири жаҳли васит (бильмағанға тан бериш), бунинг давоси бор, иккинчиси жаҳли мураккаб (ўзининг билмағаниға тан бермаслик), бунинг ҳеч давоси йўқдир.

Мана шундай жаҳли мураккабга учраған авомдан кўра Туркистан ва Тошканд уламолари орасида жуда кўп кўринадир.

Салла, жома, соқолға зеб бериб ўзига уламо сифатини таққан бир тўда ахлат арбаъалар Тошкент ва Туркистан уламолари орасида бор дедик, қани, нисбат этиб кўрайлик-чи, қандай бўлиб чиқар экан?

1) Зикр баҳонаси билан хилват деган бир масхарабозлиқ бор, бу нарса ҳеч исломнинг асосида кўринмайдир. Лекин қорун бандалари ҳар бир еган номаъқулчиликларини исломдан кўрсатиб қорунларини тўйдиришни татмин қиласидирлар. Зикри шаръий деб даъво қилувчилар ҳалиги жаҳли мураккабнинг айни ўзгинасидирлар.

2) Ҳозир қабристонлар мактаб ва боқча қилиниш олдида турадир. Мозор, зикр каби нарсалар орқасида кун кечирувчи бир тўда суллоҳ муллалар мозорни теккислаб мактаб қилиш ҳаракатига киргандарга қарши лаънатнома тарқатадир. Мозор бузишни макруҳ деб даъво қила туриб бир маҳалла аҳлига лаънат ўқусан. Куръон ўқиб пул олиш ҳаром деб шариат додлайдир. А, сен бўлсанг ўқулған намозингни ҳам пулга сотасан. Дунё юзидағи лаънат сенга ва сен каби уламо номини кўтарган жаҳли мураккабларгadir.

рагидаги маҳалла аҳларининг гўнг ва ахлат тўқадирған жойи эди. Бу, бир томондан, халқнинг саломатлигига зарар келтирса, иккинчи ёқдан, ҳозирғи текисланишидан йомонроқ эди. Шу вақтлар қайси уламодан довуш чиққан эди?

Энди Шўролар ҳукумати бузиш давридан тузиш даврига ўтиб, шундай манфурлиққа юз тутқан жойларимизни обод қилишқа қадам босқан бир вақтларда уларнинг ифво-фасод кўчасига кириб ахлат чангитишилари ҳам жаҳли мураккабнинг худди ўзгинасидир.

Булар майдонға кўкрак кериб чиқмайлар. Пусиб ётқан жойларидан туриб сасилар.

Эй аҳмақлар, мард бўлсанг, майдонға чиқ! Илмий, диний муназара қилмоқчи бўлсанг, ҳар вақт ҳозирмиз. Илмий мунозара деса, сичқоннинг уясини минг тангага ижорага оласан, пусиб сасиша ахлат арбаъанинг худди ўзгинаисан.

Дунё илмидан-ку хабаринг йўқ. Қип-қизил нодонсан. Дин илмидан ҳам хабарсиз саллачопон билан уламо қиёфасига кирган бир ҳайвони лойаъаламсан, унда ҳеч шак ва шубҳам йўқдир.

Бўлмаса, ўша китобинда ҳам зо йиллик бир мозорни теккислаб юбориш шаръий ёқдан ҳам мумкиндири, лангардаги бузилған мозорға бўлса ўлук кўмулганига 45 йилдан ошқандир. Мозор бузишни макруҳ деб даъво қила туриб бир маҳалла аҳлига лаънат ўқусан. Куръон ўқиб пул олиш ҳаром деб шариат додлайдир. А, сен бўлсанг ўқулған намозингни ҳам пулга сотасан. Дунё юзидағи лаънат сенга ва сен каби уламо номини кўтарган жаҳли мураккабларгadir.

Рамазонда ҳам Пирмат Аълам ривояти ҳисоб билан бўлғандир, шариатда рўъят эътибор деб бош кўтарган жоҳил уламолар бўлди. Рўъятга эътибор қилғанингизда нима учун шомғача кутиб турмай туруб пешиндаёқ масъала ни ҳал қиласингиз.

Бироз сўл уламолар чиқиб ҳақиқатга ёнлашдими, жадид деб тана қиласиз. Бизнинг



ҳар ишимиз ҳисоб билангина юриши лозим. Наинки сизнинг аҳмақона тўрва ҳисобингиз билан юрсун, биз ҳар асрда тажаддуд аҳлига мухтождирмиз. Сиздек ёлғончи динфурушлар инсоният ва маориф микробларидан бе-зордирмиз.

З.Аъламий

Бошқарма: мақола диний бир тусдарак ёзилған бўлса-да, халқ қошида уламо номини кўтарган бир фирмә ифво ўчоқларини ишчи, дэхқонлар манфаатига қарши борувчи қандай бир ифлослар эканин кўрсатмак мақсадида босдиқ.

«Туркистон» газетаси, 1924 йил 9 октябрь

تۈركىستان بۇ خا اوە حۇزۇم مۇسۇلمانلار يېغا خىتابىنامە.

اسلام وە خەلیفە ئالىك.

**Туркистон, Бухоро ва Хоразм  
мусулмонларига хитобнома  
ИСЛОМ ВА ХАЛИФАЛИК**

Жаҳон уруши ҳам ижтимиий инқилобдан сўнгра халифалик масъаласи жуда қизиқ бир ҳолға тушди. Туркистон мусулмонларигина эмас, бутун дунё мусулмонлари ҳайратда қолиб, бир фикрга келолмай турадирлар. Халифаликка мусулмонлар диний масъала қотрида қарасалар ҳам, Туркистон дин бошликлари мусулмонларга қаноатландирлик бир сўзни ҳозиргача айта олмадилар. Тошкентнинг ҳозирда жумхурият маркази саналғанини назарға олиб Тошкент Маҳкамаси шаръияси умум мусулмонларига хилофат масъаласида бир маълумот бермакни лозим топадир. Тарих саҳифасида ислом оламининг ўтказган кунларига бир карра қарасак, халифалик билан насроният (християнлик) дунёсидағи по-посликнинг<sup>1</sup> ўртасида фарқ жуда ҳам оз бўлуб

кўруладир. Муовия, Марвон бошлиғи билан амавиялар томонидан ғасб қилинған хилофат орқали мусулмонларнинг бошиға қандай зулмлар тушди? Карбало воқеаси, Маккани бузмоқ фожиалари халифа ҳукми билан бўлмадими?!

Амавиялар қўлидан хилофатни олиб дунёда адолат ўрнатиш мақсади билан майдонға ташланган аббосийларга келсак, ислом бошиға оққан фалокат дарёсининг улар орқали келганини кўрамиз. Аҳли салбнинг ғалабасига, Макка ва Мадинани бузмоқ учун христианлар ҳужумига йўл очқан ислом халифа аси Ҳорун ар-Рашид бўладир. Андалус мусулмонларига фирансуздар ҳужум қиласи, Ҳорун ар-Рашид мусулмонларға ёрдам бермак ўрнига Франсия ғалабасини табрик қилди. Бундай Қуръонға хилоф ҳаракатлар аббосийларда жуда кўпdir. Бундан ташқари, асли саодатда сайлов усули ва шўро асосига қурилган халифаликни меросға айлантириб, ўзи ҳаёт (тирик) экан, авлодини ноиб қилмоқ жинояти шул халифалар томонидан чиқарилған бидъатдандир. Оли Усмон дунёда кучлик бир давлат бўла туриб Испания христианлари мусулмонларни ватанларидан ҳайдаб чўқун-мағанларини қиличдан ўтказиб турғанлари ҳолда бир айланиб ҳам қарамади. Ёрдам нари турсун, Испанияга қуруқ қофоз билан восита-чилик ҳам қилмади.

Узун сўзнинг қисқаси, тўртинчи-бешинчи ҳижрийдан бошлаб халифалар найзаси мусулмонлар кўкрагига санчилиб келадир. Ҳар вақт халифалик талошда. Минглар билан бечора ва камбағал мусулмонларнинг қонлари тўкилди. Фазот – жиҳод номида ажнабийларга қарши уруш очиб шариат кўрсатган йўл билан муҳораба қилмай, талон-торож йўсунида ваҳшиёна йўл тутуб исломни ажнабийлар кўзига ортиқ даражада паст қилиб кўрсатадилар.

Юқори тарихни қўя туруб 19-асрда ҳукм сурган Абдулазиз, Абдулмажид, Абдулҳамид, Абдуррашид халифаларга келсак, бу-

<sup>1</sup>Рұхонийлик.



лар юқоридағилардан ҳам хоин чиқдилар. Буларнинг ислом байтулмолини ўғирлаб, ажнабий бонкаларига ўз майшатлари учун қўйғанлиқларини кўрамиз. Улар қўлида бўлған байтулмол Юлдуз саройидағи чиройлик қизларга сарф этилди. Ўз базмларини қизитиш учун мусулмонларни хорижий жаҳонгирлар қўлиға сиёсий ва иқтисодий асир қилиб боғлаб бердилар. Бурун Англиз думи бўлиб, унинг тўраларига Туркия нишонлари бериб ва уларга Ҳиндистон, Африқо, Австралиё ва Сарандиб мусулмонларини қул қилиб берган халифа ҳазратлари сўнг вақтда Германия императорига дум бўлиб Туркияни жаҳон урушиға иштирок эттириди. Қарпат тоғларида, Вердин истеҳкомларида неча юз минглаб мусулмонларни Германия учун қурбон берди. Минглаб мусулмонларнинг қони сув каби оқиб турған вақтда халифалар ўз саройларида қизларни тасарруф қилиш билан машғул эдилар. Халқнинг маориф ва маданиятига бу унсурлар доимо монеъ бўлиб келдилар. Исломнинг эски маданияти, оламни титратган ҳунар ва саноати, ақлни ҳайрон қўлған илм ва ҳикмати султон ва халифаларнинг зулм ва сиёsatлари натижасида тамоман йўқолди.

Халифалар Оврупа жаҳонгирларига ҳар вақтда қурол бўлиб келдилар. Халифалар халқнинг муҳим ва катта тафарруотларини жаҳонгир давлатларга аҳмоқларча тортиқ қилиб юбордилар. Халифаларнинг хоинона сиёsatлари Туркияда иқтисодий истиқлолни бундан жуда кўп илгари берган эди. Туркия ишчиси бир япроқ тамакини ўз ихтиёри билан сотиб ола олмас эди. Чунки халифа тамаки олиш ҳаққини бир франсуз бойиға сотқан эди. У бойнинг олиш ва сотища тамакига тайинлаган нархи мажбурий бўлар эди. Бошқа маҳсулот ҳам шундай.

Туркия миллати сўнг вақтларда кўзини очиб халифаликнинг фойда ва зарарини кўрди ва бутун дунё олдида халифамиз бор деган даъводан уялди. Миллий ҳукумат ту-

зиб, халифаликни бекор деб эълон қилди. Туркия миллатининг бу ҳаракати жоҳил ва авом мусулмонлардан кўра бўйинлариға бут осиб юрган хорижий жаҳонгир бойларни ортиқроғ хафа қилди. Чунки улар мусулмонларни доимо халифа воситаси билан ўз тилакларига қурол қиласар эдилар. Шунинг учун булар бошқа халифа топиш ва бошқа бир халифа ясаш азмиға киришдилар. Англизлар Макка шарифи Ҳусайнни, франсувлар ваҳдо-бийлар бошлиғи имом Яҳъёни халифа тайинлаб юбордилар. Энди бу икки халифа англиз ва франсувларнинг ақча ва қуроли билан мусулмонлардан аскар тўплаб мусулмонлар қонини тўқмақдалар.

Юқорида халифаликнинг қисқача тарихини айтишимиз билан бу тўғрида ўз фикримизни ҳам айтиб ўтишни лозим топтиқ:

1) Ижтимоий инқилоб биз мусулмонларға янги дунёнинг йўлини очди, камбағал мазлумларни озод қилди. Шўролар ҳукуматининг тўғри сиёсатидан маданий маорифимиз илгари қадам босди. Туркистонда даъвомизга гувоҳ бўларлиқ бирмунчча мактаблар очилди.

2) Эски чор ҳукумати каби христиан динини ҳимоя қилиб исломни эзадурған ёқим султонлар, хонлар каби динни қурол қилиб ислом қонини тўқадурған ҳукумат йўқолиб, унинг ўрниға қурилған шўролар ҳукумати динни ҳукуматдан ажратди. Яъни ҳукумат хамма динга бетараф бўлди. Бул иш давлат ва ислом учун фойдалиқdir.

3) Озод ва ҳур одам ўзининг устидан биргина одам ҳокимлигига рози бўлмас. Халқ бойлигини биргина одам учун исроф қилдирмас. Бошқалар қўлида қурол бўлған одамнинг ҳокимлигини хоҳламас. Дин номидан таловчилиқ қилмоққа йўл бермас.

4) Шунга кўра биз қатъий суратда мусулмонларнинг баҳтсизлигига сабаб бўлган халифаликни хоҳламаймиз. Ислом шариати ва Куръон ҳукмига биноан диний, ижтимоий ва сиёсий ишлар бир кишининг кайфига қолди-



рилмай, кўпчилик жамъият машварати билан ҳал қилинадир.

Халифалар жамъиятни, кенгашни танимай ўзларининг фосид хоҳишларича уммат ишини ёлғиз ўз тилакларига мувофиқ ҳал қилиб, исломнинг орқада қолишиға сабаб бўлдилар.

Энди инқироздан қутулмоқ учун биргина йўл бор. У ҳам бўлса мустабид халифа ва ҳокимлар қўлидан ислом муқаддаратини ва ислом иқтисодиётини – байтулмолини қутқаришдир.

Анқара ҳукумати исломнинг дардига ягона дорини топди. У ҳам бўлса халифаликни таҳт ва тоғи билан ағдариб, ҳалқни халифадан қутқарди. Биз диния назорати томонидан Анқара ҳукуматини табрик қилиб, унга қарши чиққан қора гуруҳларни жаҳонгирларнинг думи деб биламиз. Халифалик даъвосида тўкулган қонларға уларнинг зоминолигидан ҳалққа хабар бериб ҳақиқий уламоларға тавсия қиласизким, шул хитобномани мусулмонларға ўқуб тафсил билан англатсинлар.

Битсин диний истибоддод ва халифаларнинг «мустақил» идораси!

Вақтинча муфтий: Заҳириддин Аълам

«Туркистон» газетаси, 1924 йил 29 марта

## قاجان روزه باشланغۇر.

### ҚАЧОН РЎЗА БОШЛАНУР?

Ички Россия диния назорати расадхоналар ҳисобича 5 нчи апрель, шанба кунидан бошлаб рўза тутмоқни қарор қилди. Диний вақфга мубошир мутаваллилар жумъя кунидан бошлаб хатми тарових учун зо кунлик қилиб масжид чироқларини тайёр қилғайлар.

Диния шуъбача нозири Заҳириддин Аълам.

«Туркистон» газетаси, 1924 йил 27 август

وەقق ايدارە سېنات ئەعزا سى زەھير نەھىيە ئەعلمەم  
شۇل نەشۋىشىڭ تۈزۈر، انتىسادى | بىك مالنىڭ بىرلىك مالى مۇنۇز  
سېبىلەت بىچارەت دۇنباش باپدەنگى | دىدەككە مەفәیم بار بىرلاك دەرادەم.

### ВАҚФ ИДОРАСИННИГ АЪЗОСИ ЗАҲИРИДДИН АЪЛАМ.

### ВАҚФ МАСъАЛАСИ

(Миллий жумхуриятлар тузилиши  
муносабати билан)

Шўролар ҳукуматини миллатлар ҳуқуқини бермак мақсадида Туркистонни миллий чегараларга айирмоқ олдида турғани ҳаммага маълумдир.

Миллий чегара айрилғанда миллий ҳуқуқлар бир даража текширилиб, ҳар миллатга тегишлик ҳақ берилса керак. Туркистонда ўзбек миллатига бошланған биринчи масъала вақф десак, шояд, хато айтмаган бўлурмиз.

Чунки миллатимиз асрларча вақфни ... истеъмол қилмовчилар касофатидан жаҳолат қоронғисида асрдан, замондан узоқ вақт ҳабарсиз қолди. Миллат инқироз чуқурининг лабида экан, ҳуррият ногораси чолинди, мажбурий таълим-тарбия қарорга олинди. Табиий, ўзбек каби таассуб дарёсининг хурофот мавжида ғарқ бўлған бир миллатта таълим мажбурий бўлмаса, нажот соҳилиға етиш учун чора йўқ эди.

Қарор ҳисобида, аммо амалга қўйиш масъаласи ўртаға келиб тушди. Ерлик даромадларнинг ўттиз фоизи маориф ишларига оғзи қуриган касалга сув томизған қабилидан бўлиб, мактаб учун ҳалқдан пул олмоқ, тўра, эшон, дуогўйлар тирик экан, мумкин бўлмади.

Иқтисодий сиёсат вужудга чиқиб, мактаб сарфиёти ҳалқ бўйниға юклатилғац, қароримиз сичқонлар қарори каби бўлуб кўринди. Шул ташвишлиқ кунларда иқтисодий сиёсат тижорат дунёсиға янги жон бериб, вақф мулки бўлған дўкон, саройлар ижарага қобилият



ҳосил қилди. Ҳукумат томонидан декрет чиқиб, вақф ташкилоти қурилди.

Табиий, ижтимоий байналмилал инқилоб ҳамма миллатларни баробар қилмоқни шиор қилар экан, юқориланған миллатларга етказмак учун қуида қолған Шарқ йүқсулларини ортиқча тарбия билан қулоғидан тортмоқ керак.

Мана, биз шу шиорнинг амалга ошганин кўрамиз. Ўзбек миллатини ўттиз фоиз даромадда қолдирмади, ўз қўл кучи билан ишланган вақфи маориф учун берилди.

Вақфнинг маориф учун берилганини англаған вақф қаҳрамонлари адашмай ўз йўлларида давом этдилар. Мисол учун Тошкент вақф шуъбасин олсақ етадир. Тошкент мадданий вақфида ҳар ойда 9634 соат дарс бор. Дарс пули 4964 сўмдир. Бундан 96 соатгинаси динга оид дарсдир (Диний вақфнинг маориф масорифи бундан ташқари).

Икки йиллик янги вақф тарихида йўқсул миллат маорифига қилинған шунча хизматнинг Туркистонда биргина Тошкентдан майдонга чиққани кўз олдимиздадир. «Вақф руҳонийларга ноилож берилди» демак, вақфни диний масъала қилиб қарамоқ хато бўлуб, вақф маорифдан узоқ ўзбек миллатига берилган миллий ҳуқуқ демакка ҳаққимиз бор. Ерлик даромаднинг ўттиз фоизи ўзбек миллатига кифоя қилмаслиғи икки карра икки – тўрт қабилидандир.

Янги миллий жумҳуриятлар чегарасини белгилаш олдида расмий суратда вақфни маорифга маҳсус қилиб, тасдиқ қилдирмоққа бутун масъул кишиларимиз вижданан мажбурдирлар. Бильякс, вақфни миллий масъала қилиб сақлайдурған ташкилотни йўқотиб, умумий инқилоб ҳосилоти ичига (колхоз идорасига) қўшмоқ фикрлари тарихий бир хатодир. Шунинг учун ижроқўмда очилған мубоҳаса мажлиси ва бошқа масъул ўзбек ишчиларининг хотирлариға соламан: вақф ташкилотини бузмоқ ўрниға вақф мулклари қаторида ҳозирғача ислоҳотға кирмай қўшчи,

чорикорлар орқали ишлатилиб турған вақф ерларидан ер ҳаққи олмоққа, ислоҳот ижро қилғанда ҳам ер солиқлардан вақф қадар ҳиссасини вақф учун умумий даромаддан ажратиб бермакка чора кўруб, ўзбек жумҳуриятининг қонуни асосига киргизмакка ҳаракат қилинса эди.

Заҳириддин Аълам

«Туркистон» газетаси, 1923 йил 22 апрель



**Бошқармаға ҳатлар :**  
**АНГЛАШИЛМАСЛИҚ**

«Туркистон» газетасининг 105 нчи сонида Хожа Аҳрор мадрасасидан бир талаба янглиш бир хабар ёзадир. Гўё вақф шуъбаси 20 талабани таъмин қила олмай жавоб бериб юборған эмиш. Ҳолбуки, унлар 20 та эмас, 17 та эдиларким, уларга, ўз иқрорларича, 7 та муаллим таъмин қилинди. Табиий, ҳозирда биргина фанга мударрис ва ё муаллим топмоқ мумкин бўлуб, ҳар хил фанларни билатурған киши оздири. Шунинг учун муаллимларнинг ададини кўпайтмакка эҳтиёж тушадир. 17 киши учун 7 домла сақламоқ вақтни жойсиз ерга сарф қилмоқнинг ўзи бўлурким, жиноятдир. Талabalар бошда 40 лаб бўлуб, шогирдлар жалб этмак шарти билан бир неча мударрис кирди. Натижада эса 40 дан 17 га тушди. Бекларбеги мадрасасида ҳам талаба оз бўлғани учун иккавини бирлашибар, муқтадир домлаларни олиб қолмоққа қарор берилди. Бекларбеги хужралари тузатса бўлатурған ўнгтайлиқ экан, шунинг учун у ерга бориш муносиб кўрилди. Талabalар бориб ёзилди. Бироқ баъзи бир хужраларни «ўз уйи» қилиб олиб, муҳаббат қўюб қолған



кишилар шул ерда «оғизимға солсанг ютаман» демакчи бўлуб газета майдонига янги бир даъвони ташладилар.

Ҳақиқати ҳол шундан иборат.

Заҳириддин (имзо)

«Туркистон» газетаси, 1923 йил 18 март

## داراموعەلیمین آجیملو ر.

### ДОРУЛМУАЛЛИМИН ОЧИЛУР

Маориф, вақф ва Маҳкамаи шаръиянинг қўшма мажлисидаги қарорга биноан эски мактаблар ислоҳ қилиниб, домлаларини усули савтияга ошно қилмоқ мақсадида масжиди жомеъда 4 ойлик дорулмуаллимин очилур. Маориф шуъбасида рўйхатдан ўтган муаллимлар ҳам иқтидорлиқ ҳаваскорлар дорулмуаллиминнинг расми кушодига<sup>1</sup> 20 нчи март соат 1 га масжиди жомеъга ҳозир бўлсунлар.

Танбеҳ: ҳозирчага хабар олмай маориф шуъбасида рўйхатдан ўтмаган эски муаллимлар 20 нчи мортғача узрларини билдириб ёзилсинлар. Акс ҳолда, масъулиятта тортилурлар.

Маҳкамаи шаръия ҳам диний вақф мудири Заҳириддин

Дорилмуаллимин мудири А.Сиддиқий

«Туркистон» газетаси, 1923 йил 6 октябрь

## چورۇك ئىمەس، توزوڭ.

### ЧУРУК ЭМАС, ТУЗУК

«Туркистон» газетасининг 176 нчи сонида йўқтам ўртоқнинг ислоҳ этилган мадрасалар тўғрисидағи бир мақоласини кўрдик. Мақоланинг кўб ерига асосан қўшилсақ-да, бир неча

ўрунсиз ҳужумига жавоб бермак учун вақф идорасининг ўтқан йўлидан сўзлаб ўтамиз.

Халқни инқилобга ошно қилмоқ учун шўролар ҳукумати 75 нчи декретни чиқарди, бошда бу декрет муллаларга берилган бир ҳукуқдан иборат бўлуб, Тошкентдан бошқа шаҳарларда маорифга фойдаси кўп тегмади.

Шу йил бошида декрет 2 нчи марта кўрилди, з нафар уламо аъзоси бирга келтирилди, мадрасаларни ислоҳ қилмоқ мажбурий бўлди.

Вақф ташкилотига бир йил ..., ишни бир даража йўлға соглан Тошкент вақф шуъбаси 24 дона шўро мактабини бутун ўз таъминотига олди, вақфдан 5 та янги мактаб очди. Яна очмоқ йўлига киришмақдадир.

..., Шайхонтоҳурда Қашқар маҳалласига халқнинг кўмаги билан з та янги мактаб биноси солдирди, бошқа томонларга катта-катта бинолар солиш ҳозирлигини кўруб турадир.

Эски мактаблар ислоҳи учун 4 ойлик курс очди, шаҳардаги 2 техникумни ўз тарбиясига олди. Вақф шуъбаси томонидан очилған дорулулум баъзи сабабларга биноан вақтинча ёпилған бўлса ҳам, мактаб муаллимларининг илмий кучларини оширмоқ учун шу кунларда ихтисос курси очиш ҳаракатидар.

Шул ишларни қилғандан сўнг Тошкентдаги ўқиши ёшида бўлған болаларга назар солди, 40 мингча ўқиши ёшидағи болалардан кўб қисми эски мактаб ва қориҳоналардан бош чиқарди. Буни назарга олған вақф ишлари марказнинг кўрсатган прўгроммасини амалга қўюб, мактабда оқармай чиққанларни мадрасада оқартмоқчи бўлди. Қонун ҳам виждан миллатнинг шунча боласидан қўл силтмоқни кўтармас эди.

<sup>1</sup>Очилиш маросими.



«Туркистон» газетаси, 1922 йил 12 октябрь

تۈرك فوشون-لارینىڭ سوگۇغى غەلەبەسى مۇناسىبە -  
تى بىلەن اولۇغ نەمایىش.

## ТУРК ҚҮШИНЛАРИНИНГ СҮНГИ ҒАЛАБАСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УЛУФ НАМОЙИШ

Туркия қүшинларининг сүнгfi ғалабалари муносабати билан 6 ўктабр жума куни эски Тошкентда улуf намойиш ясалди.

Намойиш камисиялари томонидан тузылган эълон ва хитобномалар намойиш куни эрта билан зўрга ҳозирланиб, кўчаларга япиширилған бўлса-да, халққа бу хабар жуда тез етишиди. Соат 9 – 10 ларда жума майдонига халқ тўплана бошлади. Гўё халқ намойишга аввалдан ҳозирланғандек ҳар кимнинг чеҳрасида курсандлик кўрунуб турар эди. Соат 11 ларда Янги шаҳардан намойишга иштирок этиш учун қизил қўшунлар тушдилар. Ҳар томондан ўз байроқлари билан касаба уюшмалари, мактаб ва интернат талабалари ва маҳалла халқи тўпланғандан кейин ижроқўм томонидан ўртоқ Хўжамиёров намойишчиларнинг Шайхонтоҳур майдонига боришлиарини сўради. Шундан сўнг намойишчилар дарёси Шайхонтоҳурга қараб оқди.

Шайхонтоҳурда ҳам кўп халқ бор эди. Намойишга иштирок этмак учун Марказий ҳукумат ва турк комиссия аъзолари тушган эди. Бу ерда намойиш мажлиси музофот фирқа қўмитаси масъул саркотиби ўртоқ Абдулҳай раёсати остида очилиб, ўртоқ Рудзутакка сўз берилди.

**Ўртоқ Рудзутак Туркия қўшинларини саломлагандан кейин қўйидағича сўзлади:**

Ҳозирги Яқин Шарқда бўлуб турған уруш бундан 1-2 йил бурун бошланған уруш бўлмасдан, бир неча ўн йиллардан бери давом этиб келган урушларнинг давомидир. Farb катта бойларининг фабрика-заводларида тун-кун

кул каби ишлаб уларни роҳат-роҳат яшатмоқ учун ҳаммоллар қидирдилар – Ҳиндистон, Африқо, Австралиё каби ҳаммоллар кўп жойни ўзларига мустамлака қилишқа тиришилар ва бу йўлда қандай ғайришаръий бўлса ишлаб ўз мақсадларига эришдилар. Очкўз Оврупо жаҳонгирлари ва катта бойлари бунинг билан қаноатланмасдан, Яқин Шарқда ҳам бир қанча жойни ўзларига қаратиб олдилар. Лекин Яқин Шарқда ўз мақсадларига тамоман эришмаганлари учун Туркия давлати зўр тўсук бўлиб турар эди. Бундай хунук бир тўсикни ўртадан кўтармак учун Оврупо жаҳонгир ҳукуматлари бутун дунё урушидан илгари Осиёнинг жануб томонини Франсияга, шу Кичик Осиёнинг Бағдод темир йўлини Германияга, Истанбул ва Дарданелни Ангилтарарага деб ўзаро тақсим қилиб қўйған эдилар.

Бу тақсим Туркия давлати ўлмадан (бўлмасдан) бурун бўлинган бир мерос эди.

Туркия сultonни буларнинг мақсадини англамасдан, буларга ҳар вақт қўғурчоқлиқ вазифасини адо қилиб келди. Бунинг натижасида Оврупо уруши охирида Туркия давлати йиқилиб, Англия, Франсия таъсири остига тушиб қолди.

Туркия давлати ўлуб, унинг мулк-моли чин тақсимга келганда Англия, Франсия ўртасида катта чатақлиқ чиқди: бутун дунёни ўзига жалб этган чиройлиқ Истонбул, байналмилад аҳамияти бор бўлған Дарданел ва Чаноққалъа бўғози Англия луқмасига тушгандан кейин яна Туркия гавдаси устида жанжал чиқди. Бу ўртада Англияга маҳсус иғво, фасод ишга ошди. Англия иғвоси билан юонон қўшунлари Кичик Осиёга кириб, ҳар хил тартибсизликлар қилди.

Юонон ҳукумати ва қўшуни Англия ҳукуматига комил ишонган ҳолда ўзи кундан кунга кутурууб, бузуқчилиғни ошира борди.

Туркия халқига бундай хўрликларни кўтариш жуда оғир эди. Мустафо Камол, миллияти таҳқир этилган турк ишчи, дехқонини тўплаб, Анқарада юонларга қарши бир куч ташкил этиб, юонларга уруш очди. Ўзгариш



руҳи билан руҳланган Анқара қўшунлари кундан-кунга уруш майдонида янги ғалаба қозондилар. Ҳозирғи кунда турк қўшунларининг ғалабаси жуда қатъий ғалабалардан ҳисобланадур.

Туркияning бу ғалабаси Англияning мағлубиятидир. Шўролар ҳукумати Туркия қўшунининг ҳар бир ғалабасини суюнчилик билан қарши оладур.

Шўролар ҳукумати Оврупа ҳукуматларига бундан илгари берган нотасида бутун Туркияning эски жойлари ўзига қайтарулсун деб айтган эди.

Истанбул ва бўғозлар масъаласини ҳал қилмоқ фақат Англия билан Франсияning иши бўлмасдан, балки Дарданел атрофида яшағучи (масалан, Туркия ва шўролар Русиясининг) ҳукуматларининг ишидир.

Мазкур давлатлар ўзаро келишмагунча Англия, Франсия ҳукумати қанча қарор чиқарса-да, бизнинг учун аҳамияти йўқдур.

Фарб жаҳонгирлари, хусусан, Англияning тилаги Шарқда яшағучи миллатларни ўз таъсири остига олмоқдир.

Англияning Яқин Шарқда тутқан сиёсати Туркистондаги босмачиларга кўмак бериши Шарқни ўз қафасига туширмак учун қурилған бир ҳийла тузогидир. Бу тузоқ билан Туркия ва Шўролар ҳукуматини илинтира олмаған Оврупо жаҳонгир давлатлари бундан кейин ҳам ўз мақсадига ета олмайдир.

Ишонамизким, меҳнаткашлар тездан жаҳонгирлар панжасидан қутулуб, абадий биродарлик сулҳига етишиб, бекорга қон тўкушга хотима берурлар.

Яна бор.

Туркистон» газетаси, 1922 йил 14 октябрь

**ТУРК ҚЎШИНЛАРИНИНГ СҮНГФИ  
ҒАЛАБАСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УЛУФ  
НАМОЙИШ  
(боши ўтган сонда)**

Рудзутақдан кейин Туркистон Марказий ҳукумати номидан ўртоқ Ҳомидхонов Тур-

кия қўшинларининг ғалабаси ва унинг Шарқ ишчи, деҳқонига аҳамиятини, Русия-Туркия муносабати тўғрисида сўзлади. Қизил қўшун номидан ўртоқ Бурунин Яқин Шарқда бошланған Мустафо Камол тажовузини байналмилал аҳамиятини ва қизил қўшунларининг Мустафо Камол қўшунларининг ғолибиятига самимий қарашларини сўзлади.

**Маҳкамаи шаръия отидан Заҳириддин Аълам қуидагича сўзлади:** (Бу ерда Заҳириддин Аъламнинг нутқида шу йигиндан кейин масжиди жомеъда сўзлаган нутқини ҳам аралаштирилиб ёзилди)

«Ислом Маккада бошланди, мушриклар тааррузидан мусулмон бўлган кишилар Мадина га ҳижрат қилдилар. У вақт муҳожирлар ва уларга кўмак бергувчи Мадина мусулмонлари 1 мингдан ортмас эди. Мушриклар з минг қўшун билан келиб, Мадинани ўраб олдилар. Ҳар бир ишда оммани тўплаб машварат қилғучи пайғамбар улуғ бир мажлис чақирди. Мажлис натижасида шаҳар атрофига хандақ қазимоққа қарор қилиб, пайғамбар ўзига тушган ҳиссани кавлаб турар эди. Шунда пайғамбар Истанбул ҳақида «Ниъмал амиру амируҳо ва ниъмал жайшу жайшуҳо», яъни Истанбулни олувчи қўмондон ва қўшун қандай яхши бўлтур деди. Бу ҳадис умматга жуда қимматга тушди. Авлодига ундан ислом жумҳуриятини фасб қилғон уммавия истибоди шул ҳадисни ўзларига айтилган деб Истанбулға кўп ҳужум қилдилар; лекин қўлға келтира олмадилар. Уммавийларнинг Туркистонда қилған мазолими чегарадан чиқди, бутун Турон эли шошқан эди. Шу вақт машҳур Абу Муслим «Оли байт» байроғини кўтариб туркларни ўз кетидан эргаштиришга муваффақ бўлуб, туркларнинг қаҳрамонлиғи, урушдағи маҳорати билан оз кунда уммавия салтанатини ер билан яксон этди. Уммавия ийқилғандан кейин Оли Аббос бошига чиқиб, турк уруғларидан қўшун тўплаб, ўзлари фатҳ қилған Онатўлиға ерлаштириди. Халифаларнинг ахлоқи бузилған бир вақтда турклар ислом мудофаасида улуғ ишлар кўрсатиб тарихда муҳим ўрунни



ишғол этдилар. Ўзларидан халифа ва қўмандонлар ҳозирлаб футуҳотда давом этдилар. ... Фазнавий, Салжуқий каби сиёсий давлат эрлари етишириб буюк Ислом халифаси ташкил этибдилар».

(тағин бор)

«Туркистан» газетаси, 1922 йил 18 октябрь  
**ТУРК ҚЎШИНЛАРИНИНГ СҮНГФИ  
 ФАЛАБАСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УЛУФ  
 НАМОЙИШ**  
**(Боши 13 ва 14 нчи сонларда)**

Исломни йўқотмоқ учун ахли салб руҳонийлари Оврупо бойлари ва жаҳонгирларини кавлаб салб урушини чиқардилар. Икки аср давом этган салб урушидан исломни яна турк эли, турк қўшуни сақлаб қолди. Айубийлар ҳам Миср туркларидан мағлуб бўлди. Мўғуллар истилосида Салжуқий инқироз топди.

Чингиздан қочқан шоҳ Сулаймон Қашқар ва Фаргона ўртасидан 50 000 уйлик туркни бирга олиб Онатўлуга кирди. Унинг ўғли салжуқийларга куёв бўлиб, Румо чегарасини сақлаш вазифасини бошқарди. Салжуқий йўқ бўлғандан кейин ул Усмон пошша асирида бир мустақил давлат ҳолига келди. Оз кунда Эдирна орқали келиб Истанбулни фатҳ қилди. «Ниъмал амиру амируҳо...» ҳадиси Мұхаммад фотиҳ каби бир турк ҳақига айтилгани событ бўлди.

Турк файласуфлари ҳаракати билан ислом маданияти ва санъати ер ўзининг кўп қисмига жорий бўлди. Масалан, Фарғона, Самарқанд қоғоз корхоналаридан араблар таълим олдилар.

Маданиятнинг қалити ҳисобланған қоғозни хитойлар ипакдан ишлар эдилар, уни пахтадан қилиб умумлаштиրмак туркларинг ихтироси эди. Икки аср ичida асл салб шу ҳунарни ўрганиб, қоғоз воситаси билан тараққийга бошлади. Ёврупо қоғозни ўз тараққийси йўлида истеъмол қилған ҳолда мусулмон уламолари ўз ихтиrolари бўлған қоғозни

ўртадан чиқиб қолған тасаввуф маслагининг йўли бўлган «ҳилватда риёзат қилдим» деган сўфий истеъмолчилари тақлид қилиб фаний тадқиқотлардан кўра бир мунинг таржимаи ҳоли кароматига оид китобларни ёзиб, ўқуб ҳалқни фафлатга судраб кетди. Бу фафлат натижасида Ёврупо жаҳонгирлари ислом оламини ва бутун Шарқни маънавий асоратга туширди. Бундан икки аср илгари рус истибоддини турк ва ислом қавмига қарши кураштирилар. Сўнгфи умумий дунё уруши билан рус-турк ўртасида ўн мартараб улуғ ва қонлик уруш бўлуб, икки томондан ҳисобсиз меҳнаткашлар бўғузланди. Турк ҳукумати бундан то 100 йил илгари уйғонди, ўзининг қайси йўлга кириб борғонини сезди. Тараққий ва тамаддун йўлига қадам қўйди.

Туркларнинг кечирган тарихида ишнинг яна бир чатоқ ери бор эди. Ўн мартараб бўлған урушнинг кўпида Туркия мағлуб бўлуб, устига ҳар қандай оғир шартлар қўюлса-да, рози бўлмоққа мажбур бўлди. Дунё урушидан кейин турк давлати ва миллати моддий ва маънавий ҳукуқдан маҳрум этилди. Яъни Туркия давлати ўлди.

Шу вақит рус ишчи-дехқони озодлик байроғини кўтарди. Шу тарихда Туркия сultonи Англиз олтуниға сотилди, Истанбул таслим этилди. Макка, Мадина, Арзи муқаддас Англизнинг палид оёғи остида босилди, янчилди. Жидда каби муборак жойга уч юзлаб фаҳшона очилди. Англизларга бўюнсунмаган мусулмонларнинг ёш маъсум болалари найза учига илиниб, хотин-қизларининг ноғуси барбод этилди. Ҳар куни беш вақит нағозда қиблага қараган Онатўли меҳнаткашлари Англиз фаҳшонасига қараб сажда қилмоққа вижданлари қабул қилмасдан эр, ёш ва қари «Ё ўлум, ё истиқтол!» деб бош кўтардилар. 400 йиллик маданияти даврида етишган Ёвропанинг жаллод қуроллариға қарши бир ҳовуч турк қарши кўкрак кериб чиқди. Иккинчи томондан, шўролар ҳукумати турк камбағалларига табиий бўлған кўмагини берди. Душманлар бунга ҳасад қилдилар,



Туркия давлатини моддий ва маънавий ёқдан сиқиши йўлиға киришдилар; бу йўлда ҳар қандай ифлос кўча бўлса кириб чиқдилар. Турк халқининг олдинги кишиларнинг бир қисмини йўлдан чиқариб ўз фойдалариға ишлатмакка муваффақ бўлдилар. Уларнинг манфаатига ўз миллатини қурбон қилишни истамаган турк жамоат ходимлари умрига эгалик вазифасини ўтадилар. Берлинда Талъат пошани, Тифлисда Юсуф Жамол пошани ўзларининг яширин агентлари воситаси билан шаҳид этдилар. Юсуф Жамол поша Туркистонга таниш бир киши эди. Анқара – Русия ҳукумати, Афғонистон – Русия ҳукумати орасида бирлик вужудга келдириб, Шарқ меҳнаткашлари орасида бирлик – биродарлик тухумини сочгучи бир сиймо эди, унинг номардлар томонидан хоинона ўлдирилиши бизни ортиқча маъюс этди. Биз қандай қилиб маъюс бўлмайлиқ, биз бадбаҳтларнинг бошиға юборди. Четда униб, четлар таъсири билан бузилиб мамлакатига келган баъзи ўқувчилар уламоларга дастмоя бўлиб «янгилик исломга қарши» дедилар, турдилар.

Мана шунинг учун туркларнинг тараққиёти юз йилда камолотга етмади, 50 йилги ёпон тамаддуни ҳаммани шоширди. Сабаби, японлар илм ўрганишда ахлоқини бузмаған каби диний таассубга ҳам берилмагандир.

Нима учун бало, ҳасад тошлари ёғмасун? Қуръон пайғамбардек зотга «Сен бирорни ҳидоят эта олмайсан!» деб турғанда ҳар шаҳарда юзларча Қуръон сўзидан воқиф бўлған «завоти киромлар» хуржин кўтариб ўз дуолари баракасида халқнинг дунё ва охиратини бермакчи бўлуб қорин тўйдирмоқдалар. Бир томонда мингларча киши нон учун жон бериб турғанда амри маъруф ўрниға хуржин тўла тикувчи унсурларнинг ансоли кундан-кунга кучайган бир замонда Шарқда ҳисоби жуда озлиқни ташкил этган ислоҳ ямаш тарафдорлари Англиз сиёсатига аҳмоқ бўлиб алданған армани миллий фақуҷуқлари томонидан ўлдирилиб турса, бунинг учун

қон йиғлаш керак. Қон йиғлағучилар нодон ҳарифлар томонидан бизга хунук кўрсатилган ёшлар жадид номини кўтаргандар бўлди. Ҳақиқатда ҳам амалда ҳақиқий кўзи очиқ ўшал кишилар бўлуб чиқиб, муқаддас жойларимизни англизларнинг қўлиға тушмагига ачинувчилар ҳам шулар бўлуб чиқди. Шундай яис (тушкунлик)да қолған вақтимизда Онатўли музafferияти қулогимизга эшитилди. Онатўлу ғолибияти маънавий инқирозга юз тутқан ислом байроғини юқори кўтариб, Шарқнинг сиёсий, иқтисодий, илмий озодлиғиға етишга; Макка-Мадина каби ислом истинодгоҳининг душмандан тозаланишиға бизни ишонтирди. Истанбул Макка, Мадинанинг посбонидир.

Шуниси ҳам борким, бу муваффақият ва келгусидаги қатъий ғалаба туркларга арzon тушмас. Берган ва бературған қурбонлари оз бўлмас».

Заҳириддин Аъламнинг сўзи шунда битди.

Мазкур Заҳириддин Аълам жомеъда сўзлаган вақтида турк шаҳидлари ва Юсуф Жамол поша арвоҳига Қуръон ўқилмоқни ва изҳори таъзия қилмоқни сўради. Ҳамма халқ йиғлаб юборди. Қори Қуръон ўқиб, фотиҳа қилинди. Мулла Абдураҳмон қори турк ғалабаси тўғрисида дуо қилди. Халқ Мустафо Камолга табрик телегроми юбормоқни талаб қилди.

**Сўнгги сўз ўртоқ Тожиевга бериладир:** Юнонлар Туркия тупроғига қадам босқанида турклар ҳақида қилған ваҳшати Фарғона босмачилари томонидан ишланган ваҳшатларга жуда ўхшаш эди, Мустафо Камол пошанинг юнонларға берган зарбаси эса рус ишчи, дехқони томонидан Деникин қўшиниға берилган зарбанинг айнидир.

Бир вақит Деникин жуда тезлик билан Москав ва Тула дарвозаларига етишган эди. Рус қизил қўшуни бир неча кун ичида Деникинни Қора денгизга тўқди. Туркия қўшуни ҳам саккиз кун ичида юнонларни денгизга шупуриб тушурди. Юнонларнинг қочишиға келганда Деникиндан кўра обрўсизроқдир.



Юнон қўшинлари шундай шошқинлиқ ва тартибсизлик билан қочдиларким, ўнг ва чап биқинларидан турклар кесиб олиб қолдилар. Юнонлар ўз қўмондонини уруш ишидан хабарсиз деб айблаб янги қўмондон қўйған эдилар. Янги қўмондон уруш майдонига келиши билан қаҳрамон турк қўшинлари томонидан асир қилиб олинди.

Мустафо Камолнинг иш бошида қўллаған шиори Мармара денгизигача эди. Ҳозир шу мақсадига яқинлашиб Истанбул дарвозасини қоқиб турадир.

Мен бутун борлигим билан турк қўшинининг сўнгғи узул-кесил ғалабасини табрик этаман. Турк қўшунининг ғалабасини Шўролар Ру西яси ўз ғалабаси деб ҳисоблайдир.

Яшасун ўзининг озодлиги учун курашувчи жасур турк қўшуни!

Яшасун Ру西я-Туркия бирлиги! (Қаттиқ ва узоқ олқишилар ва байналмилал марши).

Ўртоқ Абдулҳай томонидан турк қўшунлари ғалабасини табрик этиб Анқараға телегром юборишни талаб қилиб, бу телегромни тузиб юборишни рајком партияга топширишни яқиндан сўрайдир.

Узоқ олқишилар билан бу таклиф қабул этиладир.

Музика турк миллий машқини чолиб бўлғандан кейин намойишчилар тарқалди. Шу кун Эски Шаҳар жомеъларининг кўпида Туркия ғалабаси ҳақида нутқлар сўzlаниб, дуолар қилинди.

### **Мухбир (имзо)**

*Юқорида берилган ҳужжатли манбалар асосида Захириддин Аъламнинг маданий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий жабҳада, ҳалқ манфаати, юрт фаровонлиги йўлида олиб борган қизгин фаолиятига гувоҳ бўлдик. Бироқ юрт қайгусида яшаган бу улуг шахснинг ҳаёт йўли фожиали якун топган. Қўйида ҳозиргача эълон қилинмаган, маҳфий архивларда сақланган ҳужжат ва материаллардан айримларини журналхон ҳукмига ҳавола қиласиз.*

1936 йил 8 февралда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси маҳсус бўлими з-бўлинмасининг оператив вакили И.Х. Даудовнинг тергов баённомасида қўрсатилишича, Захириддин Аълам Қосимхўжаев – ўзбек, бо ёшда, Октябрь райони «Регистон» масжиди имоми, японпарастлик, мағлубиятчилик тағиботини фаол иштирокчиси, маҳсус хабарчилар орқали Чугучак (Қашқар) даги муҳожирлар билан, жумладан, «Уламо» ташкилотининг собиқ раиси Азиз халфа Илхомжонов билан алоқа ўрнатганлиқда айланниб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-бандида белгиланган жиноятларни содир этишда гумонланиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган ва эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олинган. Бунга давлат хавфсизлик хизмати маҳсус бўлим бошлиғи ўринбосари Агабеков розилик берган, ЎзССР ички ишлар ҳалқ комиссари ўринбосари Леонов тасдиқланган. Ўша куни ёқ Захириддин Аълам қамоқقا олинган.

1936 йил 14 марта Захириддин Аълам ва бошқаларга қарши қўзғатилган 75-сонли тергов иши бўйича гувоҳ сифатида 1935 йил 13 майда Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий трибунали томонидан 10253-сонли тергов иши бўйича Чирчиқстройда жазо муддатини ўтаётган Мустафо Илёсов чақирилган. Маҳкум Мустафо Илёсов ЎзССР НКВДнинг судгача маҳбуслар уйига бир ой муддатга этап қилинган.

Захириддин Аълам Қосимхўжаев ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-қисми ва 67-моддаси билан айланган. У билан бирга Камолиддин Раҳмонбердиев, Иброҳим Тарпи, Абдусамад Шоҳидов, Шорасул Зуннуновлар ҳам ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-қисми ва 67-моддаси билан айланганлар.



Захириддин Аълам Қосимов



## ЎзССР НКВД давлат хавфсизлиги бошқармасининг 1936 йил 23 февралдаги маҳсус айблов холосаси

75-сонли иш бўйича 1. Заҳириддин Аълам Қосимов 66-модда 2-банди ва 67-модда билан айбланмоқда...

ЎзССР НКВД давлат хавфсизлиги бошқармаси маҳсус бўлими томонидан 1936 йил 23 февралда Тошкент шаҳрида фаолият олиб борган 5 кишидан иборат таниқли панисломчи мусулмон уламоларининг аксилинқилобий гуруҳи фаолияти тутатилди. Гуруҳ фаол аксилинқилобий фаолият олиб борган. Аксилинқилобий гуруҳнинг барча иштирокчилари ўтмишда «Миллий иттиҳод», «Шўрои ислом» ва бошқа яширин миллатчилик аксилинқилобий ташкилотларининг фаол аъзолари бўлганлар.

Аксилинқилобий гуруҳнинг қатнашчилари диний-ислоҳотчилик тарғиботини ниқоб қилган ҳолда ўзбек ишчилари орасида «гап»лар (ҳар 6 кунда бир марта навбат билан уюштириладиган йиғилиш), колхозчилар орасида «суҳбат»лар (диний масалалар бўйича жамоавий суҳбатлар), Эски шаҳар аҳолиси орасида «ифтор»лар (жамоавий овқатланиш, диний урф-одатлар асосида ташкиллаштирилган) уюштирганлар ва уларда ўзбеклар ва руслар ўртасида низо келтириб чиқариш учун фаол аксилинқилобий, антисовет тарғибот олиб борганлар, аҳоли орасида японпарастлик ва мағлубиятчилик руҳидаги тарғиботни амалга оширганлар деган айб қўйилган. Аксилинқилобий гуруҳ диний бирлик кўринишида социалистик мусобақа ўтказишни барбод этганликда ва ишлаб чиқаришда стахановча усулларни жорий этишига тўсқинлик қилганликда, давлат заёmlарининг сотилишига қарши тарғиботни амалга оширганликда, шу билан бирга, қишлоқ аҳолиси орасида аҳолини террор ва ғазовотга чақирувчи аксилинқилобий матнларни тарқатганликда, шаҳар аҳолиси орасида Туркияда чоп этилиб давлат ҳудудига ноқонуний йўл билан келтирилган «Жумҳурият»,

«Улус» ва бошқа газеталарни тарқатганлика айбланган. Ана шулар асосида қуйидаги 5 шахс судга тортилган:

**Заҳириддин Аълам Қосимов** – Уламоларнинг аксилинқилобий гуруҳи ишчи ва колхозчилар орасида аксилинқилобий ишларни амалга оширишдан ташқари ёшлар ва шаҳар интелигенцияси орасида ташкилий равишда аксилинқилобий фаолиятни олиб бориш учун ҳаракат қилган.

Панисломчиларнинг аксилинқилобий ташкилоти аъзоси Шорасул Зуннунов ёшларнинг Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Миллий ғолибият» аксилинқилобий ташкилоти билан алоқа ўрнатган ва ўзининг собиқ ўқувчилари орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борган (шахсий иш 229, 235-236, 295-298, 377-379, 381). Айбланувчилар Заҳириддин Аълам ва Абдусамад Шоҳидов ёшларнинг йиғилишларига қатнашганлар, йиғилишларда диний тарғиботни амалга оширганлар ва ёшларни аксилинқилобий йўналишда тарбиялашга ҳаракат қилганлар (шахсий иш 130-133, 234, 282, 287, 300, 369-371).

1935 йил ноябрда Абдуҳофиз Исмоиловнинг уйида бўлиб ўтган маҳсус йиғилишда айбланувчилар Заҳириддин Аълам, Абдусамад Шоҳидов ва Иброҳим Тарпилар қатнашганлар ва улар курашchan худосизлар жамияти ишига қарама-қарши равиша ишларни ташкил этиш мақсадида аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва ишчилар орасида аксилинқилобий гояларни ёйишга қарор қилганлар. Бу масала юзасидан тергов қилинган гувоҳ Исмоилов терговда шундай кўрсатма берган: «Биринчи навбатда ёшлар ва ишчилар орасида диний тарғиботни амалга ошириш зарур... Биз диннинг мусулмонларни миллат бўлиб шакллантиргани ва мусулмон миллатини ҳозирги маданий ҳолатга келтирганини кўрсатиб беришимиз, агар жамиятда диннинг ўрни йўқолса, мусулмон миллатимиз ҳам йўқ бўлишини тушунтиришимиз шарт» (Исмоиловнинг кўрсатмаси, шахсий иш 73, 369).



Йиғилишда диний тағиботни яхшироқ амалга ошириш учун жамоа бўлиб ислом динининг ривожланиш тарихини тушунтириб берувчи маҳсус дарслик яратишга қарор қилинганд. Бу мақсадда йиғилиш иштирокчилари дам олиш кунлари биргаликда йиғилиб, ўзлари ёзган бўлимларни ҳамкорликда муҳокама қилиш ва якка тартибда амалга оширилган ишларни ягона тўпламга жамлашга қарор қилинганд (шахсий иш 73, 79, 88, 96, 222, 234, 431).

Аксилинқилобий гуруҳ аъзолари Иброҳим Тарпи, Заҳириддин Аълам ва Шорасул Зуннуновлар аҳоли орасида мағлубиятчилик, японпарастлик тарғиботини амалга оширганликда айбланган. Гувоҳ Раҳимов кўрсатмасида Заҳириддин Аълам СССРнинг капиталистик давлатлар билан бўладиган уруши вақтида фронт ортидан зарба бериш учун совет ҳокимиyатiga қарши қуролли кураш олиб бориш foясини инсонлар онгига сингдиришга ҳарараткат қилганини қайд этган.

«Бу мамлакатларда миллий рух кучли ва бутун халқ бир бўлиб жамланган, бизда эса аҳолининг ярми совет ҳокимиyатидан норози, шунинг учун яқинлашиб келаётган урушда совет ҳокимиyати мағлубиятдан қочиб қутула олмайди. Бу уруш мусулмонларни совет ҳокимиyатидан қутқариши мумкин, фақатгина бу урушда мусулмонлар ҳам қўлига қурол олиб фронт ортида қўзғолон кўтаришлари лозим. Афғонистон, Эрон ва биринчи навбатда таъқибдан қочган шахслар кўмагида мусулмонлар тарихда бўлганидек ҳаммаси жисплашиб қўзғолон кўтарадилар» (гувоҳ Раҳимовнинг кўрсатмаси, шахсий иш 54, 393).

Гувоҳ Абдуҳофиз Исмоиловнинг айтишича, Заҳириддин Аълам 1935 йил сентябрда Иномжон сандиқчининг уйидаги янгиловчилар йиғилишида ошкора равишда японпарастлик тарғиботини амалга оширган. Жумладан, у шундай деган: «Мусулмонлар Япониядан ўрнак олса фойдалироқ бўлади. Япония мусулмонлар манфаатини ҳимоя қиладиган ягона мамлакатdir» (Исмоиловнинг кўрсатмаси, шахсий иш 74).

Аксилинқилобий гуруҳ ташкилий ишларни бошлашга ҳаракат қилган, бу мақсадда аҳолининг диний қатлами орасида ва диний хизматчилар орасида антисовет ташкилотлари тузишга тайёргарлик ишларини бошлаганлар. Гувоҳ сифатида сўроқ қилинганд Тошкентдаги Шайхонтоҳур масжиди имоми Абдувоҳид қорининг таъқидлашича, 1934 йили у билан сухбатда айбланувчилар Камолиддин Раҳмонбердиев ва Заҳириддин Аълам Қосимовлар ҳозирги вақтда аҳоли орасида фаол тарғибот амалга ошириш кераклиги ва шу мақсадда жамиятлар тузиш кераклигини айтишган (шахсий иш 27, 68, 150, 269, 274, 388, 389).

Гувоҳ Аҳмадёровнинг кўрсатишича, 1934 йили у Заҳириддин Аъламнинг топшириғига биноан унинг ва Камолиддин Раҳмонбердиевнинг хати билан Фарғона водийси районларига диний таълим олиш учун борган (шахсий иш 50, 80, 320, 356).

Аксилинқилобий гуруҳ хориждаги муҳожирлар билан ҳам алоқаларга эга бўлган. Масалан, 1935 йили Бомбейдан ноқонуний йўл билан Тошкентга Заҳириддин Аълам Қосимовнинг қариндоши, собиқ кўрбоши, муҳожир Жамолиддин Камолиддинов (судланган, ҳозирда шимолий лагерларда жазо муддатини ўтамоқда) келган. У хориждаги ўзбек муҳожирлари антисовет ташкилотининг аъзоси бўлиб, аксилинқилобий гуруҳ аъзоси Иброҳим Тарпининг хорижга кўчиб кетишига ёрдам бермоқчи бўлган...

Аксилинқилобий гуруҳнинг аъзоси сифатида ЎзССР Жиноят кодекси 66-моддаси 2-қисми ва 67-моддасида кўрсатилган жиноятларни содир этганлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб:

Заҳириддин Аълам Қосимов (унинг ўзи Зухриддин Аълам Қосимхўжаев) ўзбек, паспорти бўйича 1867 йили туғилган, ўзининг айтишига қарагандан, 1861 йили туғилган, Тошкент шаҳрида яшаган, партиясиз, олдин тугатилган «Миллий иттиҳод», «Иттиҳоди ислом», «Миллий истиқол» аксилинқило-



бий ташкилотларининг аъзоси бўлган, касби ва машғулоти – диний хизматчи – аълам (олий рутбадаги диний хизматчи), олий диний маълумотга эга, оилали, судланмаган. У аксилинқиlobий мақсадда диний хизматчиларнинг аксилинқиlobий гуруҳига раҳбарлик қилган, ташкилот аъзолари диний қарашларни сингдириш ниқоби остида ишчилар, колхозчилар ва ёшлар орасида фаол антисовет, мағлубиятчилик ва японпаратлик тарғиботини олиб борганлар. Аҳолини террористик ҳаракатларга ундовчи аксилинқиlobий ҳужжатлар тарқатганлар ва хориждаги муҳожир аксилинқиlobий гуруҳлар билан алоқа ўрнатганлар, яъни ЎзССР Жиноят кодекси 66-моддаси 2-қисми ва 67-моддасида кўрсатилган жиноятларни содир этган. У ўзига нисбатан илгари сурилган айбларига қисман иқрор бўлган (шахсий иш 57, 146, 215).

ЎзССР НКВД давлат хавфсизлиги бошқармаси махсус бўлими з-бошқармаси бошлифи Матвеев томонидан ёзилган маълумотномада Заҳириддин Аълам Қосимов 1936 йил 22 февралда ҳибсга олинган ва Тошкент қамоқхонасида ҳибса сақланаётгани қайд қилинган. Унга нисбатан жиноят ишининг 2-томига Заҳириддин Аълам ва Камолиддин Раҳмонбердиевлар томонидан ёзилиб, Ҳасан Аҳмадёровнинг Фарғона водийсига жўнатилаётганлиги ҳақидаги хат ҳам тикиб қўйилиши кераклиги қайд этилган. Бундан ташқари, жиноят иши ҳужжатлари орасидаги махсус конвертга Заҳириддин Аъламга тегишли ЮА №177893 сеりяли янги намунадаги ва №051553 рақамли эски намунадаги паспортлари жойлаштирилганлиги ёзилган.

1936 йил 26 июлда ЎзССР НКВД давлат хавфсизлиги бошқармаси ҳисоб-архив бўлими бошлифи, давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Яковлев ЎзССР НКВД Лагерлар, меҳнат посёлкалари ва қамоқхоналар бўлими бошлифи Шишмаревга ёзган хатида Ўзбекистон ССР Олий суди махсус коллегияси 1936 йил 3 июня 8 йил қамоқ жазосига тортилган жазони Ўрта Осиё пагорининг Но-

риндаги бўлимида ўтаётган Заҳириддин Аълам Қосимовни оператив мақсадларда ЎзССР НКВД маҳбуслар уйига вақтинча келтиришига рухсат сўраган.

ЎзССР НКВД давлат хавфсизлиги бошқармаси архив назорат бўлими бошлифи, давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Яковлев 1936 йил 17 сентябрь куни ЎзССР НКВД коменданти, давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Шишкандан маҳбус Заҳириддин Қосимовни махсус хат билан Тошкент қамоқхонасига келтириши сўраган. Заҳириддин Аъламни 10 – 12 киши сақланаётган умумий камерага жойлаштириши ва уни Тўрахўжаев Убайдулла билан бир камерага қўймасликни сўраган.

Яковлев 1936 йил 16 сентябрда Тошкент қамоқхонаси бошлиғидан Заҳириддин Аълам Қосимовни зудлик билан ЎзССР НКВД маҳбуслар уйига келтириши талаб этган. Терговдан сўнг маҳбус яна Тошкент қамоқхонасига қайтилиши талаб этилган.

1936 йил 10 декабрда ЎзССР НКВД давлат хавфсизлиги бошқармаси ҳисоб-қайд қилиш бўлими бошлифи, давлат хавфсизлиги лейтенанти Бароненко Тошкент қамоқхонаси бошлиғидан Заҳириддин Аълам Қосимовни бошка жойга кўчирмасликни талаб этган.

ССР НКВД давлат хавфсизлиги бошқармаси махсус бўлими з-бўлинмаси бошлифи Булатов Яковлевдан Иброҳимов Тарпи, Заҳириддин Аълам Қосимов ва бошқаларнинг 75-сонли жиноят ишини юборишни сўраган. Унга кўра 75-сонли тергов иши 68158-йўлланма хат билан 1936 йил 22 сентябрда Москвага жўнатилган.<sup>1</sup>

ЎзССР НКВД давлат хавфсизлиги бошқармаси 8-бўлим бошлифи Вороненко 1937 йил 13 февралда Тошкент қамоқхонаси бошлиғидан Заҳириддин Аълам Қосимовни маҳаллий лагерлардан бирига юбориш, унинг устидан қатъий назорат ўрнатишни талаб қилган.

Ўша 75-сонли иш бўйича айланганлардан яна бири Тошкент 2-трамвай депоси қурили-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати архиви, №4289-ийнга жилд, 15-, 54-, 65-, 66-, 71-, 72-варажлар.



шида дурадгор бўлиб ишлаётган Абдусамат Шоҳидовдир. Унга нисбатан қўйидаги айблар кўйилган эди: 1. Ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётганида жамоат билан бирга намоз ўқишни ташкил этган, «гап» йигилишларида диний-тарғибот ишларини олиб борган, меҳнаткашларни қизиктирган масалалар юзасидан сұхбатлар үтказган. Бироқ у меҳнаткашларнинг саволларига доимо антисовет руҳда жавоб берган, совет ҳокимияти ўзбекларнинг эмас, русларнинг кучи эканлигини таъкидлаган. 2. Давлат ссудалари масаласида Шоҳидов ишчиларга совет ҳукумати мажбуран ссуда ортидан кетаётганини, облигация бўйича ютуқ бўлса, ссудага обуна бўлиш гуноҳ эканлигини, улар шахсий эҳтиёжлари учун фақат облигацияларнинг номинал қийматини ютуқсиз олишлари мумкинлигини тушунтирган. 3. 1936 йил январида Абдусамат Шоҳидов ишлаб чиқариш интизоми масалаларини муҳокама қилган ишчилар – дурадгорлар жамоасининг

умумий йигилишида маъмуриятни бажарилган ишларга ҳаддан ташқари талабчанликда, демагогликда айبلاغан, ўз вақтида ишлашга ва ишдан кетишга амал қилмаганлик учун белгиланган жазоларга қарши чиқсан.

1936 йил 5 марта А.Шоҳидов 21 кишидан иборат дурадгорлар бригадаси устаси Солиҳов орқали маъмуриятга тазиик үтказиб иш ҳаки камлигини рўкач қилиб уларни ишдан бўшатишга урингани қайд этилган.

А.Шоҳидовга 1935 йил кузида Янгийўл районидаги колхозларга саёҳатлар уюштириб, йигинлар үтказиб, диний тарғибот олиб бориши жараёнида советларга қарши ташвиқот олиб борган, ишчилар ва колхозчилар орасида антисовет ишлари билан бир қаторда ёшлилар ва зиёлилар ўртасида ҳам аксилинқиlobий фаолият олиб борган деган айб кўйилган. Заҳириддин Аълам Қосимов бошчилигидаги 5 кишидан иборат гуруҳнинг айловлари бўйича 75-сонли тергов иши тайёрланган.<sup>1</sup>

**Давоми келгуси сонда...**



# АКАДЕМИК ЗИЁ БУНЁДОВ – ЎЗБЕК ВА ОЗАРБАЙЖОН ДЎСТЛИГИ ТИМСОЛИ

Умид Бекмуҳаммад,  
Хоразм Маъмун академияси таянч докторанти

Ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидағи дўстона алоқалар қадим даврларга бориб тақалади. Ўзининг таҳсинга сазовор фидо-корона илмий фаолияти билан бу икки халқ, икки миллатнинг узоқ ва яқин тарихидаги дўстлигига катта ҳисса қўшган, туркий халқларнинг фахру ифтихори даражасига кўтарилиган буюк шарқшунос олим Зиё Мусо ўғли Бунёдовнинг табаррук 100 йиллиги она юрти

Озарбайжонда кенг нишонланди. Қадимий ва гўзал Боку шаҳрининг шоҳқўчаси унинг номи билан аталган. Бу илм фидойиси ҳақиқий байналмилал инсон эди. Мусо оға ўзбек халқининг ҳам энг қадрдан дўстларидан бири бўлган.

Олимнинг озарбайжон ва ўзбек халқларининг бой ва кўркам тарихига оид кўплаб асарлари хорижий тилларда эълон қилин-



Чапдан биринчи Ҳайдар Алиев, рўппарасида Зиё Бунёдов



ган, икки халқнинг буюк қаҳрамони афсонавий Жалолиддин Мангубердининг шонли, ибратли ҳаёт йўлини бу олимнинг асарлари сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай улуғ зот бундан бир аср муқаддам Озарбайжоннинг Астара шаҳрида Мусо Мавсум ўғли Бунёдов ва Раиса Михайловна Гусакова оиласида таваллуд топганди. Отасининг келиб чиқиши озарбайжонларнинг ардоғидаги бибиэйбатлик аллома шайхларига бориб тақалади. Зиёнинг болалигиданоқ озарбайжон, араб, рус тилларини ўрганиши учун эътибор қаратишган.

Гарчи болалик ва ўспириинлиги фоят алғовдалғовли 1930 – 1940 йилларга тўғри келган бўлса-да, Зиё Бунёдов илмга интилади ва тарих фанига қизиқади. Мактабни битириб, Бокудаги ҳарбий билим юритида таҳсил олади. Ўқишини тугатгач, 1941 йилнинг май ойида Молдавияда ҳарбий фаолиятини лейтенант унвони билан бошлайди. Орадан кўп ўтмай Иккинчи жаҳон уруши собиқ Иттифоқ ҳудудига ҳам кириб келади.

Зиё Бунёдов уруш давомида Молдавия, Украина, Кавказ, Беларуссия, Польша, Германия ҳудудларидаги жангларда фашистларга қарши кураш олиб борди. Кавказда бўлган жангларнинг бирида бошидан, Туапсинскда эса оёғидан яраланиб, операция қилинган. Таганрогдаги ҳарбий госпиталда даволаниб чиққач, яна жанг майдонларига отланади. 1942 йили «Красная звезда» газетаси Зиё Бунёдовнинг жангларда кўрсатган жасорати тўғрисидаги мақолани чоп этганди.

Табиатан ҳақиқаттгўй, қолаверса, ҳарбий маҳоратга эга бўлган, урушларда чиникан Зиё Бунёдов навбатдаги операция режасини тузайтган вақтда ҳарбий амалдор билан баҳслашгани сабаб жарима ротасига юборилади. Бироқ ватанпарвар Зиё Бунёдов учун жангни қандай қисмда олиб бориш эмас, душманга зарба бериш муҳим эди. Натижада 123-жарима ротасининг командири, капитан З.Бунёдов ўз аскарлари билан Шарқий Евро-

па давлатларини фашистлардан тозалашда қаҳрамонларча жанг қилиб борди. 1945 йил январь, февраль ойларида Висла, Одер дарёси бўйларида жангларда душманнинг 45 зобит ва аскарини йўқ қилади, кўплаб қуроляроғларни қўлга киритади. Ана шу жанговар хизматлари учун 1945 йилнинг 27 февраляда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланади. 1412 кечаю кундуз давом этган уруш давомида фақат жарима ротасидаги икки жангчигина бундай юксак ҳарбий унвонга сазовор бўлгани тарихдан маълум. Улардан бири Зиё Бунёдов эди...

Уруш 9 май куни собиқ Иттифоқ ғалабаси билан якунлангач, Зиё Бунёдов Германияни нацистлардан тозалаш ва тиклаш жараёни бораётгани боис Берлиннинг Панков тумани ҳарбий коменданти ёрдамчиси бўлиб ишлашда давом этади. Бу вақт давомида Германия Демократик Республикасининг тараққий этишида кўрсатган хизматлари учун «Ваффенбрудершафт», Артур Беккер медаллари ҳамда Берлиннинг Панков тумани фахрий фуқароси унвони берилади.

1946 йили подполковник Зиё Бунёдов истеъфога чиқади ва Москва давлат шарқшунослик институтига ўқишига киради. 1950 йилда институт таҳсилини тугатгач, Москва давлат университети аспирантурасида илмий тадқиқот ишларини бошлаб юборади ва 1954 йил май ойида номзодлик ишини муваффақиятли ёқлади. Ўша йилнинг август ойида она юрти Бокуга қайтиб, Озарбайжон Фанлар академиясининг Тарих институтида фаолият кўрсатади. Унинг илмий йўналиши Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари тарихи ва маданияти, Озарбайжон Отабеклари давлати, Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар давлатининг шаклланиши ва довруқ таратган даври ҳамда мўғуллар истибододига қарши олиб борилган озодлик кураши тарихини қамраб олган. 1964 йили докторлик диссертацияси ни ҳимоя қилган, 1965 йили профессор, 1976 йилда академик унвонига сазовор бўлган бу



илм дарғаси 1982 йили Озарбайжонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлди. 1981 – 1997 йилларда Озарбайжон Фанлар академияси Шарқшунослик институтини бошқарди. 1990 – 1997 йилларда Озарбайжон Фанлар академияси вице-президенти бўлиб фаолият кўрсатди. Зиё Бунёдов ҳам дунёвий, ҳам диний фаннинг ривожи ҳақида ғамхўрлик қилган ва шу муқаддас иш йўлида заҳмат чеккан, мустаҳкам иродали илм кишиси эди. Қуръони каримни озар тилига таржима қилиб нашр этишдек улкан юмуш унинг зиммасига тушган.

Зиё Бунёдов советлар давридаги мафкурабозлар, гуруҳбозлардан чўчимай, туркий қавмлар тарихини холис ва ҳаққоний тадқиқ этди. Мана унинг асарларидан айримлари: «Озарбайжон VII – IX асрларда», «Озарбайжон Отабеклари давлати», «Озарбайжоннинг тарихий жуғрофияси», «Каспий денгизи араб манбаларида», «Сафаратнома» асарининг Усмонийлар элчилиги ва Россия-Усмонийлар алоқалари тарихини ўрганишдаги роли».

Шарқ ҳалқлари тарихини ўрганишда беқиёс манба бўлган Шиҳобиддин ан-Насавийнинг «Жалолиддин Мангуберди» асарини арабчадан таржима қилиб, 1973 йилда чоп эттиради. Шу давр билан боғлиқ тадқиқотини давом эттириб, «Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар давлати» номли монографияни яратади. Бу асарни ёзиш жараёнида Зиё Бунёдов 118 та араб, форс тилларидаги қўлёзма асарлар, дунёнинг турли тилларида нашр этилган 40 та илмий адабиёт билан танишиб, уларни таҳлил қилганининг ўзиёқ олимнинг мавзуни нақадар кунт билан тадқиқ этганидан да-лолатдир. Бундан ташқари, монографияда Жалолиддин Мангуберди билан сафдош бўлиб, унинг ҳалокатидан сўнг Туркия ва Сурия сарҳадларида яшаб қолиб кетган хоразмликларнинг ҳаётини ҳам ёритиб берган эди.

1974 йили Хоразм вилоят партия комитетининг мафкура бўйича котиби, тарихчи олим Ражаб Жуманиёзов Боку шаҳрига бо-

ради. Ўшанда иккала тарихчи ҳалқлар ўтрасидаги азалий дўстлик, озарбайжон тили ва Хоразм шеваси ўртасидаги умумийлик, ҳалқ қаҳрамони Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий, сиёсий фаолияти ҳақида суҳбат қургандилар.

Бунёдовдек буюк аллома билан айнан у киши яшаб ўтган Боку шаҳрида учрашишга муваффақ бўлган шоир ва таржимон Мирализ Аъзам мана бу сатрларни ёзган:

«Зиё Бунёдов номини мен «Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар давлати» китоби орқали танигандим. У йилларда ҳали ҳалқимиз ўз тарихини, айниқса, шоҳлар тарихини ўргана олмасди. Мен В.В.Бартольднинг «Туркистан мўгуллар босқини даврида», С.П.Толстовнинг «Қадимий Хоразм қивилизациясини излаб» номли тадқиқотларини ўқигандим. Бадиий асарлардан В.Яннинг «Чингизхон», Г.Абашидзенинг «Ялдо кечаси», романларини, Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» трагедиясини билардим. Аммо Хоразм тарихига оид бошқа китоблардан хабарсиз эдим. Шундай бир шароитда Зиё Бунёдовнинг хоразмшоҳлар ҳақидаги илмий иши саҳрода учраган қудукдай бизнинг авлодга таъсир қилган эди. Китобдан Хоразмшоҳлар салтанати 134 йил ҳукм сурганини, Муҳаммад Қутбиддин Хоразмшоҳ гарчи Чингизхон босқини даврида журъатсизлик қилган бўлса ҳам, аслида, у қадар ёвуз ҳукмдор бўлмаганини, у давлатни бошқарган зо йил ичida мамлакат бениҳоя юксалганини ўқиганимда Хоразм ҳақидаги тушунчаларим бутунлай ўзгариб кетди. Ўзингиз ўйланг: поитахти Урганч бўлган бу давлатнинг ҳудуди бутун Мовароуннаҳр, Хуросон, Мозандарон, Кирмон, Ироқ, Озарбайжон, Сейистон, Газнадан тортиб Таласгача, Фарғонадан Ўзгангача қанчадан-қанча ҳудудларни қамраб олган эди. Шунингдек, миллий шаҳар қурилиши тизимлари, ҳарбий низомларимиз, юзга яқин ҳарбий атамалар, сарой ва давлат хизматчиларининг номлари, маҳсус вазифалари, пул муносабатлари,



маданий ҳаёт тафсилотлари, қўйингки, китобнинг мазмуни ва маълумотлар доираси ҳаддан зиёд кенг эди; шу боис менда ўша мутолаа кунларидаёт муаллиф билан учрашиш иштиёқи авж олди.

1986 йилнинг охирида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт фондидан Озарбайжон ёзувчиларининг ижод уйига йўлланма олдим ва олим билан учрашишга муваффақ бўлдим. Олимни излаб Бокудаги Шарқшунослик институтига, олимнинг расмий иш жойига бордим. У мени ҳеч қандай расмиятчиликсиз, самимий қабул қилди. Биринчи кўришида бу киши озарбайжон эмас деб ўйладим. Чунки сиёқи оврўпаликларга ўхшар эди: оқсариқдан келган, рус музикларидаи миқти, кўккўз, жингалак соchlари кўнгир эди. Суҳбатимиз ҳазил-хузул аралаш, самимий оҳангда бошланди.

– Кечирасиз, сиз озарбайжонларга ўхшамайсиз, – дедим кўнглимга келган гапни яшира олмай.

– Онам рус, отам озарбайжон. Миллат шарқда отага қараб белгиланади ё сиз бошқача ўйлайсизми? – деди у кулиб.

**– Йўқ, йўқ, мен ҳам сиздай ўйлайман, – дедим жилмайиб.**

– Меним исмим, аслида, Зиёвуддин, отам Мусо шайх, отамнинг отаси Маъсум шайх, бобомнинг отаси Маҳди шайх ва ҳоказо. Мен ҳужжатлар асосида шажарам тарихини ўрганиб, 15 авлодим шайх бўлганини ва уларнинг исм-шарифларини аниқлаганман. Мана улар, – деди у қўлимга ташрифномасини чиқариб бериб.

Ундан билдимки, Бунёдов фамилиясидаги «Бунёд» исми 15-аждодининг оти экан. Шулаҳзадаёт унга ҳавасум келиб кетди. Биз шўринг қургур ўзбек зиёлилари нари борса учинчи ё тўртинчи, баъзан бешинчи аждодимизни биламиз, холос. Мен ичимда бош кўтарган уятни босиб, гапни бошқа ёққа бурдим:

**– Сизни Зиё Мусаевич десам, ўзимни руслардай, Зиё муаллим десам, озарбай-**

жондай ҳис қилипман. Ўзбекчасига домла ёки Зиёвиддин ака десам, сизга ғалати кўринармикин...

– Зиёвуддин ака деяверинг, ўрганиб кетганман.

**– Ўрганиб кетгансиз? Қандай қилиб?**

– Кеннойингиз ўзбек. Тошкентдан, Чемпион кўчасида туришарди. Исми Тоҳира. Ўлари 1966 йилдаги зилзиладан кейин бузилиб кетди. Аёлим томондан қариндошларимиз кўп у ёқда. Ҳар иши бўлмасаям, иил ора бориб турамиз Тошкентга.

**– Ҳозир қаерда ишлайдилар кеннойимиз?**

– Боку радиосида ишлайди. Ўзи шарқшунос. Турк адабиёти бўлимини бошқаради радиода.

**– Болаларингиз...**

– Икки ўглимиз бор. Иккови ҳам шарқшунос. Жамил Москвада Шарқ тиллари институтининг Осиё ва Африка адабиёти бўлимида. Ҳайдар араб тили бўйича мутахассис. Ташиб ишлар вазирлигида ишлайди.

**– Кеннойимиз ўзбек бўлгани учун ўзбек тарихига қизиқиб қолган экансиз-да?**

**– дедим яна ҳазиллашиб.**

– Аксинча, ўзбеклар тарихига қизиқиб қолганимдан ўзбек қизига ўйланганман, – деди олим ҳазилимга ҳазил билан жавоб қайтариб. Сўнг жиддий тортиб худди ўзига ўзи гапиргандай хаёлга чўмганча гапини давом эттируди: – Илгарилари ўзбек тарихи, озарбайжон тарихи деган гаплар йўқ эди. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, озарбайжон, уйгур бир-биридан ажратилмас, ҳаммалари бир ўзувдан – араб алифбосидан фойдаланишар, таржимага ҳам эҳтиёж йўқ эди. Ислом давлатларининг биронтасида тарих миллий белгилар асосида ёзилмаган. Ҳозир ихтиёrimизда барча мусулмон ҳалқларининг яхлит бир тарихи бор. Буларнинг ҳеч бирини бир-биридан ажратиб ўрганолмайсиз.

Мана, мен... энг олдин, 1950 йилларнинг охирида, Озарбайжоннинг VII – IX асрлардаги тарихини ўрганмоқчи бўлгандим. Бунинг учун



арабча, форсча, туркча, сўнгра русча таржи-  
малари орқали хитойча, лотинча, французча  
солномаларни ўрганишга киришиб кетдим.

– Кечирасиз луқмам учун... Сиз Ан-  
Насавий таржимасини Собир Раҳимовга  
бағишлагансиз. Мабодо Иккинчи жаҳон  
урушки жанггоҳларида бирга бўлмаганми-  
сиз?

– Йўқ... Мен шунчаки Жалолиддиндай  
шахсларни берган халқдан Собир Раҳимовдай  
қаҳрамонлар чиқаверишига ишора қилган-  
ман. 1946 йили Москвадаги Наримонов номли  
Шарқшунослик институтига ўқишига кирдим.  
Кейин илмий фаолиятим бошланди.

1965 йилда Озарбайжон Отабеклар дав-  
латининг тарихини ёзишига киришидим. Бу-  
нинг учун аввал Ал-Бакувийнинг «Талхис ал-  
осор ва ажойиб ал-Малик ал-Қаҳҳор» (Қаҳҳор  
ҳукмдордан қолган ажойиб асарларнинг сай-  
ланмаси), сўнг Шиҳобиддин Муҳаммад ан-На-  
савийнинг «Сийрат ул-султон Жалол ид-дин  
Менкбурни» (Султон Жалолиддин Менкбур-  
нининг ички дунёси) асарларини арабчадан  
русчага таржима қилдим. Бакувий асари  
Москвада 1970 йилда, Насавийнинг китоби  
эса Бокуда 1973 йилда нашр этилди. Бундан  
ташқари, Ибн ал-Фувайтий, Ибн ас-Соий,  
Ибн ал-Дубайсий, Ал-Яздий, Ан-Нишопурий,  
Ал-Ҳусайниний ва бошқа юзлаб адабларнинг  
араб, форс, инглиз, рус тилидаги асарлари-  
ни ўрганиб чиқдим. Ана шундан кейингина  
«Озарбайжон Отабеклар давлати. 1136 – 1225  
йиллар» номли китобим дунёга келди. Ушбу  
асарим 1978 йилда Бокуда нашр этилгач, Дав-  
лат мукофотига ҳам сазовор бўлди.

Биласизми, тарих шундай бир мўъжиза-  
ки, бир асар иккинчисининг ёзилишига олиб  
келаркан. Отабеклар давлати тарихини ёз-  
ганимдан кейин Хоразмшоҳлар тарихини ёз-  
масам, жонум тинчимаслиги аён бўлиб қол-  
ди. Аммо Хоразмшоҳлар давлати тарихини  
ёзишдан олдин яна бир неча тарихий ишлар-  
ни юзага чиқаришга тўғри келди. Энг бирин-  
чи Садриддин ал-Ҳусайнининг «Ахбор ад-дав-

ла ас-Салжуқийя» (Салжуқийлар давлати  
ҳақида хабарлар) китобини таржима қилиб,  
Москвада 1980 йилда чоп эттиришга муваффақ  
бўлдим. Кейин Озарбайжон Фанлар ака-  
демиясининг «Ахбороти»да «Хоразмшоҳлар  
давлатининг ҳарбий ташкилоти» (1982 йил  
1-сон), «XVII аср Усмонли тарихчиси Иброҳим  
Афанди Пачавийнинг асарида Хоразмшоҳ та-  
рихига оид маълумотлар» (1984 йил 4-сон)  
каби ишларимни эълон қилдим. Шу тариқа  
«Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар давлати» аса-  
рим Москванинг «Наука» нашириётидаги 1986  
йилда чоп этилди».

Миразиз Аъзам билан суҳбатдан маълум  
вақт ўтиб, 1988 йили Зиё Бунёдов Хоразмга  
ташриф буюради. Бу ташриф ўша пайтда  
кatta тадбирларга сабаб бўлган, воҳаликлар  
озарбайжон олимини Огаҳий номидаги ви-  
лоят театрида ўтган тадбирда «Урганчнинг  
фаҳрий фуқароси» этиб сайлашганди. Бу Гер-  
маниянинг Панков, Озарбайжоннинг Астара,  
Гёкчай шаҳарларидан кейин Зиё оға фаҳрий  
фуқароси бўлган тўртинчи шаҳар эди. Зеро,  
Зиё Бунёдов шунга лойиқ шиҷоатли инсон  
ва ҳақпарвар олим эди. Негаки у тарихда Хо-  
размшоҳ-Ануштегинийлар давлатининг хал-  
қаро миқёсда тутган ўрни, нуфузи, халқаро  
алоқалари, фан ва маданиятга қўшган ҳисса-  
си, Жалолиддин Мангубердининг истибодод-  
га қарши курашган қаҳрамонлигини илмий  
асослаб берганди. Ўша сафар давомида Зиё  
оға билан бирга бўлган эколог олим Озод Ҳу-  
саннов бу ҳақда шундай деганди: «Зиё оға  
нафақат туркий халқлар тарихи билан шу-  
ғулланувчи тарихчи, айни пайтда, бугун ва  
келажакни ўйлайдиган, эркин фикрли инсон  
ҳам эди. У менинг Орол ва Каспийга, шарқ  
халқлари сув хўжалигига оид лойиҳаларим-  
ни қўллаб-қувватлаган, унинг аҳамиятини  
тушуниб етган кам сонли олим эди. Инсти-  
тут, мактаблардаги учрашувларда экология,  
табиатни асраш, халқлар ўртасидаги дўст-  
лик ҳақида сўзларди. Мен у билан кейинча-  
лик Боку шаҳрига бориб учрашганимда озар



халқининг нақадар уни эъзозлашига гувоҳ бўлганман. Бокуда меҳмонхонага жойлашиб, кейин унинг ишхонасига борганимда: «Озод, сен нафақат менинг, балки бокуликларнинг, озар халқининг меҳмонисан, сени Бокуга мен таклиф қилган эканман, уйимда яшашинг керак», – дея уйининг шинам хонасини, «Волга» машинасини менга ажратиб берганди. Кейин Орол, Каспий денгизлари, Саудия Арабистони, Россия, Хитой, Қозогистондаги чўл ҳудудларга канал қазиб олиб бориш ҳақидаги таклиф-лойиҳаларим билан танишиб, Москвадаги Сув муаммолари институтига биргалиқда борди, мени қўллаб-қувватлади. Зиё оға билан суҳбат, сафарларда бундай уйғок, тийрак фикрли инсоннинг журъатига қойил қолардим. У билан Урганчда тушган сурат, олим менга совға қилган Л.Гумилёвнинг Каспий атрофига доир энг ноёб китобини ардоқли, муқаддас инъом сифатида асрайман».

1988 йилдаги Хоразмга ташрифи давомида 4 кун бўлиб, замондошлари ҳаёти, фаолияти, воҳадаги экологик ҳолат, маданий мерос обидалари билан танишган, «Хоразм ҳақиқати», «Хорезмская правда» газеталари таҳририяти, Хоразм вилоят телерадиокомитетида учрашувлар ўтказганди.

Зиё Бунёдовнинг Ўзбекистонга сафаридан сўнг шоир ва таржимон Тоҳир Қаҳҳор аллома билан учрашиш ниятида Бокуга борди ва олим билан қилинган суҳбатлар «Гулистон» журналининг саҳифаларида чоп этилади.

«Дашкандли қўноқ»лигимни эшитгач академик мени хонасига таклиф этди. Бу ерда икки нарса – хонанинг бир томонини тамом эгаллаган харита ва Зиё муаллимнинг баланд гавдаси, шиддатли қиёфаси дарров кўзга ташланади ва хонада шу икки нарсадан бўлак ҳеч нарса йўқдек туюлади. Шу пайт телефон жиринглади. У телефонда гаплашаётганда қиёфасини кузатдим: самимий, очиқ, нимани ўйласа, шуни айти-

диган дангалчи одам; оддийлиги, кийинишидан ҳам, хонасидаги жиҳозларидан ҳам кўриниб турибди.

Дунёда нима кўп, олим кўп. Аммо халқ севган, эъзозлайдиган олимлар жуда кам. Халқ меҳрига эришиш учун илм кишиси халқни улуғлайдиган, унинг қаддини кўтарадиган, унинг асл манфаатларига хизмат қиласидиган иш қилмоғи лозим. Бундай ишни ҳамма илм кишилари ҳам қиласидармайди. Зиё оға эса нафақат озар диёридаги миллати дардига, бутун инсоният, айниқса, ўзи меҳмон бўлган Ўзбекистон дардига, ўша вақтда хавф дараҷасига келиб қолган экологик фожиалар, маданий мерос обидаларини авайлаб асраш масаласига ўз муносабатини билдириб ўтганди», – дейди Тоҳир Қаҳҳор хотираларини ёдга олиб.

... 1991 йилдан кейинги истиқбол йилларида Зиё Бунёдов мафкуравий тазиқлардан холи равища илм уммонига шўнғиди дейиш мумкин. Уруш асоратлари, шўро мафкурабозлари қолдирган оғриқларга қарамай, кўплаб арабча асарларни, шарқ тарихига доир манбаларни арабчадан озарбайжончага таржима қилиб нашр эттириди, «Қизил террор» асарини, «Динлар, мазҳаблар, тариқатлар» номли қомусий лугатини яратди.

Маълумки, собиқ Иттифоқ таркибидағи республикалар мустақилликка эришгач, улар орасидаги келиб чиқиши туркий бўлган халқлар тарихини биргалиқда яратиш ғояси илгари сурилади. Бу борада Туркияда айнан шу мавзуга бағишлиланган илмий конгресс ўтказилади. Ушбу конгрессда иштирок этган андижонлик тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг таъкидлашича, илмий йиғилишдаги энг таъсирчан нутқ ва таклифлар айнан Зиё Бунёдовга тегишли бўлган. Яъни Зиё Бунёдов дунёдаги туркий халқларнинг тарихини, улар олдин яшаган, яшаётган ҳудудлар, туркийларнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини холис ва ҳаққоний ҳолда яратиш, бунга жаҳон-



нинг забардаст олимларини жалб этиш ва ушбу асарларни дунёнинг барча тилларига таржима қилиш фикрини билдирган.

Озарбайжон халқи ўзининг миллатпарвар фарзандини парламент мажлисига депутат, Фанлар академияси вице-президенти этиб сайлади. Зиё Бунёдов бу вазифаларда ҳам сидқидилдан, ҳар доимгидек журъат би-

лан миллат манфаатлари, давлат истиқболи учун куюниб ишлади.

1997 йил 21 февраль, Боку. Парламент депутати Зиё Мусо ўғлининг сўнгги куни. 76 ёшли фуқаро Зиё Бунёдов вафот этди. Аммо Зиё Мусо ўғли Бунёдов ҳаёти, у яратган асарлар, таржима қилган манбалар орқали барҳаёт.



# ФАРГОНА ВОДИЙСИ ТАРИХИ ВА АРХЕОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШДА АКАДЕМИК ЯҲЁ ҒУЛОМОВНИНГ ЎРНИ

О.Ш.Канимкулов,  
ЎзМУ докторанти

Бугунги кунда республика-  
мизда илм-фан ва маданият  
ривожига улкан ҳисса қўшган  
олимлар хотирасини ёд этиш  
ҳамда улар қолдирган бебаҳо  
имиий-ижодий меросни ўрга-  
нишга алоҳида эътибор қара-  
тилмоқда. Илм-фан фидойила-  
рининг улуғ ишлари ёш авлод  
учун намуна мактабини ўта-  
моқда. Ушбу мақоламизда шун-  
дай илм-фан фидойиларидан  
бiri, биринчи ўзбек археолог  
олими Яҳё Ғуломовиҷ Ғуломов-  
нинг Фарғона водийси тарихи, археологияси  
ва сугорилиш тарихи бўйича олиб борган тад-  
қиқотлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Яҳё Ғуломовнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида унинг ҳамкаслари ва шогирдлари жуда кўп ёзишган. Хусусан, академиклар А.Муҳаммаджонов, А.Асқаров, тарих фанлари докторлари Б.Лунин, Т.Ширинов, А.Анорбоев, М.Исомиддинов, тарих фанлари номзоди И.Ахроров ва бошқалар ёзган мақола ва биографик маълумотлар кўпчиликка яхши маълум.

Маълумки, қадимги даврларданоқ Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ривожланишида сунъий сугориш муҳим ўрин эгаллаган. Шунинг учун ҳам Яҳё Ғуломов сунъий сугориш тарихини мукаммал ўрганишга ва ундан халқ



хўжалиги манфаатлари йўли-  
да фойдаланишга алоҳида эъ-  
тибор қаратган. Бир қарашда  
олимнинг асосий фаолият йў-  
налиши Хоразм воҳаси бўлган-  
лиги сабабли Фарғона водийси  
тарихи муаммолари билан у  
қадар кўп шуғулланмагандек  
кўринади. Лекин Яҳё Ғуломов  
нафақат Хоразм, балки Бухо-  
ро воҳаси, Фарғона водийси,  
Мирзачўл ҳамда Қашқадарё во-  
ҳаларидаги археологик экспе-  
дицияларга бошчилик қилиб,  
қадимий сугориш системаларини тиклаш ва  
янги ерларни ўзлаштириш бўйича амалий  
таклифларини илгари сура олган олим эди.  
Я.Ғуломовнинг Фарғона тарихи борасида  
олиб борган изланишларини ниҳоятда сал-  
моқли дейишимиз мумкин. Я.Ғуломов зо-йил-  
ларнинг бошларида ёқ Фарғона водийси та-  
рихи билан қизиқа бошлаган. 1930 йил ёзида  
Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Ўзбек  
илмий-тадқиқот институтининг бир гурӯҳ та-  
рихчилари билан проф. П.Солиев раҳбарлиги-  
да Фарғона водийсида бўлади. Мақсад Фарғо-  
на водийсининг қишлоқ хўжалиги ва шаҳар  
хунармандчилиги тараққиётини ўрганиш эди  
[1, 88 – 92-б].

Яҳё Ғуломов ўзининг Фарғона водийси тарихи бўйича илк таассуротларини: «Мен



Пўлат Солиевнинг институтдаги Ўрта Осиё бўлими бўйича ёрдамчиси эдим, шунингдек, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Ўзбек илмий-тадқиқот институти аспиранти сифатида 1930 йили Фарғона водийси бўйлаб тарихий ҳужжатлар йиғиш ишларида ҳам бирга ишладик. Пўлат Солиевнинг тарихий мавзулардаги, хусусан, Ватанимиз тарихи борасидаги қизиқарли сұхбатлари бизнинг тарихга бўлган қизиқишимизни янада кучайтиради» [2, 28-б], – деб хотирлайди.

1939 йили қисқа муддатда Катта Фарғона канали қазилди. 270 км узунликдаги канални қазиш жараёнида жуда кўп археологик ёдгорликларга дуч келинди. Шу сабабли ҳам қазиш жараёнида археологик кузатув олиб бориш мақсадида бу ишга археологлар ҳам жалб қилинади. Яхё Гуломовнинг Фарғонадаги биринчи жиддий иши ҳам 1939 йилда Катта Фарғона канали қурилиши вақтида амалга оширилган бўлиб, канал трассасида ташкил этилган археологик экспедициянинг 3-бўлинма гуруҳига (1-гуруҳ – М.Е.Массон, Г.Г.Оболдуева, 2-гуруҳ – В.Д.Жуков, 3-гуруҳ – Я.Ф.Гуломов бошчилигига) раҳбарлик қилган. Шу йили Риштон, Ўзбекистон, Сўх, Бешариқ ва Учқўприк туманларидаги кўплаб археологик объектларни ўрганиб чиқкан. Унинг «Катта Фарғона канали қурилишидаги археологик экспедициянинг учинчи бўлинмаси иши тўғрисидаги ҳисобот»и кейинги давр археологлари учун Фарғонадаги археологик обьектлар тўғрисида илк илмий хулоса ва илк ҳарита вазифасини ўтайди [3]. Катта Фарғона каналини қазиш вақтида ўтказилган археологик кузатув ишларидаги фаол иштироки учун Я.Гуломов «Катта Фарғона канали аълочиси» унвони билан тақдирланади [4]. Экспедиция канал қурилиши давомида бронза ва темир даврига оид жуда кўплаб археологик ёдгорликлар [5, 16 – 17-б] (Чустяқинидаги «Бувана мозор», Андижон вилоятидаги «Далварзинтепа» ва бошқалар), қадимги суғориш каналлари излари, меҳнат қуроллари, сопол идишлар ва бошқа буюмлар топди. Ка-

нал қурилишининг (45 кунда қазилган) жуда тезкорлик билан олиб борилиши сабаб ўша вақтда аниқланган жуда кўплаб ёдгорликлар, каналлар излари, топилган осори атиқаларни тўлиқроқ ўрганиш имкони бўлмаган. Шу сабаб ҳам Фарғона ҳудудида кейинчалик археологик тадқиқотлар олиб борилиши натижасида водий ҳудудларида палеолитнинг илк даврларига оид маданият излари, қадимги дәхқон ва чорвадорларнинг манзилгоҳлари, суғорма дәхқончилик майдонлари аниқланди [6, 3 – 10-б]. Катта Фарғона каналининг қурилишида амалга оширилган археологик кузатишлар ва кейинги йилларда ўтказилган маҳсус экспедициялар Фарғонанинг қадимги тарихи ҳақидаги мавжуд маълумотларни буткул ўзгартириб юборди. Сабаби, шу вақтгача қадимги Фарғона тарихи, унинг суғорилиш тарихи ҳақида маълумотлар асосан милоддан аввалги II асрда яшаб ўтган Хитой тарихчиси Чжан Сян ёзиб қолдирган маълумотларгагина асосланар эди [7, 20-б]. Унгача бўлган даврда қадим Фарғонанинг қандай обод бўлгани, суғорилиш тизими ҳақида ёзма маълумотлар бўлмагани учун ҳам Катта Фарғона каналини қазиш жараёнидаги археологик кузатувлар тарих фанига катта маълумотлар берди [1, 88 – 92-б; 5, 24-б]. Яхё Гуломов Фарғона водийси тарихи ва археологияси билан боғлиқ тадқиқотларини 1956 – 1959 йилларда давом эттиради.

Яхё Гуломов бошчилигига 1956 – 1959 йилларда Қува археологик гуруҳи Фарғона вилоятининг Қува, Андижон вилоятининг Марҳамат туманларида археологик тадқиқот ишларини олиб борди. Ўрганишлар натижасида Яхё Гуломов Қува археологик ёдгорлигининг аянчли аҳволи [15] ҳақида Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги раҳбари Н.А.Муҳитдиновга хат ёзади. Чунки бу ерда қурилган ғишт заводи томонидан ёдгорлик шафқатсизларча вайрон қилинаётган эди. Шундан кейин ғишт заводи фаолияти тўхтатилиб, ёдгорлик сақлаб қолинади.



Яҳё Ғуломов шу тариқа кўп йиллар давомида археологик ишлар олиб борилган Қува аҳоли пунктининг муҳофазаси ва асрлаб-авайланишига эришди. У Қуванинг работ қисмида илк ўрта асрлар даврига оид буддавий ибодатхона қолдиқларини ўрганди.

1965 йилнинг октябрь ойида Фарғона вилоятининг Қува ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотларга ҳам Яҳё Ғуломов раҳбарлик қилди [8]. Бу гурӯҳ Қува ҳудудидаги Чилламозор номли қадимги тепани ўрганиш вақтида 2 минг йил олдин ҳаробага айланган қалъя вайронасини топади. Эътиборли жиҳати, у ерда ўша даврга оид сопол идишларнинг синиқлари, тош ва қўл тегирмонлари орасидан бир тутам пахта чигити чиқади [9, 25-б]. Бу билан қадимги даврлардан ватанимиз ҳудудида пахта экилганлиги исботланди.

Яҳё Ғуломовни Фарғона водийсидаги фаолиятининг яна бири Фарғонанинг қадимги пойтахти Ахсикент ҳудуди билан боғлиқдир. Бу ёдгорликнинг муҳофаза қилиниш тарихи ҳам Яҳё Ғуломов номи билан боғлиқ. Ахсикат эса Ўзбекистон Министрлар Советининг 1959 йил 29 июлдаги маҳсус қарорига кўра республика аҳамиятига эга бўлган археологик объект сифатида ҳимоя остига олинган эди [10, 17 – 19-б]. 1970 йилда ушбу ёдгорлик этагида маҳаллий ҳокимият фишт заводи қуриш учун рухсат берган ва тупроқ учун қадимий тепалик қазий бошланган эди. Бу ҳакида Яҳё Ғуломовга шогирди И.Аҳроров хабар беради. Ҳабарни олгач Я.Ғуломов Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги раҳбари Шароф Рашидов олдига боради. Шароф Рашидов ўша йилнинг кузидаги комиссия билан шаҳарчага бориб фавқулодда йиғилиш ўтказади. Шароф Рашидов у ерда Яҳё Ғуломовни тинглагач, ўз ҳис-туйғуларини яширмай уч кун ичида фишт заводини демонтаж қилиш ва ёдгорликни бузишни тўхтатиши ҳакида буйруқ беради. Ўша вақтда бузғунчилик ишларини амалга ошираётганлар маҳаллий ҳокимият органларидан ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига рухсат олиши

коррупциясиз амалга ошмас эди. Гап шундаки, маҳаллий ҳокимликлар давлатга пахта топшириш режасини бажариш ёки ошириш учун пахта экиш майдонини кенгайтириш баҳонасида (аслида, тарихий обида ёки тепалик ўрнида фишт заводи қуриш зарурати бўлган) туман ёки вилоят раҳбарлари орқали Ўзбекистон Олий Советининг раиси Я.Насриддиновага бевосита мурожаат қилган эдилар. Раҳбарият эса бальзан масаланинг моҳиятига тушунмай, муҳокама қилмасдан унга тақдим этилган хужжатларга имзо чеккан [11, 27 – 38-б]. Юртимиздаги маданий мерос ёдгорликларини сақлаб қолиш йўлидаги бундай қаҳрамонликларини, одатда, Яҳё Ғуломов кўп ҳам овоза қиласкермаган.

Ишимизнинг яна бир назарий қиймати Я. Ғуломовнинг қадимий сугориш тизимлари, археологик ёдгорликларни аниқлаш, уларни муҳофаза этишдаги улкан тажрибаси ҳамда ақлий заковатини кўрсатиш билан бир қаторда бу йўналишларда (жумладан, Фарғона водийсининг сугорилиш тарихини ўрганиш бўйича) шогирдлар тайёрлаш масаласини ҳам ёритишидир.

Сугорилиш тарихи бўйича кўп йиллар давомида иш олиб борган ва ниҳоятда бой материаллар йиғилган бўлишига қарамай, Яҳё Ғуломов иш ўз мўлжалига етмагунча уни якунлашга, юқори илмий даражага олиб чиқишга асло ошиқмас эди. Шогирдларидан бири С.Жалилов устози билан боғлиқ бир воқеа хусусида шундай дейди: «Фарғона водийси жануби-шарқий районларининг сугорилиш тарихига бағишлиланган илмий ишим тугалланиб, 1964 йили ҳимояга чиқмоқда эдим. Домла Захириддин Мұҳаммад Бобур давридаги машҳур Қубо (Қува) қора суви ҳақидаги хулосаларимга шубҳа билдириб, қайта ўрганисиз деди, иш ҳимояга қўйилмади. Келаси 1965 йил ёзида домла Қувага маҳсус экспедиция уюштириб, масалани ўрганишда шахсан ўзи қатнашди. Диссертация ҳимояси бир йилдан сўнг – 1965 йил сентябрда ўтказилди. Дим-



ланиб қолган эътиrozимни домла фаҳмлаб шундай дегани ҳамон ёдимда: «Сайфиддин, турмушдаги хатони қайта тузатса бўлади. Аммо илмдаги янгилиш хулоса бир кун келиб бошга тўқмоқ бўлади, илмий ишда асло шошилманг» [12, 44 – 49-б]. Сайфиддин Жалилов кейинчалик Яхё Гуломов раҳбарлигига Фарғона водийсида сугорилиш ишлари тарихига оид катта илмий тадқиқот ишини яратди [13, 68 – 76-б]. Яна бир шогирди Й.Қосимовни эса Наманган вилоятининг сугорилиш тарихини [14] ўрганишга йўналтириди.

Ўз шогирдлари ишига бўлган талабчанликни И.Ахроровни Наманган вилояти археологиясига оид мақоласига билдирган муносабатида ҳам кўришимиз мумкин [16, 20-б]. Унда мақолани археологик стратиграфия, яъни маданий қатламлар бўйича ёзиш кераклиги, Ахсикатни ўрганган олимларнинг ишлари ҳақида батафсил маълумот бериш ва у ишларга аниқ ва танқидий муносабат билдириш лозимлиги, мақола ўқувчига ҳазм бўладиган даражада тартибга солиниши зарур экани ҳақида жиддий фикрлар баён қилинган. Бу ҳужжат Яхё Гуломовнинг археологик тадқиқотга, қолаверса, ундаги материалларнинг ҳаққонийлигига, топилмалар тафсилотида изчиллик ва аниқликка, масаланинг тарихшунос-

лигидан келиб чиқувчи хулосаларга таяниб ўз янги қарашларини баён этиш тамойили каби масалалар қатъий талабчан руҳда қарраганини намойиш қиласди [17, 48 – 53-б]. Қолаверса, Яхё Гуломов номлари қайд этилган олимлар мисолида бир қатор фарғонашунос олимларни тарбиялаган. Уларнинг тадқиқотларига расман илмий раҳбарлик қиласган [18]. Я.Гуломов бевосита раҳбарлик қиласа-да, Ю.А.Заднепровский ва Б.Матбоевлар ҳам устоз-олимнинг Марҳаматдаги ва Қувадаги фаолиятларини ўрганиб, ривожлантиришиди.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, 1950 – 1960 йилларда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти томонидан ташкиллаштирилган Фарғона экспедицияларига Яхё Гуломов доимий раҳбар ва маслаҳатчи вазифасини бажарган. Бунинг натижасида Обишир мезолит даври ёдгорлиги, Марказий Фарғонада палеолит, мезолит, неолит ва бронза даврига мансуб кўплаб янги манзилгоҳларнинг фанга маълум қилинишида бевосита Яхё Гуломов раҳнамолик қиласган. Фарғонада палеолит, мезолит, неолит даври ёдгорликларининг қайд этилиши, илк ўрта асрларга оид машҳур Қува ҳаробаларининг, унда будда ибодатхонасининг очилиши каби кашфиётларнинг барчаси Яхё Гуломов номи билан боғлиқдир.

## Адабиётлар

1. Гулямов Я. Из истории организации ремесла в Ферганской долине в XIX – начале XX вв. // Избранные труды академика Я.Г.Гулямова. – Самарканд-Ташкент: Фан, 2008; Археология. 2009. №9. – С.88 – 92.
2. Германов В.А. Профессор Пулат Салиев и его время. – Ташкент: Фан, 2002. – С.21.
3. Гулямов Я. Отчет о работе третьего отряда археологической экспедиции на строительстве Большого Ферганского канала имени И.В.Сталина // Труды Института истории и археологии. Узбекистанского филиала Академии наук СССР. Том IV. – Ташкент, 1951. – С.85 – 122 (Фундаментал кутубхона 9/4717, инв. 53, №331).
4. Личное дело Я.Г.Гулямова в архиве института истории и археологии АН УЗ ССР. Архив №28, фонд 54, дело 33, протокол №6. 1950 г. 28 марта.
5. Гуломов Я. Ўзбекистонда археология. – Тошкент: Ўзбекистон, 1956. – Б.17.
6. Гулямов Я. Некоторые итоги археологических работ в Узбекистане в 1967 – 1968 гг. // История материальной культуры Узбекистана. Вып. №9. – Ташкент, 1972. – С.3 – 10.



7. Ғуломов Я. Қадимги маданиятимиз изларидан. – Тошкент: Ўзакадемнашр, 1960. – Б.20 (Фундаментал кутубхона, 9/12355).
8. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви. Ф 2883, Р-1, йифмажилд 49 (Я.Ғуломов ва М.Қосимовларнинг Фарғона археологик отрядининг водийда олиб борган дала ишлари ҳақидаги ҳисботлари. 1965 – 1966 йиллар).
9. Ғуломов Я.Ғ. Пахтачилик қачон бошланган // Фан ва турмуш. 1966. №1. – Б.2 – 25.
10. Ғуломов Я., Аҳроров И. Ахсикент обидалари изидан // Фан ва турмуш. 1964. №8. – Б.17 – 19.
11. Аҳроров И. Академик Яхъя Гулямович Гулямов – мой учитель и наставник // Я.Ғуломов таваллудининг 100 йиллигига бағишлиланган республика илмий-амалий конференцияси тўплами. – Тошкент 2008. – Б.27 – 38.
12. Жалилов С. Тарихчилар сардори эди // Я.Ғуломов таваллудининг 100 йиллигига бағишлиланган республика илмий-амалий конференцияси тўплами. – Тошкент, 2008. – Б.44 – 49.
13. Қаюмов А. Улуғ алломалар тўғрисидаги хотиралардан // Я.Ғуломов таваллудининг 100 йиллигига бағишлиланган республика илмий-амалий конференцияси тўплами. – Тошкент, 2008. – Б.68 – 76.
14. Қосимов Й. Наманган воҳасининг сугорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1988. ЎзРФА Бош кутубхонаси. Сақланиш рақами 90К9/4255.
15. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви. Ф. 2883, Р-1, йифмажилд 74, (1957 йил 18 август куни Қува шаҳридан Яхъё Ғуломовномига юборилган мактуб. Муаллифини аниқлашнинг имкони бўлмади. Хатда Яхъё Ғуломов археолог Ҳалилулло Муҳамедовни ўз ҳузурига, Тошкентга чақирганлиги, И.Аҳроров, Ў.Исломовларнинг Қувадаги археологик тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар қайд этилган. Бу мактуб водийдаги археологик тадқиқотларнинг бориши устидан Яхъё Ғуломов доимий назорат олиб борганидан далолатdir).
16. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви. Ф. 2883, Р-1, йифмажилд 80, 20-бет (Я.Ғуломов. И.Аҳроровнинг «Наманган вилояти археологиясига оид» номли мақолосасига тақриз).
17. Канимкулов О.Ш. Ўзбекистондаги тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганишда Яхъё Ғуломовнинг ўрни // Ўтмишга назар. – Тошкент, 2021. №4 (6). – Б.48 – 53.
18. Фарғонашунос археологлар туркумидан Яхъё Ғуломович Ғуломов. Интернет маълумоти. <https://ar-ar.facebook.com/museumFergana/posts/154816912875498/>
19. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. 1962. №118. – С.49; Матбооеев Б. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2014. №1.



# ПОЛИТИЧЕСКИЕ РЕПРЕССИИ СРЕДИ КАЗАХОВ НА ТЕРРИТОРИИ РЕСПУБЛИК СРЕДНЕЙ АЗИИ В 20 – 50-е ГОДЫ XX ВЕКА

(В СВЕТЕ НОВЫХ АРХИВНЫХ ИСТОЧНИКОВ. – АЛМАТЫ: ТОО «ЛИТЕРА-М», 2021. – 234 с.)

К.Н.Балтабаева,

Исполнительный директор Ассоциации  
выпускников КазНУ им. Аль-Фараби, кандидат исторических наук

Данный сборник включает материалы Республиканской научно-практической конференции, которая состоялась 6 октября 2021 года на базе Института истории и этнологии им. Ч.Ч.Валиханова в рамках реализации одноименного проекта Комитета науки Министерства образования и науки Республики Казахстан.

Территориальные границы исследования по данному проекту тождественны территориям Узбекистана, Кыргызстана, Таджикистана и Туркменистана, что объясняется структурой расселения казахов в Средней Азии, а также их высокой миграционной активностью.

Хотя конференция имела статус «республиканская», тем не менее, ее организаторы пригласили специалистов из ведущих научных центров Узбекистана, России, Кыргызстана: Музей памяти жертв репрессий при Андижанском государственном университете им. Бабура, Андижанский государственный университет им. Бабура, Каракалпакский научно-исследовательский институт гуманитарных наук (КНИИГН) Каракалпакского отделения АН РУз (ККО АН РУз), Институт



К.Н.Балтабаева

истории Сибирского отделения Российской академии наук, Кыргызский национальный университет им. Ж.Баласагына, Дипломатическая академия МИД Кыргызской Республики, Кыргызско-Российский Славянский университет.

Из Казахстана были представлены НИИ и вузы, сосредоточенные в городах Алматы и Нур-Султан. Среди них: Институт истории и этнологии им. Ч.Ч.Валиханова, Казахский национальный университет им. Аль-Фараби, Евразийский национальный университет им.

Л.Н.Гумилева, Казахский агротехнический университет им. С.Сейфуллина и Каспийский общественный университет.

На конференции, впервые проведенной по такой актуальной теме, прозвучали доклады на основе новых источников из государственных и специализированных (ведомственных) архивов Казахстана, Узбекистана, Таджикистана, Кыргызстана, России, Украины. Участники конференции посвятили свои доклады актуальным вопросам: изучение советского периода истории и состояние историографии; сопротивление политике компартии в республиках Средней Азии – формы и региональная специфика; особенности репрессивной политики, в том числе касательно казахов в 1920 – 1950-е годы; государственная политика памяти в республиках Средней Азии и Казахстана и уроки политических репрессий в процессах формирования национальной идентичности; персоналии в молохе политических репрессий; проблемы включения темы политических репрессий в публичное пространство и в поле исторического образования.

